Муҳаммад Муфти Оҳангароний

# МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ МАНОҚИБИ



TOSHDO'TAU
0000002427

Тошкент - 2002

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ

**Муҳаммад Муфти Оҳангароний**

# *МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ МАНОҚИБИ*

2238
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI
1609

Тошкент -2002

**Масъул муҳаррир:** профессор Зоҳидулло Мунавваров

**Тақризчилар:** шайх Абдулазиз Мансур,
профессор Нажмиддин Комилов,
доцент Аширбек Мўминов

Форс тилидан Абдуллоҳхўжа Маъруфхўжа ўғли ва Шуҳрат Сирожиддинов таржимаси

**Нашрга тайёрловчи:** филология фанлари доктори Шуҳрат Сирожиддинов

**Муҳаррир:** Неъмат Жабборов

Ушбу манба XV-XVI асрларда яшаган нақшбандия силсиласининг Махдуми Аъзам Хожа Аҳмад Косонийдан кейинги йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг ҳаёти ва фаолияти, ақида ва ибодати ҳақидадир. Сиз ундан халқимизнинг буюк фарзандларига оид янги маълумотларни олиш билан бирга, ҳалоллик, садоқат, меҳр-оқибат, ҳилм ва андиша борасидаги аждодларимизнинг ибратомуз панд-насиҳатларидан ҳам хабардор бўласиз.

© Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси

# МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ ЧУСТИЙ

Мустақиллик халқимиз маънавий ҳаётининг чанг босиб ётган саҳифаларини очиш имкониятини берди. Ўтган йиллар давомида қатор алломаларимизнинг номлари билан бирга серқирра илмий-маънавий мерослари ҳам юзага чиқарилди. Буюк муҳаддисларимиз, аллома фақиҳларимиз, калом илми пешволарининг беназир асарлари халқимизга тақдим этилди. Ўзбек халқи маънавияти тарихида муҳим ўрин тутган суфийлик тариқатлари ҳақидаги адабиётларнинг нашр этилиши, айниқса, кўпгина руҳий-маънавий эътиқод йўналишлари бўйича маълум тасаввур уйғотди. Бу ҳаётий зарурат эди. Зотан, суфиёна тафаккур ва тарбия халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Коммунистик тузум бир неча авлод ўсиши баробарида халқни диний-мазҳабий, ақидавий-фиқҳий тушунча ва тамойиллар, илмий ва амалий тасаввуф моҳиятини тушуниш ҳамда фарқлаш имкониятидан маҳрум қилди. Натижада мустақиллик берган виждон ва эътиқод эркинлигидан бидъат ва залолатга ботган, халқимизга ёт диний оқимлар фойдаланишга уриндилар.

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинким, ўтган йиллар давомида халқимиз асл маънавий ўзанига қайтди, унинг исломий саводхонлиги ошиб, соғлом эътиқод шакллана бошлади, ҳақ ва ноҳақ таълимотларни фарқлашга ўтилди. Буюк бобокалонларимизнинг ибратли ҳаёти ва таълимотларини чуқур ўрганиб, ўз эътиқодини занг ва ғубордан тозалади. Хусусан, суфийлик тариқатларининг буюк сиймолари Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақидаги рисолалар бугун ҳар бир хонадоннинг мулкиға айланди, десак муболаға бўлмас. Охирги пайтларда Мавлоно Яъқуб Чархий, Маҳдуми Аъзам Хожаги Аҳмад Косоний-Даҳбедий, Сўфи Оллоёр ва бошқа пир-муршидларнинг халқимиз маънавияти тарихидаги ўрни, диний-тарбиявий меросларига қизиқиш кучайиб, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид манбаларни ўрганиш ишларига эътибор янада ортиб бормоқда. XV асрнинг иккинчи ярми - XVI асрда фаолият кўрсатган Мовароуннаҳрдаги нақшбандия тариқатининг буюк намояндаси Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳам ана шу йўналишдаги долзарб масалалардан биридир.

## *Мавлоно Лутфуллоҳ ҳақидаги манбалар*

Мавлоно Лутфуллоҳни илмий жамоатчиликка маълум қилган дастлабки маълумотлар атоқли рус шарқшунослари В.В.Бартольд, В. Вяткин ва А.А. Семеновларнинг илмий мақолаларида учрайди[1]. Мавлоно Лутфуллоҳ ҳақида анча жиддий кузатишлар олиб борган шарқшунос олим Б.Бобожонов рус шарқшуносларининг хабарларини ушбу машҳур пир-муршид ҳаёти ва фаолиятини ўрганишдаги дастлабки қадамлар сифатида ижобий баҳолайди[2]. Аммо совет мустабид тузуми даврида у билан боғлиқ манбаларни ўрганиш ишлари қўллаб-қувватланмагани сабабли ёпиқли қозон ёпиқлигича қолиб кетди. Б.Бобожоновнинг ёзишича, охирги йилларда чет эл олимларининг ишларида Мавлоно Лутфуллоҳ шахсияти махсус ёритилмаган бўлса-да, тариқатлараро муносабатлар тарихи мавзусига бағишланган баъзи ишларда унинг ҳаётига алоқадор айрим эпизодлар ўрганилган. Хусусан, олим америкалик тадқиқотчи Де Весс Девиннинг Марказий Осиёда кубровия тариқати тарихига бағишланган мақоласини алоҳида қайд этади[3].

Шундай бўлса-да, уларнинг ичида Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳақида анча аниқ маълумот берувчи ягона мақола Б.Бобожоновнинг илмий тадқиқотидир. Шарқшунос олим Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳақидаги манбалар ҳақида маълумот келтирар экан, унга бағишланган икки маноқиб мавжудлигини, улар Муҳаммад ал-Муфти Тошкандий-Оҳангаронийнинг «Маноқиби Мавлоно Лутфуллоҳ», Убайдуллоҳ ан-Нақшбандий ас-Самарқандийнинг «Сирож ас-соликин ва латойиф ал-орифин» бўлиб, шунингдек, «Сирож ас-соликин»нинг Халифаи Муҳаммад Раҳим томонидан қайта ишланган варианти ҳам учрашини айтади ва уларнинг ҳар бири устида тўхталиб ўтади. Бугунги кунда Тожикистон Фанлар академияси тарих, археология ва этнография институти қошидаги Семенов фондида сақланаётган Муҳаммад Раҳим қаламига мансуб «Сирож ас-соликин»нинг ягона нусхаси йўқолгани эътиборга олинадиган бўлса, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳақидаги маноқибларни имкон қадар тезроқ таржима қилиб, нашр этишнинг нақадар муҳимлиги аён бўлади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб учун Мавлоно Лутфуллоҳнинг яқин шогирди ва халифаси Муҳаммад Муфти Оҳангароний томонидан форс-тожик тилида ёзилган «Маноқиби Мавлоно Лутфуллоҳ» асари асос бўлди.

Асарнинг асл нусхаси ҳозирча топилгани йўқ. Аммо унинг бир неча нусхалари бизгача етиб келган. Юқорида зикр этилганидек, бир нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 5785 рақами остида сақланади. У 1292/1875-76 йилда номаълум котиб томонидан кўчирилган ва муаллиф Муҳаммад Муфти Тошкандий тарзида кўрсатилган.

Яна бир қўлёзма нусха Мулло Бобохожа ибн Умархожа Эшон томонидан 1313/1895-96 йилда кўчирилган бўлиб, чодаклик Аҳмадхожа ибн Бузрукхожа авлодлари қўлида сақланмоқда. Маноқибнинг мавжуд нусхалари ичида нисбатан қадимийси чустлик мўътабар отахон, Мавлоно Лутфуллоҳ жомеъ масжидининг имоми Абдуллоҳхўжа Маъруфхўжа ўғлининг шахсий кутубхонасида сақланади.

Мазкур қўлёзма нусха 1225/1810-11 йилда кўчирилган. Котиб китобат санасини кўрсатиб ўтса-да, ўзининг номини зикр этмаган.

Абдуллоҳхўжа Маъруфхўжа ўғли ўзларининг табаррук ёшларига қарамасдан мазкур асарни ўзбек тилига ўгириб, халқни баҳраманд этишга ният қилибдилар. Чустлик маърифатпарвар муаллимлардан Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Ҳусайнхон Ориф таржимани у кишининг табаррук лафзларидан ёзиб олиб, нашр учун Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасига тақдим этдилар. Мазкур таржима қўлёзма билан қиёслаб ўрганилганда, унинг ниҳоятда эркин ва ўқувчи учун тушуниш оғир бўлган тилда ва услубда амалга оширилгани маълум бўлди. Аммо ушбу асарнинг замондош ўқувчиларимиз маърифатини янада бойитиши ҳамда ўтмишдаги маънавий ҳаётимиз жараёнини янада теран ўрганиш йўлида катта ёрдам беришини ҳисобга олиб, у қайта таржима этилди ва нашрга тайёрланди.

Қўлёзма 283 варақдан иборат. Қаттиқ зангори муқовада. Яхши сақланган, настаълиқ хати билан қора сиёҳда шалдироқ Қўқон қоғозига ёзилган. Тили халқчил, аммо имловий хатолари кўп. Баъзи ўринларда эътиборсизлик оқибатида юз берган нуқсонлар кўзга ташланади. Масалан, жой номлари чалкаш кўрсатилган, айрим нақлларнинг мантиқий якуни тушириб қолдирилган, келтирилган шеърларда вазн бузилиши ҳолатлари мавжуд.

Бошидан бир неча варақлар етишмайди. Китоб эгаси томонидан бўлса керак, ҳар бетига араб рақамлари қўйиб чиқилган. Мавжуд бетларнинг дастлабкисида 29 рақамининг (15а-варақ) қўйилгани нусханинг боши яқин орада йўқотилган

ёки тушиб қолган деган фикрга олиб боради.

Асар саккиз бобдан иборат:

**I боб.** Хожа Нақшбанд зикри. У 4 фаслдан иборат. (15а-56а) Таркиби: сақланган варақларда Баҳоуддин Нақшбанддан учта нақл (15а-15б), Аловуддин Аттор ҳақида битта нақл (15б-16б), Хожа Аҳрорнинг Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари ҳақидаги қайди (16б-17а), Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо ва Яъқуб Чархийнинг вафотларига оид таърих саналари келтирилган (17а-17б). Шундан сўнг тўртинчи фасл бошланади (17б-56а). У Хожа Аҳрор зикрига бағишланган. Давомида Низомиддин Хомушнинг зикри қўшилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 5785 рақами остида сақланаётган нусха тўлиқ. Унга асосан нусханинг тушиб қолган саҳифаларида Баҳоуддин Нақшбанднинг зикри келтирилганлиги маълум бўлди. Мазкур бобдаги нақллар охирги йилларда чоп этилган адабиётларда мавжудлиги сабабли нашрга киритилмади.

Иккинчи бобдан саккизинчи бобгача асар тўлиқ Мавлоно Лутфуллоҳга бағишланган. Қуйида бобларнинг тузилишини кўрсатиб ўтамиз:

**II боб.** Мавлоно Лутфуллоҳ ва унинг гўзал ахлоқи васфи ҳамда аждодлари зикри (56а).

*1-фасл.* Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ туғилган диёр зикри (56а-60а).

*2-фасл.* Мақтовга сазовор ахлоқи васфи (60а-63б).

*3-фасл.* Баъзи ота-боболарининг зикри (63б-68а).

**III боб.** Мавлоно Лутфуллоҳга тарбия берган баъзи авлиёлар ва машойихлар зикри (68а).

*1-фасл.* Мавлоно Шоҳ Ҳусайн зикри (68а-77б).

*2-фасл.* Маҳдуми Аъзам Мавлоно Муҳаммад Қози зикри (77б-97б).

*3-фасл.* Махдуми Калон Ҳазрат Мавлоно Хожаги Аҳмад Косоний зикри (97б-108б).

**IV боб.** Мавлоно Лутфуллоҳ ҳолларининг ибтидоси, талаб ва сулук даврларида рўй берган воқеалар баёни (108б-120б).

**V боб.** Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳнинг зоҳирий ва ботиний аҳволлари ва ибодатлари шарҳи (120б-157а).

**VI боб.** Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳнинг толиби илмлар ва соликларга Кобул вилоятидан юборган насиҳатномаси ва баъзи хатлари (157а-176а).

**VII боб.** Мавлоно Лутфуллохнинг мақомотлари, каромотлари ва хаворику-л- одатларидан баъзиларининг баёни (176а-250а).

**VIII боб**[4]. Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳнинг толиби илмлар ва соликларга айтган сўзлари баёни ( 250а- 279а)

Нусханинг охирги варақларида Мулла Нахшабийнинг муножоти (279б-280а) ва Муҳаммад Нодир исмли кишининг Мавлоно Лутфуллоҳга бағишлаган форсий ва туркий тиллардаги икки ғазали кўчириб ёзилган (280б). Шунингдек, бўш қолган икки варақ ўртасига кейинчалик бошқа котиб томонидан Мавлоно Лутфуллоҳнинг авлодларидан бўлган Саййид Нуъмонхон вафотига бағишланган марсия ва таърих ёзиб қўйилган (281б-282а). Охирги варақнинг бир томонига Мирзо Улуғбекнинг вафотига ёзилган «Аббос кушт» таърихи (283а) ва иккинчи бетида бу нусха чустлик домла Шарифхонники эканлиги ҳақидаги узуқ-юлуқ қайдлар бор (283б).

Асар барча маноқиб жанридаги китоблар каби нақллар асосида ёзилган бўлиб, анъанавий тарзда нақллардан англашилган пандларга мос манзумалар билан бойитилган. Шунингдек, турли маноқиб китоблар ва рисолалардан, жумладан, «Одоб ас-соликин», «Насиҳат ас-соликин», «Нафаҳот ал-унс», «Масмуъот», «Равзат ас-соликин», «Тазкират ал-авлиё», «Силсилат ал-орифин», «Рашаҳот айн ал-ҳаёт», «Мақомоти Хожа Аҳрор», «Мақомоти Хожа Нақшбанд», «Кашф ал-маҳжуб», «Таржамат ал-авориф», «Маноқиби Мавлавий Румий» каби асарлардан турли нақллар қўшилган. Китоб ҳажмидан келиб чиқиб, уларни нашрга киритмаслик маъқул топилди. Улар билан бирга, асарнинг ғоявий яхлитлигига путур етказмасдан турли кароматлар васфи, узундан-узоқ маснавийлар, чала кўчирилган ёхуд вазни бузилган кичик лирик жанрдаги манзумалар ҳамда матнни мураккаблаштирувчи арабий иборалар ҳам тушириб қолдирилди. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ишларига жиддий киришилаётгани назарда тутилиб, китобда Мавлоно ҳақида эълон қилинган адабиётлар руйхати ва ул зотнинг шажаралари илова этилди. Ушбу шажара Мавлоно Лутфуллоҳнинг Чустда истиқомат қилаётган авлодларидан олинди. Шажарада Мавлоно Лутфуллоҳнинг насаби халифа Абу Бакр Сиддиқга (р.а.) етиши ва унинг авлодларининг насл-насабномаси қирққа яқин қози ва муфти ҳамда даврнинг обрўли уламоларининг муҳрлари билан, жумладан Ҳўқанд шаҳри қозиси Мулло Муҳаммад Оқил ибн Шариф . Ҳўқанд қозиси Домулло

Акбар хожа ибн Азизлар хожа Эшон, Муфти Мулло Мир Бобо ибн Мир Ражаб . Муфти Мулло Ортиқ Муҳаммад ибн Йўлдош Бобонинг муҳрлари билан тасдиқланган. Шажара остида қуйидаги матн мавжуд: «Дин ва давлат арбобларига, мулку миллат асҳобларига маълум ва равшан бўлсинким, жаноби умдатул уламо, зубдатул фузало Ҳазрат Эшон, шайхулислом Домулло Муҳаммад Вали Хожанинг насаб ва нисбати Мавлоно Аҳмад Мирак ибн хожа Абдулкабир Кортоний орқали жаноби муқарраби боргоҳ олиҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ *навваролоҳу марқадаҳу*та етади. Шу муносабат билан ушбу нисбатнома Ҳўқанд доруссалтанати уламолари ва қуззоти томонидан муҳрланишга тақдим этилди ва шунингдек, ушбу жамоатдан Қори Хожанинг насаби Мавлоно Аҳмад Миракка етиши Чуст қасабаси уламолари наздида тасдиқланди ва муҳр билан қўшимча қилинди. Баъзи хожагонлар ўз қариндошларининг нисбатномалари билан қаноатланиб ўз нисбатномаларини янгиламаганлар. Баъзиларининг эса нисбатномалари замон ва давр ҳодисалари оқибатида йўқолиб кетган, аммо улар нисбатномага эга бўлган баъзи хожагонларга нисбатан анча машҳур ва маъруфдирлар. Бинобарин, уларнинг илтимосларига кўра, нисбатномалар янгиланди ва имзоланди.

Ҳижрий 1284/мил.1867-68 йилнинг рабиъ ал-аввал ойида ҳужжатланган нисбатнома 1310 /1892-93 йилнинг рабиъ ал-аввал ойида баъзи саййидларнинг илтимоси билан қайта кўриб чиқилди ва мазкур нусха имзоланди».

## *Ҳаёти ва фаолияти*

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий XV асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсининг Ахсикент мавзесидан 30-35 км. ғарбда жойлашган Чодак қишлоғида дунёга келган. Унинг тўлиқ таржимаи ҳолини маноқиб асосида тиклаш қийин. Шундай бўлса-да, ундаги маълумотлар бу ҳақда муайян тасаввур олиш учун етарлидир. Жумладан, отаси Мавлоно Фатҳуллоҳ яссавия шайхларидан бўлган. Муфти Оҳангароний унга иршоду иродат машойихи туркдан бўлганлигини ва Абу Бакр Сиддиқ авлодларидан эканлигини алоҳида таъкидлайди. Лутфуллоҳ беш ёшга кирганда уни мактабга берадилар ва етти ёшида Қуръонни тўла хатм қилади.

Мавлоно улғайгач, илмини такомиллаштириш мақсадида Самарқандга келади. Бу давргача нима ишлар билан шуғуллангани аниқ эмас. Фақат унинг Марғинонлик аллома мударрис Мавлоно Шоҳ Ҳусайн Чоркуҳий ҳузурида «Ҳидоя» ва бошқа исломий фанлардан сабоқ олгани айтилади. Самарқандга кетиш олдидан устози ёнига боради. Мавлоно Шоҳ Ҳусайн ундан икки йил унинг ёнида қолишини илтимос қилади. Бироқ Самарқандга интилиш ҳисси ғолиб келади. Шунингдек, маноқибнинг бир неча ўринларида таҳсил даврида Хожа Аҳрор мазоротини зиёрат қилгани билан боғлиқ нақллар учради. Бундан маълум бўладики, у Самарқандга таҳсил учун келганда Хожа Аҳрор ҳаётдан кўз юмган. Шундай бўлмаганда эди, бу ҳақда ёзиб ўтган бўлар эди.

Маноқибда Мавлоно Лутфуллоҳнинг туғилган йили ва вафотига доир маълумотлар йўқ. Баъзи илмий адабиётларда тахминан 1485-1571 деб белгиланган[5]. Ҳар ҳолда, кейинги тадқиқотларда бу масалага узил-кесил аниқлик киритилар.

Самарқандда неча йил таҳсил олгани ҳам аниқ кўрсатилмаган. Лекин Хожа Аҳрорнинг халифаси Муҳаммад Қози ҳузурида олти йил тарбиялангани ва сулукни ўтаганлиги айтилади. Ҳижрий 921/мил.1515 йили Хожа Муҳаммад Қози дунёдан ўтгач, Чодакка қайтиб кадхудолик қила бошлаган. Демак, Мавлоно Лутфуллоҳ 1509 йилда Муҳаммад Қози мулозаматига келган деб хулоса қилиш мумкин.

Нақшбандия силсиласида пирлик нисбати Махдуми Аъзам Хожаги Аҳмад Косонийда зуҳур этгач, ул зот Чодакка келиб, Мавлонони ўз суҳбатларига чорлайди. Мавлоно Лутфуллоҳ у кишига байъат қилиб қўл беради. Шу даврда Махдуми Аъзам Косоний уни Чодак қозиси Қози Маҳмуднинг қизига уйлантириб қўяди.

Номаълум сабабларга кўра Мавлоно Лутфуллоҳ бир неча марта яшаш жойини ўзгартирган. Ўзининг айтишича, «қишлоқ аҳлининг фитнаси оқибатида» кўчишга мажбур бўлган. Чодакдан сўнг Зубурқон (ҳозирги Зувутқанд), Карниён (ҳозирги Карнон) да яшайди. Охири Чустга келиб, муқим бўлиб қолади. Шу ерда ўзига қарашли ер майдонларида деҳқончилик қилиб тирикчилик ўтказади. Илк устози Мавлоно Шоҳ Ҳусайн (вафоти 935/ 1528-29) билан доимий алоқада бўлиб, илм такомили билан шуғулланади. Кунлардан бир кун туш кўради. «Маноқиб»да шундай келтирилади: «Айтдилар: «Карниён қишлоғида бўлиб турганимизда, таҳажжуд намозидан кейин муроқабада ўтирган эдим, кўзимга хожагон тариқатининг улуғ

акобирлари кўриндилар ва: «Эй фарзанд, халойиқни Аллоҳ тарафига ҳидоят қилгайсан»,-деб марҳамат қилдилар. Мен: «Бу иш оғир юкдир, уддасидан чиқа олмайман»,-дедим. Шунда руҳлар ўртасида Ҳазрат Махдуми Мавлоно Хожаги кўриниб: «Энди қабул қилмасанг - бўлмас», —деб амр қилдилар. Ноилож ўрнимдан туриб таъзим қилдим. Улар банда ҳақига фотиҳа ўқидилар. Шундай бўлса ҳам бу улуғ амр ҳақида ўйлашга чўчир эдим. Чунки, пирим Махдуми Калон Хожаги Аҳмад ҳаёт бўла туриб, маънавий ишоратга бўйсунишга, бу масалада ўзимга эрк беришга журъат қила олмасдим. Хуллас, бошга тушган мушкилимни ҳал қилиш учун уч марта Ахсикентдан Махдуми Калон хизматларига Самарқандга бориб, оғизларини пойладим. Ҳар йили бир неча муддат ул зотнинг мулозаматларида бўлардим. Аммо мушкилим ҳал бўлмади. Учинчи марта натижасиз Ахсикентга қайтаётганимда йўлим Дизах (ҳозирги Жиззах) чўли орқали эди. Отим нобуд бўлиб, уловсиз қолдим. От жабдуқларини кўтариб, Шоҳрухиягача пиёда келдим. Йўлда кўп азоб ва машаққатларни бошдан кечирдим. Аллоҳ таолога нола қилардимки, «Эй Парвардигорим, бечора бандангман. Сенинг ироданг бирла ул азизнинг иродатига кирганман. Аммо мана уч йилдирки бир мушкулимни ҳал қилиш учун ул зотнинг олдига қатнайман. Ўзинг мушкилимни ҳал қилгин, Парвардигоро!» Ногоҳ дилимга ғайбдан нидо келди: «Мусҳафни оч ва мушкилинг жавобини ўқи!» Каломуллоҳни очиб, дуч келган оятни ўқидим. Мазмуни шундай эди: «Биз амр қилдикким, ожиз бандаларимни рост йўлга бошлагил. Сустлик қилмаким, биз хоҳламагунимизча, сенинг мушкилинг ҳал бўлмагай». Шу пайт ғайбат юз бериб, пири бузругимиз Махдуми Калон ҳозир бўлиб айтдиларки, «Нега соликлар билан суҳбат қилишни орқага сураяпсан?»

Ҳазрат пиримнинг мулозаматларига борганда, мушкилимнинг ҳал бўлганини кўрдим.»

Махдуми Аъзам Косоний иршод ижозатномасини ёзиб, ўзидан кейин силсила бошқарувини Мавлоно Лутфуллоҳга топширади.

Китобда Мавлоно Хожаги Аҳмад Косоний томонидан Мавлоно Лутфуллоҳга берилган иршодноманинг нусхаси келтирилган. Унда шундай жумлалар бор: «Жаннатмаоб ва камолот иктисоб тошкандлик, паркатлик, пискатлик, ахсикатлик бошқа ерлик биродарлар! Ўз қадрлари ва тавфиқлари билан билиб қўйсинларким, шу пайтларда

жанобидиний биродар ва яқин дўст, шариат ва тариқат йўлидаги солик, ҳақиқат ошиёнининг баландпарвоз лочини Мавлоно Лутфуллоҳ ҳисобланади. Чунки у пешқадам ёронлардандир. Ёронлардан тобеъ бўлиш сўралади, ул зот олдида одоб сақлансин! Чунонки дебдурлар: «Адаб пеши ёри пешқадам аз жумлаи лавозим аст», яъни, пешқадам ёрларнинг қошида одоб сақлаш лозим нарсалар жумласидандир. Бас, барча ёронлар, биродарларга вожибдурким, у киши олдида адабни ўрнига қўйсинлар, яхши суҳбатлар ўтказсинларки, тариқатда бўлмаган одам эшитса таъсирлансин ва тариқатга кирсин!»

«Маноқиб»да Мавлононинг Махдуми Аъзам Аҳмад Косоний мулозаматида уч йил бўлгани айтилади. Яна бир ўринда уч йил давомида маълум вақтларда келиб турганлар, дейилади.

Мавлоно Лутфуллоҳ ўз пирлари ҳақида шундай дейди: «Мен Ҳазрати Носириддин Хожа Аҳрор Убайдуллоҳнинг руҳониятларидан хуфя зикр талқинини олдим, яна уч бузрукворлардан илм ва тарбия олдим. Аввало, Мавлоно Шоҳ Ҳусайн Чоркуҳий менинг устозим эдилар ва ул зотнинг қошида «Ҳидояи шариф»ни ўқирдим. Гарчи ул зотга байъат қилмаган бўлсам-да, аммо илк тарбиям ўшал зотдандир. Мен фақирга бениҳоя илтифот қилардилар. Ҳозир ҳам менда бир мушкул пайдо бўлса, ул зотнинг руҳларига мутаважжиҳ бўламан. Албатта, мушкулим осон бўлади. Иккинчиси, Махдуми Аъзам Мавлоно Муҳаммад Қози пири бузругимиз эдилар. Ул зотга байъат қилган эдим. Учинчи яқинроқ пирим Махдуми Калон Мавлоно Хожаги Аҳмад бўлиб, байъат қилганман ва такомилга етганман» (97б).

Махдуми Калон Хожаги Аҳмад Косоний Мавлоно Лутфуллоҳга пирлик ҳассасини бергач, ўн беш кундан сўнг дунёдан ўтади (949/1542). Шундан сўнг Махдумнинг кўпчилик муридлари Мавлоно Лутфуллоҳга байъат қиладилар. Аммо шу ўринда Махдумнинг айрим халифалари мухолифлик йўлини тутганларини ҳам айтиб ўтиш керак. Б. Бобожонов юқорида номи тилга олинган мақоласида Мавлоно Лутфуллоҳнинг жуйбор шайхи Хожа Ислом ва кубравия тариқати пешвоси Шайх Ҳусайн Хоразмий ўртасида авж олган рақобат жараёнини анча батафсил таҳлил этган[6]. Маноқибда Мавлоно Лутфуллоҳ фақат уларнинг эмас, балки турли шаҳар ва вилоятларда маълум таъсирга эга бўлган шайхларнинг пинҳона ва гоҳо ошкора ҳужуми қуршовида қолганини ўқиймиз. Хусусан, Хожа Хурд, Мавлоно Имод, Абдулқодир Турбатий, шайхулислом Хожа Яҳё, Қози Хожа Абдулхайр ва бошқалар билан боғлиқ ривоятлар бунга яққол мисол бўла олади. Бу яна бир марта шу даврда бир томондан Ўрта Осиё суфийлик тариқатлари орасида, иккинчи томондан эса, нақшбандия

мактаблари ичидаги рақобатнинг тобора кескинлашиб борганини тасдиқлайди. Мавлоно Лутфуллоҳ улуғ пирларга хос чидам ва сабот билан мухолифлар зарбасига кўкрагини тутади. Шу ўринда Маноқибда келтирилган мактублар Мавлоно Лутфуллоҳнинг дунёқарашини очищда муҳим манба эканлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Муҳаммад Муфти ул зотнинг иккита хатини «китобнинг зийнати» сифатида келтириб ўтган. Уларнинг бири шайхларга ва иккинчиси солики илмларга мурожаат қабилида ёзилган насиҳатномалардир. Ҳар иккала мактуб мазмунидан ўша давр ҳақида муҳим хулосалар чиқариш мумкин. Чунончи, Мавлоно Лутфуллоҳни ташвишлантирган ва биринчи хатнинг ёзилишига сабаб бўлган жиҳат XVI асрнинг иккинчи ярмида тариқат биродарлари ва баъзи шайхларнинг онгида пайдо бўлган моддий манфаатпарастлик иллатларининг юзага чиқиши билан боғлиқдир. Унда келтирилишича, Мавлоно Лутфуллоҳнинг имтиҳонидан ўта олмай, табиийки, иршод ижозатномасидан қуруқ қолган Мавлоно Зоҳиднинг: «Фақир минг тангага яқин маблағни қарз олиб, халққа ош тарқатган эдим ва уларни ўзимга қаратган эдим. Ҳолбуки, ижозати суҳбат Мавлоно Саййидийга берилиб, менга берилмас экан, халқ мендан юз ўгиради. Мен энди қарзимни қандай тўлайман»,-деб ўз пиридан қилган нолаю шикоятлари Туркистонда сафар қилиб юрган Мавлонога етиб келиб, шу хатнинг ёзилишига сабаб бўлган.

Мактуб тўлалигича тариқат қоидалари, хусусан, пир-муридлик одоби тамойиллари шарҳига бағишланган. Унинг тарихий жиҳатдан муҳим томони шундаки, биз тариқат тарбиясининг муҳим шарти бўлган пир-мурид муносабатларида баъзи оғишлар пайдо бўлганини биринчи марта шу даврда кўрамиз. Илгари ҳам, Маҳдуми Аъзам Аҳмад Косоний-Даҳбедий даврида ҳам бундай иллатлар кузатилмаган. Бу хат маноқибда келтирилган Мавлоно Лутфуллоҳ ва Маҳдуми Аъзам Аҳмад Косоний халифалари ўртасидаги зиддиятлар моҳиятини ҳам бир қадар ойдинлаштиради. Демак, Маҳдуми Аъзамнинг вафотидан сўнг нақшбандия мактабларида тарбияланаётган сўфийлар ичида турли йўллар билан пирлик мақомини олиш, иршод ҳуқуқини қўлга киритишга интилиш кучайган дейиш мумкин. Иккинчи муҳим хулоса шуки, Маҳдуми Аъзамдан сўнг ундан иршод ижозатномасини олган халифаларнинг (уларнинг сони олтмишдан ошади) ўзаро рақобатта киришиши натижасида бир-бирини обрўсизлантириш пойгаси бошланган кўринади. Бунинг таъсири етишиб келаётган бўлажак пирларда кўринмаслигининг иложи йўқ эди. Акс ҳолда Мавлоно Зоҳид тариқатнинг темир қоидасини қўпол бузмаган, ўз пири ҳақида

бундай ошкора ғийбатта ёки шикоятга ботинмаган бўлур эди. Шу жиҳатдан ҳам бу ҳол Мавлоно Лутфуллоҳни жиддий хавотирга солган дейиш мумкин. У ўзининг тарбиясини олган барча шайхлар ва солики илмларни муридлик одобига қаттиқ риоя қилишга чақиради. Бу унинг қуйидаги фикрларидан ҳам сезилиб туради:

«Билингким, саодатнинг асоси ва кароматнинг манбаси одобдир. Одоб игнасисиз ҳеч бир камолот либоси тикилмагай ва одоб ёғисиз ҳеч бир иқбол чироғи ёнмагай. Одобсиз киши дунёда ҳеч бир мансабга эришмагай, сафолик суфасида ўтирмагай. Тасаввуф - барчаси адабдур. Ҳеч бир солик одобсиз кибриё сарҳадларига йўл топмагай. Бас, ҳар бир муридким, ўз пири суҳбатининг ҳурматини сақламаса ва билмаса, худбинлик қилиб нафс-ҳаво учун мурид бўлган бўлса, ўзини шайх ҳисобласа, у ўзига ситамгардир ва золимдир.
Гарчи уни ҳақиқат йўлидаги соликларнинг мақомотлари ниҳоясига етказсалар ҳам, у ўзини фоний қилиб, ўз пири нисбатида маҳв бўлиши керак ва нафақат пир, балки Ҳазрати Раҳмон ҳузурида маҳв қилиши, мис вужудини зарга айлантириши лозим»...

Шайхнинг «шин»и ширу шакар ва шаҳду ширин кўринади, унинг охирги ҳарфи «хе»дан хушвақтлик ва хуррамлик ҳосил бўлади. Аммо билки, бу икки ҳарф ўртасида иллат бор. Ундан иллатлар, аломатлар, балолар ва офатлар ҳосил бўлиб, шайху ошиққа ружуъда бўлади ва халқ қабули эса ўтга ташланган темир ҳолатида бўлади. Шунда ошиқи содиқ ва шайхи тариқат Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тарафидан ҳукми иноятини кутиб, ёлғиз вожиб ал вужудга дилу нияти билан ўзини барқарор этади.

Билгил, эй солику содик, Ҳазрати Вожиб таоло ризолигига арбоби камолот шундай демишлар: «Тарки адаб бўлган ва уни эътиборда тутмаган шунга ўхшайдики, Иблиси лаъин тўққиз юз йил еру осмонда қилган ибодати бир маротаба Аллоҳга беадаблиги туфайли барбод бўлди». Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло шундай беадаблик шарридан ўз паноҳида сақласин.

Кубаройи тариқат ва аҳли ҳақиқат улуғлари ўзларини шайх санаган баъзи ноқисларни сурувни тўғри кушхонага бошлаётган такага ўхшатадилар.

Барча соликлар ва соликларга вожибдурким, агар иродат қўлини шайхга бермоқчи бўлсалар шундай зотларга берсинларки, уларда валийлик аломатлари бўлсин. Ноқис шайхларнинг суҳбатларига ва бефойда ҳикоятларига мафтун бўлиб, ўз динларини поймол қилмасинлар».

Иккинчи насиҳатнома Мавлоно Лутфуллоҳнинг ҳаж сафарига

чиқиб, Кобулда тўхтаганида ёзилиб, Тошканд ва Фарғонага юборилган. Унда, чунончи, шундай фикрларга дуч келамиз: «Ошиқ соликлар ва содиқ муридлар қатъан нопок йўл, бад кирдор ва гуфторлардан ўзларини сақласинлар. Борлиқ вужудлари талаб қилган барча нарсаларни орадан кўтарсинлар. Борлиқларини пири комил фаносида маҳв этсинлар. Шариат қонуни уламолари ва тариқат аҳли азизлари равияларини маҳкам тутсинлар. Бу тоифанинг суханларини фосид қилмасинлар ва билсинларки, агар бул зотларнинг таъвилотларини фосид қилишга берилсалар, албатта, гумроҳ бўлиб залолатда бўладилар. Шу жиҳатданким, бундайларнинг иши риёли ва танлаган йўлининг табиатига ҳам номутаносиб, шариатга ҳам ва тариқатнинг қонунларига ҳам номувофиқдир, балки кашф ва каромат иддаосидадирлар. Чунки унинг ибтидоси фосидлик бўлса ҳар оинаси фосид бўлғай ва ниҳояси гумроҳлик бўлиб, халқни ҳам гумроҳ этгай.

Ҳар ким ўз равиясини пири муршиди комил рафтори ва гуфторига тўғрилаб, сидқ ва ихлос билан йўлга қўйса, ул зотга зоҳиран ва ҳам ботинан бўйсунишни ўзига шиор қилса, охир пешво бўлур ва Ҳақ йўли соликларига ҳодий бўлур, офатлар ва залолатдан ҳифзу ҳимоятда бўлур. Ҳол арбоблари ва мақомот асҳоблари (Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин) айтадилар: «Ҳар ким такаллуф билан ўзига оро берса ва ўзида бўлмаган фазилатларни кўрсатишга ҳаракат қилса, яъни ўзини ҳол, маърифат ва важд соҳиби қилиб кўрсатса ва халқни ўзига ром қилса, Ҳазрати Самадият иноятидан маҳрум бўлур, шу маънодаким, унга ҳеч қачон ҳол ва мақом насиб этмагай».

Билгинки, Каломи мажидни хатм қилмоқ, Қуръон амрлари ва фармонларига барқарор бўлмоқ, Муҳаммад расулуллоҳ нисбатига (с.а.в.) иқтидо қилмоқ, яъни ул зотнинг эътиқоди, феъллари, ва сўзларига пайравлик қилмоқ - саодат ва маърифат калитидир. Иқтидо қилиш, бу нафақат ибодатда, балки, барча одатлар, жумладан, ўтириш-туришда, гапиришда, бориш-келишда Он ҳазратимизга эргашишдир.., яъни тариқат одобдан иборатдур ҳар вақтнинг ва ҳар жойнинг одоби бор, ҳар ким вақт, ҳолат ва мақом одобларига риоя қилса, соҳибкамолот эранлардан бўлғай. Кимки одобга риоя қилмаса, Аллоҳ таолодан узоқлашгай.

Сени нимаики тоатдан, муҳаббатдан, Ҳазрати азза ва жалла маърифатидан чалғитса уни тарк қил. Бошингга не келса ҳам маломат ва бадгўйлардан хавотирланма ва қўрқма, барча

муминларга меҳрибон бўл, уларга шариатга хилоф равишда қўл ва тилинг билан озор берма. Аммо кофирларга, бадкирдорларга ва бидъатчиларга беаёв бўл, улар билан улфат бўлма.

Динда, эътиқодда ва амалда Ҳазрат Расуллулоҳга (с.а.в.) эргаш Ҳақ таоло ва таборак муҳаббатининг ҳақиқати шулдир».

Мавлоно Лутфуллоҳ ўзидан бирор рисола ёзиб қолдирганми, йуқми, ҳозирча номаълум. Аммо «Маноқиб»да «Мавлономиз ўз салаф-устозлари ҳақида ёзган тазкира китобларида айтадиларки» деган жумла учрайди. Шунга қараганда, бу йўналишда изланишлар олиб борилса фойдадан холи бўлмас.

Мавлоно Лутфуллоҳ ҳаётининг охирги йилларида бир неча марта Байтуллоҳни тавоф қилиш ва Набийуллоҳнинг (с.а.в.) равзаи мутаҳаррасини зиёрат этишга тараддудланади. Аммо Кобул вилоятигача бориб, бизга номаълум сабаблар билан ортга қайтишга мажбур бўлади. Бунинг сабабини Мавлоно Лутфуллоҳ шундай тушунтиради: «Кобулда бўлганимизда бир туш кўрдим. Тушимда Хожа Аҳрор Валий руҳлари ҳозир бўлиб айтдиларки, сиз ўз вилоятингизга қайтинг, у ернинг ислоҳида бўлинг ва вилоят аҳли тарбияси билан шуғулланинг, хайрли ишларни бошланг, сизга ғайбдан хайру баракот бўлгай, дедилар. Шундан кейин Каъба йўлидан қайтишни ихтиёр қилдим» (200а). Балки Мовароуннаҳрдаги биз юқорида мулоҳаза юритган парокандалик ва руҳоний ҳукмронликка интилиш учун бўлган курашлар ўзининг кескин даврига киргандир. Эҳтимол, Мавлононинг узоқда юриши халқ маънавияти жиловларининг номуносиб шахслар қўлига тушиб қолишига қулай имкониятлар яратиши сабабли Хожа Аҳрор руҳи безовталангандир, валлоҳу аълам.

Маноқибда келтирилган нақллардаги воқеалар Мавлоно Лутфуллоҳнинг нуфузи минтақада юксак бўлганидан дарак беради. Хусусан, унинг Тошкент, Фарғона водийси, Ҳисор, Афғонистон ҳудудларидаги таъсири анча кенг ёритилган.

Хулоса қилиб айтганда, китобдан Ўзбекистон тарихининг энг хира ёритилган-XVI асрнинг биринчи ярми воқеаларига доир муҳим маълумотларни олиш, халқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган нақшбандия тариқати тарихининг Махдуми Аъзам Хожа Аҳмад Косонийдан кейинги мураккаб даври ҳақидаги тасаввурларни тиниқлаштириш мумкин. Шу жиҳатлари билан тарихчилар, тасаввуфшунослар ва маънавият соҳаси ходимлари учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, унда инсон камолотига дахлдор хислатлар — ростгўйлик, ҳалоллик, жўмардлик, ватанпарварлик ва садоқат каби фазилатларни касб этиш борасида кўплаб ибратли нақллар борки, уларнинг ўсиб келаётган ёшларимизнинг маънавий тарбиясида аҳамияти жуда муҳимдир.

*Нашрга тайёрловчи*

---

1 В.В.Бартольд Сочинения.Том VIII, Москва, 1973, стр. 378-379; Вяткин В. Л. Шейхи Жуйбары. Ходжа Ислам. В: Бартольду В.В.- туркистанские друзья, ученики и почитатели. Ташкент 1927, стр 10; Семенов.А.А. Уникальный памятник агиографической среднеазиатской литературы XVI века. В: Известия узбекистанского филиала Академии Наук СССР,1940. № 12, стр. 42-52 (первая часть). 1941, № 3, стр.37-38 (вторая часть).

2 Бабаджанов Б.М. Политическая деятельность шайхов Накшбандийа в Мавераннахре (I пол. XVI в.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1996.Яна: B.Babajanov. Mavlono Lutfulloh Chusti (An outline of his hagiography and political activity) Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen gesellschaft (ZDMG). Band 149/ Mainz, 1999. p. 245-270. Ушбу мақолани бизга етказгани учун шарқшунос олим А.Мўминовга ўз миннатдорчилигимни билдирамиз.

3 B.Babajanov. Mavlono Lutfulloh Chusti, p.245

4 Котибнинг эътиборсизлиги туфайли ушбу боб мазкур нусхада ажратиб ёзилмаган. Натижада VII боб VIII боб деб белгиланган. У 5785-рақамли нусха асосида тикланди.

Қавс ичидаги рақамлар таржима учун асос килиб олинган қулёзманинг варақлари курсатилган.

5 Бабаджанов Б. Лутфаллах Чусти // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1. Москва, 1998, сс. 65-66.

М. Иномхонов. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий/«Имом ал-Бухорий сабоқлари», 2/2000, 117-бет

6 B.Babajanov. Mavlono Lutfulloh Chusti, p.252-267

## *БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ*

Мақтов бўлсин ул Холиқғаким, дил аҳлларини ўз зоту сифотининг ҳусну улуғлигини танувчи, фазл ва эҳсон камоли бирла бир парча лойни яхшилик ва ёмонликни, эзгулик ва ёвузликни идрок этишда имтиёзли қилди. Баъзиларни нубувват ва рисолат даражаси билан, баъзиларни эса валоят ва рашодат мартабаси билан шарафлади. Ушбу шариф тоифадан, хусусан, жаноб рисолатмаобни, самадият даргоҳининг бошқа суюклилари орасида маҳбубият либосига ва афзалият шарафига ўради, уни залолат биёбонидаги саргашталарнинг ҳодийси, гумроҳлик водийсидаги бечораларнинг раҳнамосига айлантирди. Унга, унинг аҳлига ва саҳобаларига ҳамма вақт ва ҳамма ҳолда саломлар бўлсин.

Аммо баъд, шундай дейди бу фақир ва ҳақирким, ушбу шариф нисбат Ҳазрат Расулуллоҳдан (с.а.в.) Ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа ўтди, Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқдан Ҳазрат Салмон Форисийга, ундан Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммадга, ундан Ҳазрат Имом Жаъфарга, ундан Ҳазрат Боязид Бистомийга, ундан Ҳазрат Абулҳасан Харақонийга, ундан Ҳазрат Абулқосим Гургонийга, ундан шайх Абу Али Формадийга, ундан Хожа Юсуф Ҳамадонийга, ундан Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийга, ундан Ҳазрат Ориф Ревгарийга, ундан Ҳазрат Маҳмуд Анжир ал-Фағнавийга, ундан Ҳазрат Али Рометанийга, ундан Ҳазрат Муҳаммад Бобо Саммосийга, ундан Ҳазрат Мир Кулолга, ундан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга ўтди.

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

# МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ ВА УНИНГ ГЎЗАЛ АХЛОҚИ ВАСФИ ҲАМДА АЖДОДЛАРИ ЗИКРИ

## *1-фасл. Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ туғилган диёр зикри ($56^{б}$-$60^{а}$)*

Махфий қолмасинким, Мавлономиз Лутфуллоҳ ҳазратлари ўша вақтларда араб ва ажамда *«мужтаҳидлар кони»* ва *«орифлар сандиғи»* деб аталган Фарғона диёридандирлар. Тақво аҳли орасида бу диёр жуда машҳурдир. Ул ҳазратнинг туғилган жойлари Чодак бўлиб, қадимий жойдир. Чодак Ахсикатдан беш фарсах узоқликда бўлиб, унинг ғарб томонида, икки тоғ оралиғи ва дарё бўйида жойлашган.

Кўп машойихлар ва улуғ олимлар шу ерда камол топганлар ва дафн этилгандирлар. Сафидбулонда бўлиб ўтган жангда мағлубиятта учраган бир гуруҳ тобеинлар ҳам Чодакда дафн қилинган эканлар. Шайхулислом ва соҳиби «Ҳидоя» Бурҳониддин Марғиноний ҳам шу жойда ўз амакиси ва устози бўлмиш Мавлоно Ҳусомиддин қошида зоҳирий илмларни ўргангандир. Ушбу ҳарфларни битувчи бу бандаи заиф Муҳаммад Муфти, шу ерда бир қанча вақт ул ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳнинг қўлларида, руҳбахш ва файзли тарбияларидан баҳраманд бўлдим.

## *2-фасл. Мавлоно Лутфуллоҳнинг таҳсинга сазовор васфлари ва ёқимли хулқлари зикри ($60^{а}$–$63^{б}$)*

Мавлоно Лутфуллоҳ шундай нақл қиладилар: «Банда барча илмларни эгаллаганимдан сўнг Чодакда кадхудолик[1] қилдим. Аммо ўша пайтларда ул қишлоқнинг аҳли, барча қариндош ва яқинларим менга адовату хусуматда бўлдилар. Фитна қўзғатиб, мени ўлдиришга қасд қилдилар. Ҳатто хонадон аҳлимни ҳам мендан юз ўгиришга мажбур қилмоқчи бўлдилар. Шундан сўнг қишлоқдан кўчишга мажбур бўлдим. Зубурқон[2] қишлоғига келдим ва бир қанча вақт истиқомат қилдим. Бу ерда ҳам мухолифлар фитна қўзғадилар. Сўнг Карниёнга[3] кўчиб келдим. Ўн йилча яшадим. Карниён аҳли, умуман, яхши бўлса-да, баъзилари беандишалик қилгач, Чустга келишга мажбур бўлдим. Шу ерда яшаб қолдим. Бошқа кўпчилик кадхудолар мени яхши қабул

қилмадилар. Бунчалик жабру ситамга дуч келишимда Аллоҳнинг не ҳикмати бор экан, деб ўйланар эдим. Шу фикр яна кўнглимга келганда, ёнимда шайх Фаридуддин Атторнинг китоби бор эди, уни қўлимга олиб очган ҳамоно ушбу назмни ўқидим:

*Ҳар киро бошад риёзат порае,*
*Аз лағатҳояш набошад чорае.*

Яъни:

*Кимда гар бўлса риёзатдин пора,*
*Тепкисига топилмайдир ҳеч чора.*

Шундан сўнг хотирим жам бўлди».

Эшитилишича, Мавлоно Лутфуллоҳ шундай нақл қилдилар: «Бир кеча майдонда уйқуда эдим. Бир кимса нияти хусумат бирлан бошимга келиб, қўлидаги пичоқ билан мени ўлдиришга шайланди. Ногоҳ қўлидаги пичоғи тушиб кетди. У қоронғида пичоқни излай бошлади, лекин топа олмади ва қайтиб кетишга мажбур бўлди. Тонг отгач, пичоқни топиб, олиб қўйдим. Сал ўтиб, бир киши келиб ниманидир излай бошлади. Мен сўрадим:

– Тунда сен келган эдинг. Мақсадинг не эди?

– Сизни ўлдиргани келган эрдим, аммо пичоқ қўлимдан тушиб кетиб, йўқолди, – деди.

– Наҳотки, мени ўлдиришга кўзинг етган бўлса. Агар Аллоҳ хоҳламаса, бутун олам тиғи кўтарилса ҳам қилча томирни кесолмайди», — деган жавобни бердим мен» (57[б]-58[а]).

Эшитилишича, шундай воқеа Чодак сойида ҳам бўлган. Сув кўпайган чоғи бўлиб, отни ҳам оқизар даражада шиддатли эди. Сойда бир катта тош бўлиб, ҳазрат унинг устида мутолаа билан банд экан. Бир киши келиб, ҳазратни сувга итариб юборибди. Сув эса ул зотни етаклаб, қирғоққа чиқариб қўйган экан.

Ҳазрат Мавлономиз айтдилар: «Ўшанда Чодак халқи еру сувларим, молу қўйларимгача олиб қўйганди ва менга лат етказганди. Бир неча йиллар сабр қилдим.... Чодакдан тоғларга чиқиб, тоқатнинг борича Аллоҳ таоло зикрида бўлдим. Чодак бошига шундай бало келдики, у маҳалладан бу маҳаллагача кезиб, ҳеч кишини топиб бўлмас даражага етди. Унда уч маҳалла бўлиб, юз хонадон бор эди. Қирқ минг қўйли эди.

Аллоҳ уларга касаллик юбориб, юз хонадондан йигирма хонадонгина қолди.

Бир куни мени қози чақиртирди. Борсам, бир пайтлар менга ситам ўтказган фитначилар қозига келиб: «Биз мулло Лутфуллоҳга зулм қилиб, унинг мол-мулкларини олиб қўйганимиз учун Аллоҳ жазолади. Айтинг, энди бизнинг гуноҳларимизни кечириб, мол-мулк ва еру сувларини олсинлар», деб тавба-тазарруъ қилишибди».

Ул фариштафеъл зот ўзларининг насл-насаб ва аждоду ақраболари билан мақтанмасдилар. Ҳақиқат бирла ҳусни ибодатта, жавҳари саодатта, қалби покликка буюрардилар. Айтар эдилар:

- Инсоннинг қалби қанчалик пок бўлса, ишқу муҳаббат гавҳари анга ёр бўлар;

- Бузруклик даражаси, ахлоқу одоб икки сифат бирла - зоҳиру ботин ила баркамолдур. Зоҳир илм бўлса, ботин ёмонликдан ўзни тортиш бирла ораста бўлгай. Қироат хулосаи илми зоҳирдур, унинг тафсири илми ҳадисдур.

- Фазилати ботин тақво бирла камолга еттай, тақво эса Аллоҳ учун ёмонликлардан юз ўгириш бирлан камолга еттай.

- Талаби илм ҳаё бирла одобдан пайдо бўлгай (60б).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ тақво ва кўнгилни поклаш хусусида Мавлоно Шоҳ Ҳусайндан дарс олганлар. Баъзи чидамсиз соликлардан фарқли ўлароқ, Мавлоно Лутфуллоҳ ул зотнинг узундан-узоқ тақриру мутолааларига чин қалбдан берилиб, сабр-тоқат билан билимларни ўзлаштириш ҳаракатида бўлардилар. Устоз ул зотнинг тақво хусусидаги тоқатларига муносиб баҳо бериб: «Мавлоно биздан кейин одоби тариқатда комил, муқтадо олим бўлади», — дердилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ устозлари суҳбатидан олган одоб натижаларини эслаб айтадилар: «Одоб инсон умрининг, ризқининг баракотидур, ибодат одоби эса шариат амалининг нури бўлиб, тариқатта дил чироғидур. Ҳар бир соликнинг дили одоб нуридан нурланган бўлса, албатта, у Худога етган ҳисобланиб, қилган ибодатлари ва айтган зикру санолари Аллоҳ даргоҳига мақбул деб ҳисобланади».

Яна буюрдиларки, шу йўсинда муҳаббат ва эътиқод билан яхши ахлоқли ҳам бўлса, албатта, мақсадига етади.

Яна айтдиларки, ҳар ким ўзича, мен улуғман, дейиши ва

манмансираши мутлақо тўғри эмас. Чунки Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: «Инсонларнинг яхшиси инсонларга дунёи охиратта фойдали йўлни кўрсатганларидир».

Мавлоно Лутфуллоҳ айтадиларки: «Аҳли тариқат учун уч нишона бор:

1) Дили доимо зикрда бўлиши;

2) Мажлисда айтадиган сўзи ояту ҳадисга асосланиши;

3) Ҳеч бир аъзосини Худони ёдга олмасдан ҳаракатга келтирмаслиги» (61б).

Ҳожи Шуҳратий Оҳангароний шундай нақл қиладилар: «Бу фақир ҳаж сафаридан қайтаётганимда, Мавлономиз Хуррамобод мавзесига ташриф буюрган эканлар. Мулозаматларига мушарраф бўлдик. Ҳаждан келганимга кўп лутфу иноятлар билан, бир қанча ширин калималар айтиб, эъзозладилар. Бу мулозамат иродатдан олдинги пайтларда юз берган эди. Мавлоно айтдилар: «Эшитишимизча, сафар давомида машҳур кишилар билан кўплаб мулоқотлар қилган эмишсиз. Истардимки, улар ҳақида бизнинг мажлисимизда сўйлаб берсангиз». Мен ҳазратга баъзи гапларни етказдим. Фақирнинг ёдига Амир Хусрав Деҳлавийнинг қуйидаги байти тушди ва айни менинг ҳасби ҳолимга мос эди, айтилди:

*Офоқро гар дидаам меҳр тобон варзидаам,*
*Бисёр хўбон дидаам аммо ту чизи дигаре.*

Маъноси:

*Жаҳонни кўрдиму, сендек равшан замирни кўрмадим,*
*Яхшиларни кўрдиму мен, аммо санингдек кўрмадим.*

Ноқил давом этиб айтдилар: «Ушбу байт ўқилгандан сўнг суҳбатимиз катта мажлисга айланди ва шундай файзи илоҳий кирдики, буни шарҳлаш қийин» (63а-63б).

## *3-фасл. Баъзи ота-боболарининг зикри (63б-68а)*

Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ отасининг исми шарифи Мавлоно Фатҳуллоҳ эди. Бу зотга иршоду иродат машойихи туркдан бўлган экан.

Мавлоно Лутфуллоҳ айтадилар: «Отам саҳар туриб таҳажжуд намозини ўқир эдилар. Таҳажжуддан кейин мени уйғотиб,

қучоқларига ўтқазиб олардилар. Ўзлари эса зикри Субҳоналлоҳга машғул бўлардилар. Мени ҳам шу зикрга ўргатар эдилар. Агар уйқум келса, қулоғимдан тортиб уйғотардилар. Олти яшар пайтимда зикр чоғи отамнинг қўйнидан осмонга учардим, гоҳ дов-дарахтларни ўз ичимда кўрардим. Мен қимирласам, барча дарахтлар ҳаракатга келиб, зикрга тушарди.

Бизнинг қўйларимиз ва зироаттоҳ ерларимиз кўп эди. Ота-онам ғарибу ғураболарга хизмат қилиб, уларга манфаат кўрсатардилар. Бир сафар юртда қаҳатчилик пайдо бўлиб, инсонлар ҳар томонларга овқат истаб кетиб қолдилар. Қолган нотавон ғарибу ғураболарга раҳматли онамиз озиқ-овқатлардан еттанича тақсимлаб берардилар, мен эса уларни хонадонларга олиб бориб берардим» (64[а])

Ҳазрат Мавлономиз шундай деганлар: «Отамнинг менга айтишларича, бир кеча туш кўрибдилар. Тушларида осмондан бир ой тушиб, кенгайиб тамоми оламни мунаввар қилибди. Мен ўша кеча ота салбидан она раҳмига ўтган эканман. Бу тушни Аллоҳ менга фарзанди соҳиби асрор ва соҳиби нисбат ўғил берар экан, ул фарзандим нури имонда оламни мунаввар қилар экан, деб таъбир қилибдилар. Отам гоҳо онамга айтар эканларки, бу ўғил оламни олади. Қиёматда у туфайли барча пайғамбарлар олдида обрўли бўламиз (64б).

Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ айтар эканлар: «Онамнинг қорнида эканлигимда падари бузрукворимиз туш кўрибдилар. У кишига бир азиз кўриниб; «Эй, Фатҳуллоҳ, Аллоҳ сенга ўғил ато қилмиш, унинг номини, албатта, Лутфуллоҳ қўй», — дебди. Ҳамчунун, туғилганимдан кейин Лутфуллоҳ деб исм қўйибдилар. Шунинг учун имкон борича Аллоҳ бандаларига лутфу иноят қиламан. Агар беодобликлар ҳаддан ошиб кетса, қаҳрим келиб, Қаҳруллоҳ бўлардим» (65[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳ яна айтибдурлар: «Ёшим еттига борганида мен бир сўз айтган эрканман, онам мендан ранжиб, бир шапалоқ уриб: «Сен нимани ҳам тушунардинг», — дедилар. Отам ҳам ҳозир эдилар. Мен қаҳрланиб: «Ҳеч нарсадан хабарим йўқми?» дедим ва ўтган йилларда отам ва онам ўртасида бўлиб ўтган гапларни айтиб бердим. Шунда онам йиғлаб юбордилар, Худога шукроналар айтиб отамга айтдиларки, «бу болам бешикда эканлигида икки белги

эмизганман. Бири шуки, эмизиш учун сийнамни тутганимда, бола бетини ўгириб олди, билсам, таҳоратим йўқ эркан, шундан буён боламни бетаҳорат эмизмаганман. Иккинчи аломат шуки, бир кеча боламни қорни очқаган бўлса керак, деб сут эмизиш учун турдим. Қарасам бир оқ либосли аёл уни эмизиб турибди. Бу ҳолат менга ажиб ва ғариб кўринди. Шу вақтгача бу аҳволни ҳеч кимга ошкор этмадим, энди сизни хабардор қилаяпман». Шунда отам онамга: «Бу сирни ҳеч кимга баён қилманг, ногоҳ кўз тегмасин», — дедилар» (65[б]-66[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳ яна айтибдурлар: «Беш яшар вақтимда болалар билан ўйнардим, мени мактабга олиб бордилар. Етти ёшгача Қуръонни дуруст ва равон ўқиб туширдим. Намозга ҳам машғул эрдим. Ҳар саҳар бир мўйсафид азиз пайдо бўлиб, мени уйқудан уйғотарди. Таҳажжуд намозини ўқирди ва мени ҳам ўқишга мажбур этарди. Бу ҳол Самарқандга илм олиш учун келгунимча давом этди» (66[б]).

Мавлоно Лутфуллоҳ ўз устозлари ҳақида ёзган нусхаларида Мавлоно Ҳусомиддинни устозлари қаторида санаб ўтган. Ул зотдан бир ҳадис ва арабча уч байт келтирганлар. Ҳадиснинг мазмуни шундай: Ҳар ким жума намозидан кейин юз бор, *«субҳоналлоҳи ва биҳамдиҳ, субҳоналлоҳил азим ва биҳамдиҳ, астағфируллоҳ»* деса, йигирма беш минг савоби ҳасанот номаи аъмолига ва ота-онасига етгай.

Махфий қолмасинким, Мавлоно Лутфуллоҳ комили мукаммал ва раҳнамои орифон, соҳибидил ва сарвари соликони асрори тариқ амир ал-мўъминин Абу Бакр Сиддиқнинг авлодларидан эдилар. Мавлоно Лутфуллоҳ хизматлари шараф саналарди. Ҳар қачонки, ёғий талон-тарож қасди билан бостириб келса, халқни тинчлантириб, унинг зафар қозона олмаслигидан башорат қилар эдилар (68[а]).

---

1 Кадхудо-қишлоқ оқсоқоли; фатво берувчи мулло
2 Ҳозирги Зувутқанд қишлоғи
3 Ҳозирги Карнон қишлоғи

# МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲГА ТАРБИЯ БЕРГАН БАЪЗИ АВЛИЁЛАР ВА МАШОЙИХЛАР ЗИКРИ (68[а])

## *1-фасл. Мавлоно Шоҳ Ҳусайн Чоркуҳий зикри (68[а]-77[б])*

Мавлономиз Ҳазрат Лутфуллоҳ дастлаб олам фозили, орифи раббоний Мавлоно Шоҳ Ҳусайн Чоркуҳий *қаддасаллоҳу сирраҳу* мулозиматларига етишган эдилар. Ул зот соҳиби каромат, увайсий эдилар. Гарчи ул зот машҳур пирларнинг тарбиясида бевосита бўлмаган эрсалар-да, аммо ғойибона соликлар муқтадоси, соликлар пешвоси Хожа Аҳрор Убайдуллоҳга комил эътиқод ва ихлос қўйган бўлиб, тарбияларини шу зотдан деб билардилар. Биринчи марта Самарқандда таҳсил олиш пайтларида Хожа Кафший маҳалласида ул зотнинг мулозаматига мушарраф бўлганлар, иккинчи марта Марғинон вилоятида Ҳазрат Эшоннинг офтоб янглиғ жамолини мушоҳада қилганлар. Мавлоно Лутфуллоҳнинг айтишларича, Мавлоно Шоҳ Ҳусайн шундай деган эканлар: «Самарқанд вилоятида таҳсил олаётганимда Ҳазрати Эшон мулозаматларини орзу қилардим. Бир куни талаба ёронлар билан ул зотнинг мулозаматларига отландик. Йўлда ёронлардан бири: «Ҳазрати Эшон бизга бир товоқ туг қўйсалар керак», — деди, иккинчи ҳамроҳ ҳам шундай бир нарсани тилади. Мен уларга Ҳақ таоло дўстларидан бундай нарсаларни тиламаслик кераклигини айтдим. Мулозамат шарафига муяссар бўлгач, менинг ҳамроҳларим истаган нарсалар муҳайё қилинди. Сўнг мен фақирга мутаважжиҳ бўлиб, иноят билан дедилар: «Эмишки, уч киши бир азизнинг мулозаматига келибдирлар. Йўлда иккиси ул азиздан фалон-фалон егуликларни сўраймиз, дебдилар. Учинчиси Худо дўстларидан Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан бошқасини сўрамаслик керак, дебди. Ул бузрукнинг дийдорига мушарраф бўлганларидан сўнг ул азиз ҳалиги иккисининг хоҳишини бажо келтирибди ва учинчисига алоҳида назар қилиб, мақсудини ҳосил қилибди. Демак, агар инсон азизлар мулозаматига келса, мақсади Ҳақ таборак ва таолодан бошқаси бўлмаслиги керак. Ҳазрати Эшон шу гапларни айтиб, менга алоҳида эътибор қилиб суҳбат қилдилар ва бениҳоят илтифот кўрсатдилар».

Байт:

*Онроки таъма зи ёр жуз ёр бувад,*
*Аз гул назараш ба жониби хор бувад.*
*Эй ёр, ба рўзи ёр жуз ёри махоҳ,*
*Аз ёр чи хоҳики аз ёр бувад.*

Мазмуни: Кимнинг ёрдан (дўстдан) таъмаси Ёр (Аллоҳ) бўлмаса, гулда фақат тиканни кўради. Эй ёр (солик), ёрдан (дўстдан) фақат Ёрни сўра, чунки ундан нимани сўрасанг, уни Ёр (Аллоҳ) беради.

Ушбу мулоқот вақтида Ҳазрати Носириддин Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор яқинда Ахсикентга, мирзо Умаршайх ҳузурига, бориш ниятида эканликларини билдирдилар. Ул зот Марғинон йўли орқали ўтдилар. Марғинонда бутун шаҳар аъёнлари ва диёр аҳли истиқболларига чиқди. Мен ҳам шу жамоа билан бирга эдим. Парика мавзесига етганимизда Ҳазрати Эшон ўз яқинлари билан кўриндилар. Ҳамма отдан тушиб ҳазрати Хожани тавоф қилишга ошиқди. Мен ўзимга дедим: «Эй, Шоҳ Ҳусайн, ботинингда шунча камчиликларинг билан бу азиз зотга яқинлик даъво қиласанми? Ахир сенинг барча нохуш феълларинг ул зотнинг хуршид янглиғ замирлари ойнасида кўриниб туради-ку». Бирдан тўхтадим ва ўзимни четга олдим. Халқ ул зот билан кўришгач, отларга миниб йўлга тушдилар. Шунда қалбимни ҳасрат ўти чулғаб олди. Шу кайфиятда халқнинг орқасидан йўлга тушдим. Ногаҳон халқ иккига бўлинди. Ўртада йўл пайдо бўлди. Ҳазрати Эшон ўзларининг қуёш янглиғ юзларини мен томонга бурдилар ва табассум қилдилар. Кўзларимиз тўқнашганда мен вужудимга қайноқ сув сепилгандек бўлиб, унинг ҳарорати ва ажиб лаззати бутун аъзоимга тарқалди. Шу ҳолатда турганимда Андижон қозисининг укаси ёнимда эди ва менинг аҳволимдан хабар топиб, отдан йиқилиб кетишимдан асраб қолди. Ҳеч ўтмай, қулоғимга кимнингдир: «Эй, Шоҳ Ҳусайн, тезроқ юр, халқ кетиб бўлди»,-деган овози эшитилди. Кўзимни очсам, Ҳазрати Эшон анча илгарилаб кетибдилар ва элас-элас кўринардилар. Мен тушундимки, Ҳазратнинг бир назарлари баракотидан менга Аллоҳ ҳузури насиб қилди. Шитоб билан орқаларидан етиб олдим. Менга яна бир назар қилдилар. Яна ҳушимни йўқотдим. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Хуллас, Марғинонда Ҳазрати Эшон тушган ўтовга етиб келдим.Ул зот ҳақойиқ ва маорифдан сўзлаётган эканлар. Қулоғимга овозлари кириши билан яна

ҳушимдан кетдим. Ҳушимга келганимда кун кеч бўлган эди.

Ётоқхонам шаҳарда бўлиб, у ерда кўп китоблар бор эди, мутолаада бўлдим. Мен ажиб ва ғариб кайфиятда, ҳар лаҳза беҳуд бўлиб, ўзимга келардим. Ҳар куни Хожа Аҳрор мулозаматларига келардим, аммо олдиларига киришга мажол йўқ эди. Ўтов атрофини ҳожиларга ўхшаб айланиб юрардим. Бир куни хаёлимдан «ажабки, менга Ҳазрати Эшоннинг таомларидан баҳра йўқ, чунки мен ул зот овқатларидан тановул қилишга арзимайман», деган фикр ўтди. Эртаси эрталаб ҳужрада ўтирганимда олдимга Ҳазратнинг асҳобларидан бўлган ва айни кунларда ул зотнинг овқатларига қараб тургувчи Мавлоно Шайх кириб келди ва: «Кеча Ҳазрат менга хитоб қилиб, овқатларимизни ҳар кимга бергунча, фалон маҳаллада дарс билан шуғулланиб турган бир мулла бор, бир неча қўйни сўйиб, уни ва шогирдларини чақириб зиёфат қилинг, деб сизга юбордилар», — деди. Мен дарсдан сўнг шогирдларимни олиб Ҳазрат ташриф буюрган жойга бордим. Ул зот кириб қолсалар ҳолим нима кечаркан, деган ваҳимада ўтирдим. Аммо Ҳазрат келмадилар. Бир неча кундан сўнг ул зот Ахсикентга жўнадилар. Халойиқ кузатишга чиқди. Мен фақир ҳам орқадан бордим. Гандумон қишлоғига етганларида халққа рухсат бердилар. Шу мавзедан ўтганимизда халқ иккига бўлинди. Ул зоти бобаракот менга қарадилар ва «сизга рухсат» дегандек ишорат қилдилар. Фақир ажиб бир ҳолатда ўз ҳужрамга қайтдим ва ул зотнинг робиталарига ҳамиша жону дилим билан боғланиб юришга ҳаракат қилдим.

Бир қанча вақт ўтиб, ул зоти бобаракот Хожа Аҳрори Валий оламдан ўтганликларининг хабари етди. Мен чуқур қайғуга тушиб, ғамгин бўлдим. Йиғлаб ул зотнинг пурфутуҳ руҳларига арз қилдимки, бу не ҳолки мен ул зотнинг хуршидвор жамолларини тўйиб мушоҳада қила олмадим, ҳижрон азобида қолдим. Шу аснода ғайбат юз берди. Унда кўрдимки, бир фараҳли ва дилкушо чорбоққа кирдим. Катта жамоат ҳозир эди. Улардан бири деди: «Бу боққа Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ ташриф буюрганлар». Қарасам, катта ўтов ясатилган ва унда Ҳазрати Эшон ўтирибдилар. Атрофларида одамлар ҳалқа бўлиб ўтиришибди. Ҳар кимга бир бахшиш бериб, иноят қилмоқда эдилар. Муборак назарлари менга тушганда кимнидир чақирдилар ва менга ишора этдилар. У киши менинг олдимга келиб: «Сизга ҳазрат шуни айтиб юбордиларки, сиз

китобларингиз билан кўпроқ машғул бўлар экансиз, чунки сизнинг мақсудингиз ўшал китоблардан ҳосил бўлар экан» — деди.

Ҳозир мен Ҳазрати Эшон амрларига мувофиқ ана шу китоблар билан машғулман. Қачон мушкилотга дуч келсам, ул зотнинг пурфутуҳ руҳларига мутаважжиҳ бўлардим ва мақсадим ҳосил бўларди» (142б–144б).

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Мавлоно Шоҳ Ҳусайн шогирдларидан бирига ранжиган ҳолда ғазабланиб, шундай дедилар: «Ўзимни шунга қодирлигимни биламанки, сизнинг ҳар бирингиз менинг олдимдан ўтаётганингизда ниятларингизни билиб тураман».

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Ийд, яъни ҳайит пайти Мавлоно Шоҳ Ҳусайн ийдгоҳда ваъзу насиҳат қилиб, минбардан тушаётганларида бир киши келиб Мавлоно Шоҳ Ҳусайнга ўз арзу ҳолини айтди. Ул ғарибнинг ўғил фарзанди бўлиб, уни Марғинон шаҳар ҳокими хусуматдан ҳибс қилган экан. Ул фақир Мавлоно Шоҳ Ҳусайнга арз баён қилганида шаҳар ҳокими ҳам ул жамоатда экан. Шунда Мавлоно Шоҳ Ҳусайн ҳокимга қараб: «Бу ғарибнинг фарзандидан бўлак хусумат бирла ҳибсга олгудек одам йўқми?» деб ғазабли назарларини ҳокимга қаратдилар. Ҳоким ўрнидан туриб, баъзи акобирлари билан Мавлоно Шоҳ Ҳусайнга арзи ҳол қилиб, ул фарзандни озод этиб қўлига топширди» (72б).

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Бир куни Марғинон фуқаролари Мавлоно Шоҳ Ҳусайнга шаҳар ҳокимининг золимлигидан шикоят қилдилар. Шунда Мавлоно Шоҳ Ҳусайн шаҳар аҳлига айтдиларки: «Эй, мусулмонлар, Аллоҳга мутаважжиҳ бўлинглар!» Золимга қараб: «Сен нима учун мусулмонларга зулм қилурсан? Ёки сен Фиръавнданмисан, ёки Намруди мардудданмисан ёки Шаддоди бедодданмисан, уларнинг оламга тўлдирган фасодини давом эттирурмисан?!», деб ғазаблари жўш урди. Яна айтдилар: «Эй, ит, бечораларни зулм заҳри билан шунчалар қийнайсанму? Аллоҳ сендайин итларни уч кундан ўтказмай ҳалок этишга қодирдир!»

Шундан сўнг Аллоҳнинг иродаси билан сал ўтмай Марғинон ҳокими подшоҳ томонидан Тошкандга чақиртирилиб, дорга осилган экан. Назм:

*Ҳар чи хоҳад авлиё, он мешавад,*
*Жумла олам банди фармон мешавад.*
*Авлиёро ба жаҳд натавон дид,*
*Магар эшон кунанд хешро нопадид.*

Мазмуни:

*Авлиёнинг иродаси бўлғуси,*
*Жумла олам фармонида турғуси.*
*Кимлигини ҳеч билдирмас авлиё,*
*Тиришсанг ҳам кеча-кундуз бериё.*

Ошиқлар тили билан айтганда, Мавлоно Шоҳ Ҳусайн паноҳи ошиқони самимият эдилар (73б).

Яна Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Мен катта акам билан Марғинонга бордим. Самарқандга бориш ниятим борлигини Мавлоно Шоҳ Ҳусайнга айтдим. Ул зот менга қараб: «Икки йил мен билан бўлгил, етмиш ғайб илмини сенга таълим бераман. Чунки, мингга шогирд тарбия қилган бўлсам, ҳеч бирининг эътиқоди сеникидек эмас, менинг ҳам эътиқодим, муҳаббатим шу мингга шогирд ичида сенга кўпдир. Умидим шулки, иншоаллоҳ, улуғ мақом соҳиби бўлгайсан, Аллоҳ тавфиқингни зиёда этсин», — деб марҳамат қилдилар ва Мавлоно Румийдан ушбу байтни ўқидилар:

*Ҳазор хешу бегона аз худо бошад,*
*Фидо макун бегона ки ошно бошад.*
*Сад бор жабрдийда саки мувофиқ,*
*Беҳтар аз ҳазор биродари мунофиқ.*

Мазмуни:

*Қариндошу бегонани Худодан бил,*
*Ошно бўлган бегонани йўқотма, бил.*
*Ит ҳам бўлса жабрланган, аммо вафодор,*
*Мунофиқ дўстларнинг мингидан афзал.*

Хайр-хушлашиш асносида Мавлоно Шоҳ Ҳусайн менга: «Агар тўғри келган зотга мурид бўлсанг муҳим ишларинг

орқага ташланиб, дунёвий ишларингдан эса фойда келмагай», деб насиҳат қилдилар (74б–75а).

Мавлоно Муҳаммад Муфти нақл қиладилар: «Мавлоно Лутфуллоҳ Самарқанддан ота-оналари зиёрати учун Чодакка келдилар. Зиёратдан сўнг Марғинон шаҳрига Мавлоно Шоҳ Ҳусайн хизматларига келиб, «Ҳидояи Шариф»нинг қолган жойидан сабоқ олишни бошладилар. Бир қанча муддат таълим хизматларида бўлганларидан сўнг Мавлоно Шоҳ Ҳусайн шундай дедилар: «Қаерга борсанг ҳам бирор пирга мурид бўлмагин, ишинг кечикади, ўқишинг эса орқада қолади. Сенга шу равиш етади, ўз китобингдан мутолаа ва машғулликдан қолмагин, қудратимиз етганча тарбияладик, аммо сендек истеъдодни ҳаргиз кўрмадик. Сенинг пирга эҳтиёжинг йўқдур. Менга ишон, мен одамларни яхши биламан» (75б).

Мавлоно Лутфуллоҳ шундай дедилар: «Бир куни Мавлоно Шоҳ Ҳусайн хизматларида бўлиб турганимизда жамоат ичидан менга адоват ва хусуматда бўлган кимсалар ул бузрукка турли ғийбатларни етказдилар. Бузруквор жамоатга қараб айтдилар: «Сизлар Мавлоно Лутфуллоҳни танимас экансизлар, у ҳам ўзини танимас экан. Шундай вақт келадики, у ўзини ким эканлигини билиб олади. Жоним қўлида бўлган Аллоҳ таолога қасамки, кимки Мавлоно Лутфуллоҳга дахл қилса у кишининг дини ҳам кетади, дунёси эса барбод бўлади. Зинҳор бу зотга дахл қилманглар, мен сизларнинг ҳамма аҳволингиздан вофиқдирман» (76а-варақ).

Яна Мавлоно Шоҳ Ҳусайн (қ.с.) айтдилар: «Сенга қайси қавм ва жамоат хусумат қилса, Аллоҳнинг ягоналигига суяниб айтгинки, «эй, Парвардигорим! Сен яккаю ягонасан, мен ёлғиз ғамда қолган заифман, менинг аҳволимга Ўзинг мададкор!» Яна бу калимани айтгайсан: «**Ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакил [3:173], неъмал мавло ва неъман насир [8:40; 22:78]**». Албатта, хусуматли жамоа ҳалокатга учрар».

Мавлоно Шоҳ Ҳусайн Ҳазрат Хожага зоҳиран байъат қилмаган бўлсалар-да, аммо маънида тарбияларини олган

эдилар. Мавлоно Шоҳ Ҳусайн айтадилар: «Марғинонга ташриф қилдик. Ул зот истиқболларига чиқдик. Йўлда Марғинонга қарашли шаҳар боғистони бўлиб, бу ерда Ҳазрати Хожа Аҳрори Валий мулозимлари билан бирга эканлар. Мен Хожа Аҳрори Валийга байъат қилиш ниятида эдим, лекин бу ниятимни изҳор қилгунча бўлмай, ул зот боғистон маконидан жўнаб кетдилар. Мен кўз ёшим билан орқаларидан юрдим, вужудимда бир қабзи азим ҳосил бўлиб, робитамни ул зотдан уза олмадим.

Махфий қолмасинким, олам фозили ва восили Мавлоно Шоҳ Ҳусайннинг вафоти 935/1528-29 санададир» (77б).

## *2-фасл. Махдуми Аъзам Мавлоно Муҳаммад Қози зикри (77б-97б)*

Мавлоно Лутфуллоҳ Мавлоно Шоҳ Ҳусайн мулозаматларидан кейин Мавлоно Муҳаммад Қози суҳбати шарифларига Самарқандга бориб байъат қилдилар, олти йил ул зотнинг хизматларида бўлдилар.

Мавлоно Муҳаммад Муфти айтадурким, Мавлоно Лутфуллоҳ шундай дедилар: «Самарқандда илму таҳсилда бўлганларида бир кун Саррожон[1] деган бозордан ўтар эдик. Шу бозорда масжид бўлиб, ички ва ташқарисида жамоат жамъ экан. Нима гаплигини сўрадим. Бир улуғ киши масжид ичкарисида Мавлоно Муҳаммад Қози эътикофда ўлтирганини айтди. Жамоат эса ул зотга байъат қилган соликлар экан. Мен дарҳол ул зотнинг мулозаматларига ошиқдим. Ҳазратнинг Мавлоно Турди номли мулозимлари бор эди. Соликларнинг арзи ҳолини Махдуми Аъзамга етказиб турар эди. Шунга арз қилиб: «Ҳазратга айтгил, мен ул зотга байъат қилмоқчиман», — дедим. Турди бу хабарни ул зотга етказгач, Ҳазрат бу кеча улуғлар билан мулоқот қилишини, хожагон руҳлари уни қабул қиладиларми ёки йўқми, шуни аниқлашини билдирдилар. Мен уйда ўтирганимда ярим кечаси Мавлоно Турди кириб келди ва: «Сизни Ҳазрат йўқлаяптилар. Сизга яхши хабар бор. Ҳазрати Эшон сиз ҳақингизда яхши гаплар гапирдилар ва иноят қилиб: «Мавлоно Лутфуллоҳ келажакда бир улуғ шайх бўлиб, олам аҳли ундан кўп баҳраманд бўлғай», деб айтдилар» — деди. Шу тариқа Мавлоно Турди билан ҳазратнинг мулозаматларига бордим. Ул зот менга тариқатни баён қилдилар байъат ташрифига мушарраф қилдилар. Шундан кейин овқат

вақти бўлиб, ҳазрат олдиларига ош сузиб келинди. Барча тановул қилишга тушдилар Эшон озгина тановул қилгандан сўнг қўлларини чўзиб менинг ёнимдаги товоқни ўз олдиларига тортдилар ва ўзларининг товоқларини менинг олдимга қўйдилар. Шунда мен ул зотнинг муборак қўлларида жароҳат борлигини кўрдим. Билишимча, яқинда у киши касал бўлган эдилар. Овқатдан қўлимни тортдим. Шунда ул зот айтдиларки: ***«Вас-сурил муъминина шифоун»***, яъни, ***«муъминлардан қолган овқат даводир»***.

Мен ушбудан икки маъни туйдим: Ҳазрат айтмоқчиларки, сен маънан касалсан, мен эса мўъминман, менинг овқатим сенга шифо бўлади. Иккинчиси, мен зоҳирда касалман, сен эса мўъминсан, демак сенинг овқатинг ҳам менинг касалимга шифодир. Шунда мендан ул безовталик ғойиб бўлди ва товоқдаги овқатни иштаҳа билан едим» (78[а]-79[а]).

Олам шайхи Махдуми Аъзамнинг кароматлари ва хавориқ одатлари шундай кўпки, бу рисола уларнинг барчасини қамраб ололмайди. Шундай бўлса-да, улардан баъзиларни айтиб ўтиш лозимдир. Табаррукан, ушбу силсилаи шариф тоифаси азизларининг дурфишон тилларидан икки-уч нақлни келтириб ўтамиз (80[а]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ айтадилар: «Ҳазрат Махдуми Аъзам Ахсикентга келганларида кўзларидан сув кетадиган касаллари азоб берарди. Ул зотнинг хаёлига Самарқандга бориб бу касалликдан даволаниш фикри келди, аммо вилоят ҳокими рози бўлмади. Иттифоқо, шу пайтларда кимнингдир симобдан тайёрланган дори сотиб юрганлигидан хабар топдилар. Ул зот ҳокимдан ўша симобфурушни топтиришни сўрадилар. Сал ўтиб ҳазратнинг муборак қулоқларига ҳокимнинг дорини топгани ҳақидаги хабар етди. Аммо ҳоким дорини Ҳазратга етказмади. Ҳазрат Эшон ғазабланиб айтдиларки, у менга душман экан, дорини ҳам бермади, шаҳарга бориб даволаниб келишимга ҳам рухсат бермади. Шундан сўнг уч маротаба: «Хожам, ўзингиз биласиз» — деб такрорладилар. Эртаси куни ҳоким шикорга борибди ва қаттиқ терлабди. Ўша куни тоби қочибди ва кеча ўтиб вафот этибди» (80[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Ибтидои иродат вақтимда ул зотнинг мулозиматларига бордим ва бир дарахт остига ўтириб зикрга машғул бўлдим. Кўнглимдан завқ ва шавқ билан ўтказдимки, хожагон силсиласи қандайин яхши тариқат эканки, ҳеч ким унинг амали ва ҳузурини тушунтириб беролмайди. Шу пайт Махдуми Аъзамнинг ишонган одамларидан Мавлоно Турди менинг олдимга келиб: «Эй, Мавлоно Лутфуллоҳ, сизга башорат муборак бўлсин, Ҳазрати Эшон ҳақингизга иноятлар ва лутфлар қилиб, шундай дедилар: «Бу муллони шундай кўрмоқдамизким, олдин ўтган машойихларда воқе бўлмаган нарсалар ундан юз беради», — деди». (81[б])

Айтишларича, Ҳазрат Махдуми Калон шундай дедилар: «Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қози Бухорога келганларида мен сулуки хожагонда хизматда эдим. Намози бомдоддан сўнг масжид ичида *муроқаба*да ўтирганимда ногаҳон ғайбат юз берди. Тушда кўрдимки, Ҳазрати Рисолатпаноҳ (с.а.в.) келдилар ва бир олмани ҳидлаб, менга тақдим қилдилар. Унинг ҳиди жумла оламни тутди. Воқеани Махдумга баён қилдим. Ҳазрат уни таъбирлаб шундай дедилар: «Иншоаллоҳ, сендан шундай бир нисбат зуҳурга келгайким, бутун оламни қўлга киритгайсан». Ўша даврда мен ёлғиз ва муҳтожликда яшар эдим. Бир хирқа ва сочиқдан бошқа нарсам йўқ эди. Сочиқни ўраб, суюнчи сифатида ҳазратга бердим. Ҳазрати Эшон лутф ва иноят қилдилар» (82[а]).

Мавлоно Шоҳ Ҳожи нақл қилади: «Бир куни муршиди аълам, Махдуми Аъзам Мавлоно Муҳаммад Қози мулозаматларида ўтирганимда бир киши келиб, Ҳазрат Эшоннинг чап томонларига ўтирди. Ҳазрат Эшон унга маориф ва латойифдан сўзладилар. Кўнглимдан нега Махдум менга такаллум қилмайдилар ва қарамайдилар, деган фикр ўтди. Шу лаҳзада Махдумнинг кифтларида айни сурату дасторда бир бош кўринди ва менга ҳақойиқ ва маорифдан сўзлади. Суҳбат охиригача шу ҳол кайфиятида бўлдим. Бундай каромат мушоҳадасидан сўнг ул зотга бўлган эътиқод ва ихлосим янада ошди» (82[б]).

«Одоб ас-соликин» рисоласида Махдуми Аъзам Мавлоно Муҳаммад Қози айтадилар: «Соликлик давримда мадрасаи

Жавҳарияда эдим, бу бузрук тоифанинг халифаларидан Мавлоно Зиё менга устозлик қиларди. Кечалари «Маснавийи шариф»ни ўқишни буюрар эди. Бир куни фақирга илтифот қилиб айтдилар: «Сенда тариқатга жиддий мойиллик кўрмоқдаман. Ушбу замонда унинг бошқаруви Хожа Носириддин Убайдуллоҳ қўлидадир. Сен ул зотнинг ёнларига боришинг керак». Шундан сўнг менга мулозамат одобини ўргатдилар ва айтдилар: «Ул азизнинг қошида зинҳор дунё ва охират ишларини хотирингга келтирма ва сўрамагинки, бу айни беадаблик бўлур. Бундай зотларнинг олдига борган киши ҳар хил хаёлларни кўнгилдан чиқариши керак ва бу тоифанинг каромат ва мақомотидан сўрама». Мен заиф ул азизнинг гапларига амал қилдим ва шу саодатга мушарраф бўлдим» (83б).

Рисолаи «Насиҳат ас-соликин»да мазкурдирки, Мавлоно Муҳаммад Қози шундай нақл қилдилар: «Ҳазрат Хожа Аҳрор рамазон ойида Тошкандга келдилар. Мен ҳам бирга эдим. Шоҳбекхон Туркистон вилоятини қўлга киритган экан, вилоят халқи очарчиликдан қийналиб, Тошкандга кўчибди. Хожа Аҳрор Валий мени чақириб, Туркистондан келган очларни тўйдириш ниятида эканликларини айтдилар ва: «Хизматга тайёр бўл», — дедилар. Мен жиддий ишга киришиб, ҳар кеча етти юзта нон ёптира бошладим ва етти бош қўй сўйиб, ош тарқата бошладим. Эрталаб саҳарлик қилишга ҳам вақтим бўлмай қолди. Кўнглимдан «мен бу хизматда бўлиб на дунё, на охират вазифаларини бажара олмадим», деган фикр ўтди. Шу лаҳзада менинг фикрим пиримнинг вилоят нурлари орқали ул зотта маълум бўлибди. Ғулом бола келиб: «Сизни Ҳазрати Хожаи бузург чақираяптилар», — деди. Мен Ҳазрат Хожа хотирига нохушлик келганини пайқадим. Истиғфор айтиб, олдиларига бордим. Ул зот менга қараб: ***«саййидул қавм ходимуҳум»***, деган ҳадис маънисини англамадингми, яъни инсонлар хизматида бўлган, хусусан, ғариб ғураболар хизматида бўлган киши инсонларнинг улуғи ҳисобланади. Шундан сўнг дедилар: «Тариқатдаги жамоат ҳар бир кишига Аллоҳ таоло ғаффору раҳим фазли карами билан қарайди. Ходимга ҳам унинг истеъдодига муносиб файз етади». Бу суханда шундай муболаға қилдиларки, ўзимни қаерга уришни билмай қолдим ва бундай номаъқул фикрларга бормасликка аҳд қилдим».

«Силсилат ал-орифин» китобида келтирибдиларким, Мавлоно Муҳаммад Қози Ҳазрат Хожа Аҳрор хизматларига ҳижрий 885 йилда етишиб, қарийб ўн икки йил тарбияларида бўлганлар.

Мавлоно Муҳаммад Қозининг вафоти санаси 921/1515 йилдир (86[а]).

## *3-фасл. Махдуми Калон[2] Ҳазрат Мавлоно Хожаги Аҳмад Косоний зикри (86[а]-108[б])*

Мавлоно Муҳаммад Қози вафотидан сўнг Мавлоно Лутфуллоҳ муқтадои замон, пешвои аҳли жаҳон Ҳазрат Хожаги Аҳмадга пайваст ва уч йилга яқин ул жанобнинг мулозиматларида бўлдилар. Зеро, ул зот пешқадам орифлардан ва соликлардан эдилар.

Билгин, эй озода солик, Мавлономиз Ҳазрат Лутфуллоҳ Самарқандда ўз устозларидан фиқҳ, ҳадис ва тафсир илмларини ўрганганларидан сўнг Ахсига қайтиб фатво ёзиш билан шуғулландилар. Махдуми Калон Хожа Аҳмад Косоний Чодакка келганларида ул зотнинг иродат уйларига кирган эдилар ва уч йилга яқин мулозаматларида бўлиб, ул зотдан тарбият топганлар. Махдуми Калон Мавлономизнинг сифатлари маънисига етиб, ҳаёт чоғларидаёқ ул зотни иршод маснадига ўтқазганлар.

Махдуми Калон шариф мажлисларида лутф қилиб, аҳбобу асҳобларига айтар эдилар: «Мавлоно Лутфуллоҳнинг одобидан ўрганинглар!» Яна айтардиларки: «Мавлоно Лутфуллоҳ замонамиз Сиддиқидир». Бир куни Ҳазратга қараб: «Эй, мулло, мен қаридим, баъзи бир ишларга ёрдам бериш вақти етди. Ёронлар билан суҳбатларни ўтказ», —дедилар. Мавлоно Лутфуллоҳ бу ишдан қанчалик ўзларини тортмасинлар, Махдуми Калон унамадилар. Дедилар: «Мақсадим имтиҳон қилиш эмас, балки ўз меҳнатим самарасини мулоҳаза қилиб кўрмоқчиман, вақтни бекор ўтказмаганмиканман. Агар нуқсонга йўл қўйган бўлсак, уни имкон борида тузатайлик». Шундан сўнг Мавлоно Лутфуллоҳ истиғфор айтиб, суҳбатга киришдилар. Махдуми Калон у кишини кўриб туриш учун эшикни ярим ёпиб суҳбатига қулоқ солиб турдилар. Сўнг ул зотни муборакбод этдилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ суҳбатларига Мавлоно Шамсиддин Куҳистоний келиб, зиёратларига мушарраф бўлиб, айтди: «Мен сизнинг мулозаматингизга келишни орзу қилардим.

Алҳамдулиллоҳ, мушарраф бўлдик. Махдуми Калоннинг мулозаматларига етиша олмаган эдик, аммо ул зотнинг улуғлигини сизнинг суҳбатингиздан ҳис этдик. Буни илоҳий иноят деб биламиз. Энди бизга карам қилиб, бу тоифанинг тариқатидан баён қилсангизки, пирлик ҳассасини қўлга киритайлик». Мавлоно Лутфуллоҳ ул зотга таважжуҳ тариқатини баён қилдилар ва унга амал қилиш рухсатини бердилар» (88б).

## *Махдуми Калон Хожаги Аҳмад Косонийнинг кароматлари ва хавориқ одатлари*

Билгил, эй, солики лабиб![3] Аср пешвоси, даҳр муқтадоси Махдуми Калоннинг ҳолатлари шарҳи, мақомотлари баёни ва камолотлари таърифига тил ожиз. Пири Бузругимиз Мавлоно Хожа Аҳмаднинг каромат, мақомот ва ишоратлари кўп ҳамда хавориқ одатлари беҳисоб. Фақат улардан ўзимиз эшитган баъзиларини баён қилиш билан чекланамиз.

Ҳазрат Мавлономиз Лутфуллоҳ шундай дедилар: «Мулозамат ибтидоси даврида ул жанобни топиш, ул қутби замоннинг оламига сайр қилиш, мулозаматларига бориб, баҳра олиш учун ўзимда кучли интилиш сездим.

Бир навбат мулозаматларида ўтирганимда сафар нияти учун ижозат ва фотиҳа сўрадим, индамадилар. Яна бирор соатча ўтирдим. Ўзимда қандайдир қувват сезиб, иккинчи бор илтимос қилдим. Махдуми Калон айтдилар: «Бошим кетса кетсину, сенга ижозат бермайман. Шу пайт бошларидан саллалари тушиб кетди. Яна дедилар: «Бошим мана шундай кетса ҳам сени кетишга қўймайман». Қалбимдаги интилиш сўнди. Шу гаплардан сўнг ул зотнинг ҳузурларида муроқабада ўтирган эдим, ногоҳ кўрдимки, *рижолул-ғайб* ва мардони Хожаи бониёзнинг (Хожа Баҳоуддиннинг) эранлари (хожагон сулукининг ўтган пешқадамлари) кириб келдилар. Ниёзмандлик билан Махдуми Калоннинг кўнглини кўтардилар.У киши менга таважжуҳ қилиб: «Барча бу ерга келаяпти-ю, сен қаерга бормоқчисан?»—дедилар. Дарҳол ўрнимдан туриб авф сўрадим» (90а).

Айтдилар: «Ахсикентдаги мадрасадаги ҳужрамда пешин намозини ўқиб бўлган ҳам эдим, ўртадан парда кўтарилди, Каъбатуллоҳ намоён бўлди. Ҳазрат Хожа Каъбатуллоҳда

ўтирибдилар. Атрофларида ғайб эранлари ҳамда атроф-жавонибдан келган жамиъи авлиёуллоҳлар ул жанобға ниёз юзидан хизмат этиб турибдилар. Буни кўргач, мен ҳам ичимда фарёд қилиб ул зотнинг мулозаматларига ташландим. Ҳазрат менга қараб: «Кўрдингми, бекорчи фикрларинингни ташладингми. Суюнчи бер, сени бу зотлар халифа қилдилар», — дедилар. Мени икки юз эллик қўй ва эчким, икки юз тангам бор эди, унга китоб сотиб олгандим. Қалин гилам, намат шолча, ярим пудлик қозоним ва нимаики зар-нуқрали бўлса уларни бағишладим ва ниёз қилдим.

Махдум қабул қилиб, фотиҳа ўқидилар ва: «Сен бор-йўқ ҳамма нарсангни бағишладинг, сенга ҳам барча фидо бўлсин», — дедилар ва ушбу байтни ўқидилар:

*Ё раб, зи қаноаташ тавонгар гардон,*
*Ваз нури яқин дилаш мунаввар гардон (90[б]).*

Мазмуни:

*Тариқат аҳлини, Аллоҳ, қаноатда тавоно қил,*
*Нури қудратинг бирла алар дилин мунаввар қил.*

Ундан кейин буюрдилар: «Бу ашёларни Мавлоно Имодиддин Сангийга бергил». Мавлоно Имодиддин Ҳазратнинг ёронларидан эди. Ҳазратнинг ишоратларидан сўнг Мавлоно Имодиддин Мавлоно Лутфуллоҳга байъат қилиб, хизматда бўлдилар.

Махдуми Калоннинг аксар мажлисларида *рижолул-ғайб*лар иштирок этар эди. Махдумнинг асҳоблари уларни кўрар эдилар. Ҳазрат Махдум ўз замонасининг мужтаҳиди эдилар. Баъзи ишларни замона осудалиги ва соликлар манфаати йўлида кибор авлиёларнинг руҳлари билан иттифоқ бўлган ҳолда ихтиёр қилар эдилар (91[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳ шундай нақл қилдилар: «Ҳазрат Махдумнинг тариқатни тасарруфларига олишлари аниқ бўлгач, ҳазрати пирлари ва шариф тариқат улуғларининг арвоҳларидан рухсат олмоқчи бўлдилар. Биз ҳам, ул зотнинг мулозаматларида тургувчи беш киши, уч кеча-кундуз Хожа Носириддин Хожа Убайдуллоҳ мазори файзосорларида ўтирдик. Ҳазрат Махдум арз қилиб сўрадилар: «Шу замон соликларининг истеъдоди туфайли бу ишларни ихтиёр қилдик. Ҳазрат Хожа таҳсин

қилдилар ва рухсат бердилар. Ундан сўнг яна уч кун силсилаи хожагон сарҳалқаси Хожаи Жаҳоннинг файзли мазорлари бошида ўтирдилар ва юқоридаги тартибда сўраб, рухсат олдилар. Яна уч кун Хожаи бузург Ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг табаррук остоналарида бўлдилар. Хожаи бузург Ҳазрат Хожа Баҳоу-л-ҳақ ва-д-дин ғоят лутф ва беҳад иноятлар қилдилар. Шу ергача фақир ўз қудрати ҳолимча бу икки азиз билан мулоқот ва Хожа Аҳрори Валийнинг рухсатини олганликлари ҳақида айтиб ўтдим» (91б).

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Маҳдумимиз Ахсикентдан Санг қишлоғига сафар қилмоқчи бўлдилар. Санг қишлоғи Ахсидан икки фарсахлик йўл эди. Эшон дарҳол йўлга тушишни муқаррар этдилар. Баъзи ёронлар Санг қишлоғи узоқ бўлса, намозга кеч қолмаймизми деган андишага бордилар. Аммо бу фикрни пирга айтишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмади. Ҳазратни уловга ўтқазиб, ҳамроҳ сифатида мен ва яна уч киши пиёда кетдик. Йўлда Ҳазрат дедилар: «Энди эгарнинг тасмасидан ушланглар ва мендан кўз узманглар». Биз шундай қилдик. Оёқларимиз ўз-ўзидан чопаётгандек туюлди. Бунинг маъносини Масжиди Сангга етиб келганимизда тушундик. Масофани шунчалик тез босиб ўтибмизки, ҳали имом минбарга чиқиб улгурмаган экан. Намозни жамоат билан ўқидик. Бу ҳолнинг мушоҳадасидан ул зотга бўлган эътиқод ва ихлосимиз янада яшнаб кетди» (92б).

Мавлоно Валий Куҳзарий шундай нақл қилади: «Талабалик йилларимда Маҳдуми Аъзамнинг мулозаматларига мушарраф бўлган эдим. Ўзбек султонлари ва амирлари ул зотнинг мулозаматларига келдилар ва жонли суҳбат ўтказдилар. Кўнглимдан хожагон тариқатида тасарруф қилиш қанақа бўларкин деган фикр ўтди. Шу он Ҳазрат Маҳдуми Аъзам менга қарадилар: «Мулло, ичларингда мужтаҳид борми?» — деб сўрадилар. Мен: «Ҳа, бор», — дедим. Айтдилар: «Бу келганлар ҳам мужтаҳиддурлар. Ҳар қавмнинг ҳар замонга муносиб ва истеъдодига мувофиқ ўз тариқи сулуки борки, ҳақ йўлни кўрсатиш ва мақсадга восил қилишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ижтиҳод қилурлар». Чунончи, тариқат султони Ҳазрати

Хожа Аҳмад Яссавий ва муршиди роҳи ҳақиқат Хожа Муҳаммад Анжир Фағнавий ва Ҳазрат Хожаи Бузрук Хожа Баҳоу-л-ҳаққ ва-д-дин ҳам муқтадиёни тариқат эдилар ва мужтаҳид эдилар». Мен кўнглимдан ўтказган фикрларим ҳазратга огоҳ бўлганини билиб, ниҳоятда хижил бўлдим» (92б).

Маҳдуми Калон Ҳазратларининг Мавлоно Шоҳҳожи деган яқинлари бор эди. Ўша киши шундай нақл қилади: «Қурбон ҳайити эди. Мавлоно Дарвиший Бухорий масжид учун минбар тайёрлаб, пиримизга «Энг аввал сизнинг оёғингиз тегсин, илтимос», —деб минбарга чиқишни илтижо қилди. Махдум Ҳазратлари: «Мен воиз эмасман», —деб бу илтифотни қабул қилмадилар. Мавлоно Ҳазратнинг қадимдан хизматида бўлиб келгани ва яқин ёронлардан бўлгани ҳурматидан унинг қистовларига йўқ дея олмадилар. Минбарга чиқдилар ва ўтирдилар. Ҳофиз Қуръон ўқиди. Шундан сўнг жаноби пири аъзам халққа қараб *муроқаба*да бўлдилар. Йиғилганлар орасида бирдан талотўп юз берди. Баъзилар гўё чалажон кабутардек типирчилай бошлади. Фақир парвона мисол *хуруж ва самоъ*га туша бошладим. Муллалар ва илм намояндалари, хусусан, Мавлоно Саъид, Мир Абу Сафо ва Мавлоно Шоҳ Туркистоний уст-бошларини улоқтириб, ёқавайрон нолаю фарёд қилишга тушдилар

Халқ ҳаддан ўта бошлагач, Пири муборак бошларини кўтариб, Қуръон ўқишни буюрдилар. Хатми Қуръондан кейин сўфиларга таскин бердилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ айтадилар: «Олти йил Мавлоно Муҳаммад Қози хизматларида бўлдим. Ул зот охиратга сафар қилганларидан сўнг Хожагон тариқатининг шариф нисбати Маҳдуми Калон Хожа Мавлоно Аҳмад Хожагий Косонийда зуҳур қилди. Маҳдуми Калон Чодакка келдилар ва менга кўп иноятлар қилиб: «Эй, Мавлоно, бу ишни кечиктириш вақти эмас, фурсат ғаниматдур. Сен учун махсусан келдим», —дедилар.

Мен ул зотга байъат қилдим. Айтдилар: «Эй, Мавлоно Лутфуллоҳ, мен анча пайтдан бери сенга мафтун эдим. Алҳамдулиллоҳ, энди сен мен билан биргасан. Менинг бир кичик қизим бор. Уни сенга бераман». Бу пайтлар ҳали кадхудо ҳам бўлганим йўқ эди ва шу даврдаёқ, Ҳазрат Махдум икковимиз ўртамизда ана шундай яқинлашиш юз берган эди. Ҳазрат Косонга ташриф буюрдилар. У ерда мен ва Ҳазрат ўртасида яқин инсон бўлиб қолган Қози Маҳмуд Чодакийга аҳволни

тушунтирдилар ва унинг қизини менинг никоҳимга киргиздилар. Менинг барча фарзандларим ана шу аёлдандир, алҳамдулиллоҳ». Яна айтдилар: «Мен фарзандли бўлганимда, Махдумимиз буни эшитиб жуда хурсанд бўлдилар ва афсус билан дедилар: «Сенга атаган қизим дунёдан ўтди» (94[а]).

Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Махдуми Калонимизнинг қутбияти бу фақирда зоҳир бўлгандан сўнг нима нарсам бўлса, ул зотга ниёз қилдим. Мажлисларида юқори ўтмасдим, аксарият пайт пойгоҳда оёғимни ташқарига чиқариб ўтирар эдим. Бирор маслаҳат ёки иш юзасидан талаб қилган пайтларида ҳам, имкон қадар четроққа ўтирар эдим. Шу тариқа ҳамиша ул зотнинг одобларига риоя қилдим. Бир неча йиллардан сўнг Пиримиз Махдуми Калон Хожа Аҳмад Косоний менга: «Мавлоно, сиз ёронлар билан суҳбат ўтказинг», —дедилар. Мен бир қанча пайт Ҳазратнинг одобларига риоя қилиб хизматда бўлиб турсам-да, суҳбат қуришга ўтмадим. Мен Ҳазрати илоҳийдан ҳам бир ишора бўлармикан деган умидда эдим. Ҳазрат Махдум алайҳирраҳма бир куни ҳамма соликлар ва ёронлар жам бўлганда, менга қараб: «Мавлоно Лутфуллоҳ, сиз ёронлар билан суҳбат қилинг», —дедилар. Жамоага: «Сизлар барчангиз Мавлонога тобе бўлинг. Биздан нени талаб қилиб юрган бўлсангиз, ундан тиланг». Шундан сўнг яна менга: « Аср намозидан кейин истиғфор ўқитинг ва суҳбат қилинг», —деб ўринларидан турдилар ва уйларига кириб кетдилар.

Намози асрдан кейин ёронлар билан истиғфор айтиб, дуои муножотда бўлдик. Ёрон ва биродарлардан Мавлоно Бобойи Мир Косоний, Мавлоно Али Суфий ва Имод Нашпосий, Хожа Бобо Тошкандий, Мавлоно Муҳаммадвали Чодакий ва бошқа халифалар ҳамда асҳоблар менга мухолифлик изҳорини қила бошладилар. Улар бу мавлоно Махдуми Калоннинг ҳаёт вақтидаёқ унинг ўрнини эгаллашга ҳаракат қилмоқда, шайхлик даъвосини қилмоқда, шунинг учун Махдум эшитсин учун истиғфорни баланд овозда айтади, деб ғийбат қилдилар. Бу жамоат турли ғийбат ва фисқ-фужурни тўплаб онҳазратга етказдилар ва бу билан ҳазратни лол қолдирдилар. Мен чорасиз бир чеккага бориб, Аллоҳга: «Ё, Парвардигоро, ўзинг гувоҳсан, ахир Махдумнинг ўзлари шу ишга амр этмадиларми? Энди эса мухолифларнинг сўзларига ишониб ўтирибдилар. Бу аҳволдан Ўзинг огоҳсан, Сендан бўлак паноҳим йўқ», —деб нола қилдим. Шу пайт Махдуми Калон Ҳазратлари мени талаб қилдилар ва

«гапим бор» дегандек ишора қилдилар. «Мени кўтар», — дедилар, мен у кишини кўтариб олдим.

Неча вақт хизматларида бўлдим. Яна ул ғийбатчилар Маҳдуми Калон Ҳазратларига: «Мавлоно Лутфуллоҳ Маҳдуми Калоннинг шайх бўлишида менинг хизматим бор деб юрибди. У муридликни ҳам ўз таъбига қараб қилаяпти, сизнинг мулозаматингизга парво ҳам қилмаяпти,» —деб ул зотнинг фикрларини буздилар. Мен яна олдинги сафардагидек бир четга бордим. Покиза таҳорат қилиб, шукри вузуҳ ўқиб, таборак Қозия-л-ҳожот боргоҳидан ҳожатимни сўрадим ва: «Ё рабба-л-оламин, бу жамоатнинг етказган гапи туҳматдир. Бул азиз уларнинг гапига ишонмоқда», — деб муножот қилдим. Ҳазрати Эшон иккинчи бор мени талаб қилдилар. Айтдилар: «Мавлоно, ўтиришнинг фойдаси йўқ. Менинг касалимни давола». Шу тариқа ҳазратнинг фикри ўзгарганини сездим. Иккинчи куни Ҳазрат ёронларга қараб: «Билиб қўйингларки, сизларнинг барчаларингизни тарозида тортиб кўрдим ва ғалвирдан ўтказдим. Сизларнинг ичларингиздан Мавлоно Лутфуллоҳни топдим ва пирлик ҳассасини унга бераман», —дедилар ва қўлларидаги ҳассани менга бериб, илтифот қилдилар: «Эй, Мавлоно, бу ҳасса пирлик ҳассасидир. Уни сенга бердим ва барча ёронларни ҳам сенга топширдим. Қолган ёронлар эса сендан тарбият топсинлар». Ёронларга қараб айтдилар: «Мавлоно Лутфуллоҳ замонамизнинг Абу Бакр Сиддиқидир» (96[а]).

Ҳазрати Маҳдуми Калон Хожа Аҳмад Косоний яна айтдилар: «Бизга сулуки хожагон халифаларидан етган омонатни Мавлоно Лутфуллоҳга топширдик ҳамда пирлик мартабасини бериб, сени Худога топширдик», —деб марҳамат қилдилар».

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Маҳдумимиз бу сўзларни айтиб мен фақирга иноятлар кўрсатдилар ва ўз қўллари билан суҳбатлар қуриш учун ижозат ва рухсат қоғозини жуда муболағали тусда ёзиб бердилар. Сўнг менга Ахсикентта боришга ижозат бердилар. Мен ўн беш кун Ахсикентда бўлганимда пиримиз Маҳдуми Калон Ҳазратлари олами фонийдан олами боқийга ўтганлари хабари етиб келди. Мен ул жанобнинг амру илтифотлари бирла инсонларни Худога юзланишга даъват қилардим. Ҳар бора *муроқаба*да ўтирган вақтимда ул жаноб руҳлари фикримда ҳозиру нозир бўларди. Турмушда нима ҳикмат бўладиган бўлса, менга башорат берардилар. Агар бирор қавм мендан ранжийдиган бўлса, ул зот руҳлари ҳозир бўлиб, айтардиларки, «Эй мулло, булар ўз ниятлари бирла барҳам бўлгайлар, сен узрлисан». Дарҳақиқат, ул қавмлар

мендан узр сўрар эдилар. Ҳар вақт хаёлимдан бирор ножўя фикр ўтган бўлса, руҳлари ҳозир бўлиб айтардиларки, « Эй мулло, ўзингни қўлга ол, хотирингни жам қил», дердилар. Мен қаерга бормайин, ҳамиша ул зотга таважжуҳ ҳолатида юрардим. Бир қанча йил ушбу ҳолат бирла бўлдим, шу аҳволда кундузни кеч қилардим, кечани эса кундуз».

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Мен Ҳазрати Хожа Аҳрор Убайдуллоҳнинг руҳониятларидан хуфя зикр талқинини олдим. Яна уч бузруквордан илм ва тарбия олдим. Аввало, Мавлоно Шоҳ Ҳусайн менинг устозим эдилар ва ул зотнинг қошида Хидояи Шарифни ўқирдим. Гарчи ул зотга байъат қилмаган бўлсам-да, аммо аввалги тарбиям ўшал зотдандир. Мен фақирга бениҳоят илтифот қилгандилар. Ҳозир ҳам менга бир мушкул ҳосил бўлса, ул зотнинг руҳларига мутаважжиҳ бўламан, албатта, мушкулим осон бўлади. Иккинчиси, Махдуми Аъзам Мавлоно Муҳаммад Қози пири бузругим эдилар. Ул зотга байъат қилган эдим. Учинчи яқинроқ пирим Махдуми Калон Мавлоно Хожаги Аҳмад бўлиб, байъат қилганман ва такомилга етганман» (97[б]).

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Бир куни Ахсикентдан Махдуми Калон хизматларига борардим. Шоҳрухиядан ўтаётиб, ўзимга ҳамроҳ қидириб топа олмадим ва якка кетишга мажбур бўлдим. Йўлнинг нотинчлигидан хаёлим паришон эди. Сал юргандан сўнг бир қалпоқпўш суворий менга етиб олди ва менинг ўнг томонимда юрди. Ҳар замонда қараб қўйсам юзи худди Махдуми Калонникига ўхшаб кетарди. Гоҳида менга: «Қўрқма, мен сен биланман», – деб гапиргандек ҳам бўларди. Шу тахлитда бир неча ва кундуз ҳамроҳлик қилиб келди ва халққа келиб қўшилган заҳотим у мендан ажралиб кетди.

Манзилга етиб бордим ва Ҳазрат мулозаматига етганимда дедилар: «Эй Мавлоно, қўрқдингму?» (98[а])

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Улуғимиз Махдуми Калон Ҳазратлари Ахсикентдан Бухорога ташриф буюрмоқчи бўлдилар. Иноят билан сўрадилар: «Қайси йўлдан борсак?» Ёронлар машаққати камроқ йўлни ўйлай бошладилар. Яна ўзлари

айтдилар: «Пайкон орқали ўтиб Бешёғоч йўли билан кетиш керак». Аммо ёронлар бу йўлда пашша кўп бўлиб, ҳазратга заҳмат беришини айтиб, рози бўлмадилар. Ҳазрати Эшон айтдилар: «Хавотир олманглар, пашшани чақиш у ёқда турсин, «ғинг» дейишга ҳам қўймайман». Барча йўлга тушибди ва пашша сон-саноқсиз бўлган жойга етиб келишибди. Шу пайт барча пашшалар бошқа жойга кўчишибди ва уларга бирор ташвиш етмабди. Бу каромат сабабли мухлислар ва мўътақидларнинг эътиқоди икки баравар ошибди» (98[б]).

Ҳазрат Маҳдуми Калон мақомотларида мазкурдирким, Ҳазрат айтдилар: «Ҳол аввалида, Косонда эканлигимда, бир кеча ногаҳон Ҳақ таоло жазбаларидан бир жазба етди ва мени девона қилиб қўйди. Шундан сўнг вужудимда изтироб сеза бошладим. Бетоқат ва беором бўлиб қолдим. Кечалари табаррук мозорларга борар эдим ва уларнинг остонасига пешонамни сурар эдим. Йиғлаб нола қилар эдим ва бу дардимга даво топа олмасдим. Назм:

*Дариғо, ин дардро дармон надидам,*

Яъни:

*Во дариғким, дардимга дармон топилмас.*

Ким мени кўрса, жиннига ўхшатар эди. Халқнинг хизматини беминнат қилар эдим. Ўзимнинг бечоралигим, синиқдиллигим ва фақирлигим борасида мулоҳаза қилардим. Охири аҳволимни устоз шайхулислом Амир Саййид Олимга арз қилдим: «Менинг ичимни куйдираётган бу дарднинг иложи борми, йўқми?» Айтдилар: «Бунинг иложини сабр дейдилар».

Ҳароратим зўрайиб, бетоқат ва беором қила бошлади. Ўзимни қаерга уришни билмай, ҳар томонга югурар эдим, тунларни мазоротда ўтказар эдим. Шу орада бир азизнинг келгани ва фалон жойда тўхтаганини эшитиб қолдиму, ўйлаб ўтирмасдан ул зотнинг мулозаматларига югурдим. Ул зотнинг ёнларига бориб ўз дардимни айтдим. Ул зот иноят қилиб айтдилар: «Сизнинг дардингизни талаб дарди дейдур. Бунинг давоси фалон азизнинг қўлидадир. Ушбу азиз ҳозир Тошканддадур. Исми шарифлари Мавлоно Муҳаммад Қози бўлиб, машойихлар қутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрорнинг халифаларидандир».

Шу замониёқ ул бузрукворга нисбатан талпиниш, вужудимда

муҳаббат пайдо бўлди. Тошкандга Мавлоно Муҳаммад Қози хизматига жўнадим. Кандар уқбасига етгач, тунни ўша ерда ўтказдик. Уйқумда воқеа кўрдим: «Бир нуроний азиз қўлимга соз тутқазди ва: «Буни чалинг», —деди. Созни қўлимга олиб чунонам чалдимки, уйқудан уйғониб кетдим. Бир неча кундан сўнг Тошкандга етиб келдим. Жума куни эди, нарса ва китобларимни қўнган манзилимизга қўйиб, намоз ўқиш учун масжидга бордим. Халқ ичидан тушимда кўрган азизни учратармиканман, деб атрофга аланглаб қидирардим. Ул азизни кўрган заҳоти танидим ва дарҳол қўлларини тавоф қилиб, оёқларига йиқилдим. Ул азиз меҳрибон онадек мени ўз қучоқларига олдилар ва эркаладилар. Қўлимдан ушлаб ўз манзилларига бошладилар. Лутфу иноят билан: «Эй, мулло, нима учун келдинг», —дедилар. Мен ўз дилимдаги дардга даво истаб келганимни, унинг иложини қила олмаётганимни айтдим.

Мавлоно Муҳаммад Қози айтдилар: «Жамоат бизда илм таҳсили билан машғулдир, сиз ҳам машғул бўлинг. Ҳар не буюрсак, шуни қилгайсиз». Яна шафқат билан буюрдилар: «Хожа Аҳрор Валийнинг «Рисолаи волидия»сини сидқидил билан ўқинг». Мен ул рисолани ўқишга тушдим. Сўнг уч дарс сабоқ олдим. Қалбимда азим ўкинч-дард пайдо бўлди. Менинг ҳолатим Махдумимизга нури кашф ила маълум бўлиб, мени чақирдилар ва: «Ўзингизни қандай сезаяпсиз?» —деди. Мен: «Жуда паришонман», —дедим. Лутф қилиб дедилар: «Рисолаи волидия»ни ўқишни тўхтатинг».

Шундан сўнг онҳазрат ёронларга шундай деган эканлар: «Бу йигит биздан иршод олиш ва шайхлик мартабасини эгаллаш учун келгандир ва у баланд парвозни кўзлаган лочиндир. Бу лочинни тарбиялаш бизга фарз ва лозим».

Онҳазрат шу сўзларни айтиб, ўзлари учун ажратилган хонани менга бердилар. Мен билан бирга келган тоғам Амир Нуриддинга нон-сувдан хабар олиб туришни тайинладилар. Менга эса: «Сиз бизга мулозаматда бўласиз», —дедилар ва чилла ўтиришга буюрдилар. Ул зот бу фақирга кўп илтифот, шафқат ва меҳрибончилик қилардилар. Ҳатто ифторларда ўз ёнларига ўтқазиб олардилар. Тановул пайтида ҳар луқмани оғизга олганда «бисмиллоҳ» дейиш ва ютганда *«алҳамдулиллоҳ»* дейиш кераклигини таъкидлардилар» (102[а]).

Бир дарвеш нақл қилади: «Ҳазрати Махдум Косондан Самарқандга кўчишни ихтиёр қилдилар. Тўсатдан қирғизларнинг босқини бошланди. Неча кун Бозори кўҳна (эски бозор) деган жойда бўлдилар. У жой Ахсикентга қарашли эди. Бароқхоннинг ишончли амирларидан Мир Ҳақберди қирғизлардан чекиниб, лашкари билан Сафидбулон тарафидан Ахсикентга келди ва ўша кун ҳазрат эшоннинг мулозаматига келди. Гап орасида амир бефаросатлик қилиб: «Ҳазрати Эшон, нима учун қирғиздан қочдиларинг. Азизлар худонинг қиличи-ку», — деб қўйди. Бу суханни эшитгандан кейин Махдумнинг сочи тикка бўлди ва паришон ҳолда мажлисдан чиқиб, хоналарига ўтдилар. Бир неча кун деганда, Самарқандга етиб келинди. У ерда қолган Мир Ҳақберди олмос касалига гирифтор бўлибди. Шунда бефаросат гап қилиб, ҳазратни ранжитганидан юз узр сўраб, мулозимларидан бирини ул зотнинг олдиларига юборибди. Ҳазрат айтдилар: «Ўқ нишонга тегибди. Энди иложи йўқ».

Элчи ниҳоятда афсусланибди ва ўзи дилу жон бирла ул зотга мурид тушибди. Сал ўтмай, Ҳақберди ва авлодининг ҳаммаси ҳалок бўлгани хабари келибди» (103[б]).

Бир дарвешнинг нақл қилишича, Ҳазрат Махдум мусулмонлар тарбиясини ислоҳ этиш учун Бухорога келибдилар. Султон Иброҳим Девон ул зотга нолойиқ муносабатда бўлди. Кейинчалик Бароқхоннинг ўзи эътироф этиб шундай деди: «Султон Иброҳим неча марта: «Агар сиз вилоятларни олай ёки қўлдан бермай десангиз, бу азизнинг гапига қулоқ солманг, уни ўлдиринг, чунки унга гапирсангиз у сизни ўз тасарруфига (гипноз) олади», — деган эди. Мавлоно Махдуми Калон Хожа Аҳмад ҳазратлари хос чодирда қабул қилинганларида Султон Иброҳим ҳам орқамда ўтирган эди. У эшоннинг гапига жавоб беришни менга қўйиб беринг деб турди. Ул зот келган ҳамоно сўз бошладилар, ул зотнинг муборак вужудларида жалолият ва азамат пайдо бўла бошлади. Менда шундай таъсир ҳолати пайдо бўлдики, гўё танимдан жоним чиқиб кетаёзгудек бўлди. Ҳеч чора тополмай, султони тахти шариат ва бурҳони аҳли ҳақиқат Расулуллоҳ (с.а.в.) руҳига илтижо қила бошладим. Аста-секин ҳолатим аслига

келиб, Махдуми Калоннинг ажойиб суханлари ва ғаройиб асрорларини тингладик» (104[а]).

Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ шундай дедилар: «Махдуми Калон ҳазратлари менга суҳбат қуриш учун иршод берган замонларидан бери ўз қўллари билан ўн уч марта иршоднома ёзиб берганлар. Ва биздан сенга нима етган бўлса, уни обидлар ва соликларга етказишинг керак, токи саодатга эришсинлар», — деган эдилар» (106[б]).

### *Ҳазрати Калон Мавлоно Хожаги Аҳмад Косоний қаддасаллоҳу сирраҳунинг Мавлоно Лутфуллоҳга берган иршодномаларидан намуна*

Жаннатмаоб ва камолот иктисоб тошкандлик, паркатлик, пискатлик, ахсикатлик ва бошқа ерлик биродарлар! Ўз қадрлари ва тавфиқлари билан билиб қўйсинларким, шу пайтларда жаноби диний биродар ва яқин дўст, шариат ва тариқат йўлидаги солик, ҳақиқат ошиёнининг баландпарвоз лочини Мавлоно Лутфуллоҳ ҳисобланади. Чунки у пешқадам ёронлардандир. Ёронлардан тобеъ бўлиш сўралади, ул зот олдида одоб сақлансин! Чунонки дебдурлар: «Адаб пеши ёри пешқадам аз жумлаи лавозим аст», яъни, пешқадам ёрларнинг қошида одоб сақлаш лозим нарсалар жумласидандир. Бас, барча ёронлар, биродарларга вожибдурким, у киши олдида, адабни ўрнига қўйсинлар, яхши суҳбатлар ўтказсинларки, тариқатда бўлмаган одам эшитса таъсирлансин ва тариқатга кирсин! Барча инс ва жин шайтонлари устидан, Аллоҳ улардан асрасин, ғалаба қилсинлар, худди авлиёларнинг азими (с.а.в.) иттифоқ қилиб, кофирлар устидан ғалаба қозонгандек.

Ал-фақир ал-ҳақир Аҳмад ал-Косоний (106[б]-107[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Заҳириддин Бобур, қабрига нур ёғилсин, Ҳинд вилоятидан ўзининг улуғ саркардаларидан бирини ниёзмандлик ила Ҳазрати Махдуми Калон Хожа Аҳмад Косоний ҳузурига юбориб, бир хат бирла ўзи ёзган бир китобни ҳам қўшиб юборган эди. Ҳазрат Махдум бу китобни

Мавлоно Лутфуллоҳ ҳазратларига топширдилар. Ушбу китобда қуйидаги рубоийлар бор эди:

*Дарвишонро гарчи на аз хешонем*
*Аз дилу жон мўътақиди ишонем.*
*Дур аст магўеки шоҳу дарвеши,*
*Шоҳим вале бандаи дарвешоним.*

*Дар ҳавои нафси худ умр зое кардаим,*
*Пеши аҳлуллоҳ аз афъоли худ шармандаим.*
*Як назар бо мухлисони дилхаста фармо, ки мо*
*Хожагиро мондаиму Хожагиро бандаим.*

*Андохтанам нест чи аз пушт ба даст,*
*Чун нест амал, илм чи судаст ба даст.*
*Дастам бигирифти, аз ин хурсандам,*
*Умедвор баста шавам даст ба даст.*

Туркий:

*Бесабрдурмену бесару сомондурмен,*
*Барҳамзададурмену паришондурмен.*
*Не дин ишини қилдиму ва на дунёнинг,*
*Ё раб, нетай ўз ишимга ҳайрондурмен.*

Махфий қолмасинким, Мавлоно Лутфуллоҳ хабар беришларича, Маҳдуми Калон Хожа Аҳмад Косоний ҳижрий йилнинг 949 йили муҳаррамнинг йигирма биринчи кунида дору-л-фанодан дору-л-бақога риҳлат қилдилар. Аллоҳ қабрларини пурнур этиб, руҳи поклари эса қолган солику шогирдларига доим мададкор бўлсин. Омин, ё рабба-л-оламин.

---

1 Саррожон- эгарсозлар бозори

2 Қўлёзма нусхада Махдуми Аъзам Хожа Аҳмад Косоний-Даҳбедийнинг номи барча ўринларда Махдуми Калон Хожаги Аҳмад Косоний тарзида келтирилган.

3 Солики лабиб- зукко, ақл-заковатли, ўткир зеҳнли солик

# МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ ҲОЛЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ, ТАЛАБ ВА СУЛУК ДАВРЛАРИДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ (108б-120б)

Мавлоно Лутфуллоҳ айтадилар: «Ёшлик пайтимда гоҳида намоз вақтида ухлаб қолардим. Бир нуроний келиб мени меҳрибонлик билан уйғотар эди. Бу ҳол Мавлоно Шоҳ Ҳусайн (Аллоҳ ул зотнинг охиратларини обод этсин) хизматларига келгунимча давом этди. Шундан сўнг ул нуроний келмай қўйди. Аммо ухлаб қолсам, Мавлоно Абдураҳим номли мулозим номимни қаттиқ айтиб уйғотадиган бўлди. Анча вақт ўтиб бу синоатни онамга айтдим. Онам дедилар: «Эй болам, сен туғилмасдан йигирма кун илгари менга нуроний бир қария кўриниб, қўлимга бир парча қўй думбасини тутқазди ва бу болангнинг насибасидир, уни егизасан деб тайинлади. Шу пайт сен пайдо бўлдинг. Мен ёғни сенга егиздим. Сен яна ғойиб бўлдинг. Мен бу ҳолатдан ниҳоятда ажабланиб, нима содир бўлганини тушунмай қолдим. Сени уйғотиб юрган нуроний ўша пирдир».

Яна айтдилар: «Самарқандда таҳсил олаётганимда, бир кеча мадрасада Қуръон ўқиб ўтирган эдим, мен ўзимда бир азим файз сездим. Ажиб ҳолат юз бериб, кўзларимга ёш кела бошлади. Ўзимни йиғидан асло тўхтата олмадим ва ҳужрадан чиқиб, мадраса саҳнида пича юрдим. Сўнг яна ҳужрага кириб мутолаани давом эттирдим. Бирор соатлардан кейин кўзим уйқуга бориб, ғайбат юз берди. Мушоҳада қилдим: Бир шахс келиб қўлимдан ушлаб бир боққа олиб кирди. Ул боғ дарахтлари қуриган, боғ ўртасида бир супа бор эди, ул жойда дарвешона либосларда бўлган ниҳоятда чиройли нуроний зотлар ўтирган эканлар. Уларнинг ичидан бири менга қўлини узатди ва: «Қўлимни ушлагинки, хожалардан бўлгайсан», —деди. Мен ул зотнинг қўлини ушладим. Мени ўзларининг ёнларига тортиб ходимлик қилдилар. Ётқизиб, суякларимни эздилар. Қўйиб юборганларидан сўнг тушундимки, улар нақшбандия силсиласининг хожалари эканлар (Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин). Ўзимча, мен ҳазрат хожаларга солик, яъни илм изловчи бўлсам, ажабки, бу ерда қўл бердим ва ҳазрат Хожаларнинг ўзлари ғайрат

кўрсатаяптилар, менга бирор зарар етмаса эди, кошки, дедим. Қайтишга ҳозирланган эдим, ўша пир деди: «Кетаяпсанми?» Фотиҳа ўқиб, менга рухсат берди. Уйқудан уйғониб кетдим. Руҳимда тетиклик пайдо бўлди. Маълум бўлишича, бу фақирнинг отаси ихлос қўйган машойихлар менинг ҳолимни тарбият қилиб келган эканлар».

Яна Мавлоно Лутфуллоҳ шундай дедилар: «Таҳсил даврида намози аср пайти Хожа Аҳрори Валий мозорларини тавоф қилиш учун бордим. Мулло Хушкелди деган зот Хожа Аҳрори Валийнинг хизматкорларидан эди. Ул кишининг қабрларига яқин ўтириб, Қуръон хатм қилдим ва муроқабада бўлдим. Менда ғайбат ҳосил бўлиб, ул зот кўриндилар ва айтдилар: «Эй, фарзанд, дилингни жамъ тутгинки, ул зотларнинг нисбату шарифлари сенга бўлгай». (110[а])

Яна айтдилар: «Таҳсил даврида Абу Мансур Мотуридийнинг қабри муборакларини зиёрат қилишга мушарраф бўлдим. Бориб, Қуръон хатм қилдим ва ул зотнинг пурфутуҳ руҳларига мутаважжиҳ бўлиб ўтирдим. Бирор соатлар ўтди, чамаси, ғайбат юз берди. Мушоҳадада кўрдимки, Шайх, *қаддасаллоҳу руҳаҳу*, кўриндилар ва айтдилар: «Эй мулло, тафсир мутолаасига маҳкам кириш. Сенга андин кўплаб кушойишлар бўлур. Ўз талабингга мувофиқ ҳаракат қилки, олам сенинг валоятинг нури бирлан мунаввар бўлғай». Бу муждадан сўнг талаб вирдини мингтага етказдим. Қўлимдан келгунча ва имконим борича илм талабида бўлдим» (110[а]).

Яна айтдилар: «Самарқандда таҳсил вақти эди, Хожа Аҳрор Валининг қабри лавҳининг тўғрисида, ҳовузнинг лабида ўтириб Қуръон хатм қилдим. Сўнг ул зотнинг пурфутуҳ руҳларига мутаважжиҳ бўлиб, ўзимча дедим:

*Як назар суи дили пурхунам ор,*
*Чун аз ин олудаги бирун ор.*

Мазмуни:

*Қонга тўлган бағримга бир назар сол,*
*Қонга беланган вужудимни поклагин.*

Шу пайт ғайбат юз берди. Унда шуни мушоҳада қилдим: Хожа Аҳрор Валий кўриндилар ва *«ло илоҳа иллаллоҳ»* зикрини менга талқин қилдилар. Кўзимни очдим, шу вақт дилим зикрдан гуё бўлди, чунонам равшанлик ҳосил бўлдики, олдин бундай ҳол рўй бермаган эди. Шундан сўнг ҳамиша зикрни хуфия ва ул зот ўргатганларидек қилардим. Ул зотнинг китобларини, рисолаларини ўқир ва бундан бениҳоя завқ олардим. Суҳбатда аксар суханни ул зоти бобаракотдан бошласам ҳолати мақсадимга етардим. Аксар намозни ўқиб бўлгандан кейин ул зотнинг «ло илоҳа иллаллоҳ» дегандаги ҳолатлари менда рўй берарди ҳамда дуойи фотиҳада бўлардим.

Зикруллоҳга чунон берилиб кетардимки, ёнимда ўтирган биродарларим бу зикр овози қаердан келяпти? деб юзимга тикилардилар. Мен эса тобора пинҳон қилардим».

Жаноби Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Самарқанд мадрасасида бўлганимда бу нисбати шарифга молик эдим. Гоҳо шундай воқеалар (туш) рўй берардики, гуё мен «Виқоя» китобига шарҳ ёзардим, баъзи улуғлар келиб мендан сабоқ олар эдилар. Менинг дилим батамом зикр билан машғул эди. Нисбати шариф бу фақирнинг мутолаасига катта мадад ва куч бағишлар эди. Аммо ҳайрон бўлардимки, бунчалик иноят ва саодат қаердан экан. Неча маротаба Ҳазрати Махдуми Аъзам Мавлоно Муҳаммад Қози руҳларига мутаважжиҳ ва пайваста бўлдим. Ул зот айтдилар: «Бизнинг хожамиз Хожа Аҳрор айтар эдиларки, бир азиз Аллоҳнинг раҳмати бўлган бу тоифа замон фасодидан ва инсонлар иғвосидан юзини ғайрат ниқоби остига олса уларга ёрдам бериши мумкин бўлган рисола ёзмоқчи бўлибди. Аммо уни тугатмасдан бурун ўзининг умри тугабди. Лекин биз отамизнинг кўмагида Ҳазрат Ҳақ таолодан тавфиқ олиб уни тугатдик ва унга «Волидия» деб ном бердик. Ҳар ким уни мутолаа қилиб, ихлос ва эътиқод билан амал қилса, умид борки, мақсадига етур». Шунда тушундимки, мендаги ҳузур ва нисбат ана шу рисола шарофатидан экан. Алҳамдулиллоҳ» (112[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Илм таҳсили учун Ахсикент вилоятидан Самарқандга юзландим. Икки қайноғам ҳам мен билан бирга борар бўлди. Қайнотам Қози Маҳмуд бизни

кузатишга чиқди. Хайрлашув пайти хотиримга «бу зот қози бўлсалар, қозилар эса Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўринбосарлари ҳисобланадилар. Кел, ул зотдан фотиҳа сўрай, шояд Аллоҳ таоло мақсудимга етказса», деган фикр келди ва отдан тушиб, дуои фотиҳа қилишларини илтимос қилдим. Ҳазрати Қози қўлларини очиб: Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бизнинг Мулло Қосимга, Мулло Абдулкабирга, Мулло Абдулқодир ва бизнинг Мулло Абдулқоҳирларга илми ладуний ҳосил қилгин», — деб фотиҳа қилдилар. Фотиҳа сўраган мен фақирни эса лоақал тилга ҳам олмадилар. Кўнглимга оғир ботди. Қозиюлҳожот жалла зикруҳу Парвардигоримга муножот қилиб айтдимки: «Эй Парвардигорим, ўзинг дилимни очиб, илми ладунийни ҳосил қилгайсан! Сенинг бир бандангдан дуо илтимос қилсам, ул зот ўз фарзандларини номма-ном дуо қилди. Бу ғарибу фақир Мавлоно Лутфуллоҳнинг талабини Ўзинг қондириб, илми зоҳирий ва ботиний, илми ладунийни менга тақдиру инъом айлаб, ўз фазлу караминг бирла дунёю охиратим саодатини ўзингдан бошқага муҳтож қилмасдан ҳосил қилгайсан, омин». Шу пайт дилимда бир марҳамати илоҳий пайдо бўлди ва Рофеуддаражотдан бир нидо ҳосил бўлдики: «Эй, мулло Лутфуллоҳ, ғам емагинким, қалбингга илми ладунийни ҳосил қиламиз. Унинг фарзандлари сенинг тарбиянгга муҳтож бўлғайлар!» Алҳамдулиллоҳки, шундай бўлди (112[б]).

Мавлоно Лутфуллоҳ талабаликдан қайтган пайтлари кимдир: «Баъзиларнинг айтишича, олимлар олими Мавлоно Саъидда агар дарвешлик нисбати кўп бўлмаганда эди, илмда анча юқори камолга эга бўлган бўлар эди» — деб қолди. Шунда Мавлоно Лутфуллоҳ жавоб бердилар: «Ул кишининг дарвешлик нисбати илм нисбатининг камолига боис бўлгандир. Мен, масалан, бу борада соҳиби воқеадурмен. Ибтидои ҳолни Ҳазрати Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрордан, талқини зикри қалбийни ул зотнинг руҳониятларидан таълим олгандирман. Бутун вақтимни шунга сарфлар эдим. Шу пайтларда устозимиз олимлар олими Мавлоно Маҳмуд Бухорий ҳузурида «Масобиҳ»[1]дан таълим олардик. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ҳадиси муборакларидан ўқир эдик. Мутолаам шу даражага етдики, ҳар гоҳ дарсга боришдан олдин ўзимни зикрдан ҳосил бўлган нисбатга ҳозирлаб олардим. Шунда бир назар билан дарс маъниси менга равшан бўлиб

қоларди ва шу ондаёқ ёдлаб олардим. Зоҳирда устозни тинглаб ўтиргандек кўринсам-да, ботинда бутун фикру зикрим Ҳақ субҳонаҳу ва таолода бўларди. Қори ҳадисларни ўқир, устоз унинг маъносини шарҳлай бошлаши билан у кишининг нима демоқчилиги менга маълум бўлиб қоларди. Ҳатто хатолари ҳам равшан бўларди. Бир марта устоз ҳадисни шарҳлаганларида соликларга маъноси манзур бўлса-да, менга маъқул бўлмади. Мен ўз тушунчамни баён этдим. Шунда устозимиз истиғфор айтдилар ва талабаларга: «Мен айтган маъно нотўғри, бу суфийнинг талқини тўғридир» —дедилар (113[б]-114[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳ айтадиларки: «Мен сулук ибтидосида Чодакка бориб Шайх Осим мозоротларини зиёрат қилдим. Шайх ҳозир бўлиб, менга эътироз билдирдилар: «Сенинг ота-боболаринг биздан тарбият топиб эрдилар. Сен нечук бегоналарга мурид бўлишни ихтиёр этдинг?» Мен: «Ҳозир сизнинг мулозаматингизга келиб турибман. Шу эътирозларга ўрин бормикан?» дедим ва ўрнимдан турдим. Анча пайт зиёратга бормай қўйдим. Бир саҳар, таҳажжуд намозидан кейин шайх томонидан кучли тортиш кучини сездим. «Барибир зиёратга бормайман», — дедим ўзимга ўзим. Шунда ғайбдан бир нидо эшитилди: «Уйдан чиқ ва мозоримга қара, агар чироқ ёқилган бўлса кел, шуъла кўринмаса, хоҳлаганингча иш тут!» Шайхнинг мозори тепаликда бўлиб, узоқдан кўриниб турарди. Чиқиб қарасам, бир чироқ ёниб турибди. Ўзимча: «Бормайман!» —дедим. Яна нидо келди: «Кўприк устига кел, ўзингни ўз ҳолингга қўй!» Беихтиёр кўприк томонга юрдим ва қандайдир куч шайхнинг мунаввар қабрлари томон торта бошлади. Югуриб кетдим. Шайх қабрига бориб бомдод намозини ўқидим. Менда ғайбат рўй берди: бир олмани арчиб шайхга узатдим. Ғайбатдан ўзимга келгач, воқеадан кўнглим ғаш бўлди. Чунки, тирик одамнинг қабр соҳибига бирор нарса беришини яхшиликка йўймайдилар. Шу пайт мозор айвони шифтининг ёнаётганига кўзим тушди. Дарҳол туриб супурги билан чироқдонни уриб туширдим ва алангани ўчирдим. Шундагина тушимнинг таъбирини билгандек бўлдим. Ташқарига чиқиб ўтирдим. Чамаси бирор соатлар ўтиб, кўзим уйқуга кетиб, туш кўрдим. Мушоҳада қилдимки, бир неча азизлар келиб менга Қуръон ўқишни буюрдилар. «Бақара» сурасининг бир рубъини ёддан ўқидим, ҳолбуки мен уни ёд билмасдим. Тугатганимдан

сўнг улар ғойиб бўлдилар. Сўнг шайх кўриндилар ва айтдилар: «Мулоҳаза қилиб кўр, улар сени тарбият қилиш учун келганлар. Сен бу ерни тарк қилмаслигинг зарур». Қарасам, ҳалиги азизлар у кишининг мулозаматларида, муроқабада ўтирибдилар. Шу-шу мен ҳамиша ул зотнинг зиёратларига борадиган бўлдим ва кўп фойдалар кўрдим ($115^а$-$116^а$).

Мавлономиз шундай дедилар: Ҳазрат Махдумимиз менга лутф ва иноятлар қилиб ўз қизларини никоҳимга киритмоқчи эдилар. Ўша пайтларда баъзи бетавфиқлар мен ҳақимда номуносиб сўзларни етказиб, ул зотнинг менга нисбатан фикрларини ўзгартиришга эришдилар. Мен нима қиларимни билмай, Момо Хотуннинг (Аллоҳ қабрини нурли қилсин) қабри муборакларига бордим. Ул орифалар саййидаси Ҳазрат Султону-л-орифиннинг (Аҳмад Яссавийнинг) асрдоши эди. У кишининг жазбаси ниҳоятда қувватли эди. Ўз ҳолимни арз қилдим. Шу аснода Ҳазрат Момонинг руҳи ҳозир бўлди ва ушбу оятни ўқишни буюрди: **«қул раббано ла тузъиғ қулубано бада из ҳадай тано ва ҳаблано мил-л-адунка роҳма иннака анта-л-ваҳҳоб» [3:8].** Мен бу ояти каримани қалбимга жойладим. Ва шу тариқа пиримизнинг ғазабларидан сақланиб қолдим. Сўнгра бу тоифанинг китобларида кўрдимки, шундай ёзилган экан: «Аллоҳнинг ҳар бир мўъмин бандаси ушбу оятни Каломи мажиддан вазифа қилиб ўқиб юрса, ҳеч қайси машойих ва авлиё томонидан рад этилмагай».

Махфий қолмасинки, Момо Хотун зиёратгоҳи Ахсикентда воқедир» ($116^а$-$116^б$).

Мавлоно Лутфуллоҳ бир куни Косонда Ҳазрати Махдуми Калон суҳбатларига бордилар. Ул зот Мавлоно Саъидни куёвликка қабул қилаётган пайт эди. Эрта билан Махдуми Калон хонақоҳда ўтирганда, хизматларидаги дарвешлардан бири шундай деди: «Мавлоно Саъид «уйимдаги бор нарсаларни фарзандлар олиб қўйдилар ва мен энди нима қилишга ҳам ҳайронман», —деб шикоят қилмоқда». Шу пайт мен Махдуми Калоннинг рўпараларида турган эдим. Кўнглимга Ҳазратнинг кўнглидан ўтган гаплар оқиб тушаётгандек бўлди. Ҳазрат айтардилар: «Эй, Мавлоно Саъид, нега ғам еяпсан, бу йўлда

нимаики топган бўлсак, зоҳиран ва ҳам ботинан сенга тааллуқли бўлди. Барча муридлар ва ёронларни сенга фидойи қиламан».

Шу фикр қайта-қайта кўнглимдан ўтаверди. Хавотирланиб, истиғфор айта бошладим. Охири таҳорат баҳонаси билан ташқарига чиқдим. Эртаси куни эрталаб онҳазрат хонақоҳда ўтирганларида жаноб Мавлоно Шоҳҳожи келиб яна кечаги воқеани такрорлади. Онҳазрат шундай дедилар: «Мулло Саъидга айтингким, бизнинг гапимиз бу турур: Бу йўлда топган барча нарсаларимиз уники бўлади, барча муридлар Мавлоно Саъид хизматида бўладилар. Нега бунча ғам емоқда?»

Шунда менда ажиб таъсир ҳосил бўлди ва Ҳазрати Парвардигоримга қараб нола қилдим: «Эй, Парвардигор, мен Ҳазратнинг одобларига тўла риоя қилиб келмоқдаман. Ул зотнинг байъат ва тарбиятини қабул қилганман. Ҳазрат менга қанча ваъдалар берган, энди эса мени Мавлоно Саъидга хизмат қилишга, фидойи бўлишга мажбур қиладими. Шу пайт ғайбдан бир нидои беминнат келдики: «Эй мулло Лутфуллоҳ, сенинг насибангни ҳеч ким тортиб ололмайди».

Сал ўтмай, Ҳазрат Мавлоно Саъиддан ташвиш кўра бошладилар. У оиласига илтифотсизлик қила бошлади ва келишолмай, бир неча вақтдан сўнг талоқ қилди» (116[б]-117[а]).

Айтдилар: «Карниён қишлоғида бўлиб турганимизда, таҳажжуд намозидан кейин муроқабада ўтирган эдим, кўзимга хожагон тариқатининг улуғ акобирлари кўриндилар ва: «Эй фарзанд, халойиқни Аллоҳ тарафига ҳидоят қилгайсан», —деб марҳамат қилдилар. Мен: Бу иш оғир юкдир, уддасидан чиқа олмайман, —дедим. Шунда руҳлар ўртасида Ҳазрат Махдуми Мавлоно Хожаги кўриниб: «Энди қабул қилмасанг бўлмас», — деб амр қилдилар. Ноилож ўрнимдан туриб таъзим қилдим. Улар банда ҳақига фотиҳа ўқидилар. Шундай бўлса ҳам бу улуғ амр ҳақида ўйлашга ҳам чўчир эдим. Чунки, пирим Махдуми Калон Хожаги Аҳмад ҳаёт бўла туриб, бу ишоратга буйсуниш, бу масалада ўзимга эрк беришга журъат қила олмасдим. Хуллас, бу мушкилимни қандай ҳал қилишни билмасдим. Уч марта Ахсикентдан Махдуми Калон хизматлари учун Самарқандга бордим. Ҳар йили бир неча муддат ул зотнинг мулозаматларида бўлардим. Аммо мушкилим ҳал бўлмади. Учинчи марта бориб, натижасиз Ахсикентга қайтаётганимда сафарим Дизах (ҳозирги Жиззах)

чўли билан эди. Отим нобуд бўлиб уловсиз қолдим. От жабдуқларини кўтариб, Шоҳрухиягача пиёда келдим. Йўлда кўп азоб ва машаққатларни бошдан кечирдим. Аллоҳ таолога нола қилардимки, «эй Парвардигорим, Сенинг бечора бандангдирман ва Сенинг ироданг бирла бу азизнинг иродатига кирганман. Аммо мана уч йилдирки бир мушкулимни ҳал қилиш учун ул зотнинг олдига қатнайман. Ўзинг мушкилимни ҳал қилгин, Парвардигоро!» Ногоҳ дилимга ғайбдан нидо келди: «Мусҳафни оч ва мушкилингнинг жавобини ўқи!» Каломуллоҳни очиб, бир неча оятларни ўқидим. Мазмуни бу эди: «Биз амр қилдикким, ожиз бандаларимни рост йўлга бошлагил. Сустлик қилмаким, биз хоҳламагунимизча, сенинг мушкилинг ҳал бўлмагай». Шу пайт пиру бузругимиз Махдуми Калон ҳозир бўлиб айтдиларки, «Нима учун соликлар билан суҳбат қилишдан ўзингни тортаяпсан? » Шу бўлди-ю, Ҳазрат пиримнинг мулозаматларига борганда дарҳол мушкилимни ҳал қилиб бердилар (117[а]-118[а]).

Шунингдек, айтдилар: «Бу ишорат мартабасига қарамай, ҳамиша бу амрни халқ нафсимдан кўришидан истиҳола қилиб юрдим. Суҳбатларимда фақат тариқат улуғлари ва ҳақиқат пирларининг фикрларини баён қилардим. Соликларга ориф Жалолиддин Румийнинг маснавийларидан, Хожа Ҳофиз девонларидан ва Ҳазрати Саййид Қосим Анворнинг ашъорларидан ўқитар эдим. Мажлисга ажойиб кайфият кирарди ва таъсир ҳолати рўй берарди. Мен буни улуғларнинг руҳларидан бўлган марҳамат деб билардим ва айтардимки: «Бу суҳбатларни мен эмас, балки менинг тилим орқали ул азизлар ўтказмоқдалар» (118[а-б]).

---

1Абу Муҳаммад ал-Ҳусайн ибн Масъуд ал-Фарро ал-Марваррудий ал-Бағавийнинг «Масобиҳ ас-сунна» ҳадислар тўплами

# ҲАЗРАТ МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲНИНГ ЗОҲИРИЙ ВА БОТИНИЙ АҲВОЛЛАРИ ВА ИБОДАТЛАРИ ШАРҲИ (120[б]-157[а])

Ё, азиз, билгинки, авлиёуллоҳларни (Аллоҳ уларнинг арвоҳларини муқаддас қилсин) таниш уларнинг шариатта мувофиқ амалларини таниш билан бўладир. Ул зотларнинг нутқи муборакларига содиқлик, хожагон тариқатининг азим машойихлари хизматларида бўлиш, уларга мусаффо эътиқод билан боғланиш орқалигина ул зотларни таниш мумкин. Бу зотларга мункир бўлганларни эса юқоридаги зотларнинг феълу амалларига эътиқоду ақидаси йўқлигидан таниб олинади.

Асли, азизларнинг равишлари Жаноб Расулуллоҳнинг (с.а.в.) суннатлари ҳамда асҳоби киромларининг тариқати рафторларидадир. Аҳволлари эса бидъатдан ва шариатга мухолифликдан узоқ. Ишлари ҳавойи нафсдан пок. Қўл остидагиларга ҳам шу вазифаларни Пайғамбар суннатига асосланиб буюрардилар, доим бидъату залолатдан пок бўлмоқларини амр қилардилар.

Махфий қолмасинки, Мавлоно Лутфуллоҳ назари марҳамат қилиб айтардилар: «Бизнинг тариқатимизда бўлиб, охират талабида бўлсалар, албатта, нажот топадилар». Солику содиқлар вақтларини Аллоҳ ибодати билан, ўз ғайрат-шижоатларини эса хайрли ишларга сарф қилиш билан ўтказмоқликларини ҳамда ғафлат тўшагида ётмасликларини Аллоҳ таоло ояти мазмуни билан буюриб, нафс хоҳиши билан залолатга кетмасликларини таъкидлардилар.

Мавлономиз азизларнинг тартиботларини қуйидагича тушунтирар эдилар: намози хуфтондан кейин таҳорат билан уйқуга бориб, кечанинг учдан бир қисмида туриб, таҳорат олиб тўрт ракъатдан ўн икки ракъатгача намоз ўқиб, дилини дунё васвасасидан холи қилган ҳолда зикрда бўлиб, сўнг намози бомдодгача ўтириб, дунё ва охират муддаосини эслаб дуойи хайр қилинади. Ундан кейин намози бомдод ўқилади. Сўнг соликлар ҳалқада ўтириб, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) кўрсатганларича дуойи хайрда бўладилар. Кун чиққандан кейин эса ҳар ким ўз иқтидорига қараб тўрт ракъатдан ўн икки ракъатгача намози ишроқ ўқийди.

Мавлоно Муҳаммад Муфти айтдиларки, пири бузругимиз Мавлоно Лутфуллоҳ эса кечанинг учдан бирида туриб таҳорати покиза билан

қибла томонга қараб ўгириб, сўнгра ҳалқада бўлиб, жамоатта қараб лутфи иноят билан Ҳазрати Одамдан бошлаб каломи раббонийни баён қилардилар ҳамда дунё ҳаёти бевафолигидан ҳам баён қилардилар. Аҳли суҳбатлар чунон файз топардиларки, ҳатто жонларини Аллоҳ учун фидо қилишга тайёр бўлардилар. Бемор кишилар шу суҳбат атрофида умиди дуода ўтирардилар ва бу оятни ўқир эдилар: «**Ваннуназзилу мина-л-Қуръони мо ҳува шифоув ва раҳматул ли-л-муъминин» [17:82].** Суҳбатдан бир қанча кишилар шифо топардилар.

Сўнг Мавлоно Лутфуллоҳ Қуръони каримдан баён қилиб, соликларга гуноҳлари учун тавбаи истиғфорни айтишни буюрардилар. Ўз забони мубораклари билан истиғфорни айтиб, ҳамда ушбу калимотни ҳам уч бор такрор қилардилар: «**Ба ҳаққи ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ**», —деб ушбу абётни ўқирдилар:

*Ё илоҳал оламин бори гуноҳ овардаам,*
*Бар дарат ин борҳо ба пушт дуто овардаам.*
*Тавба кардам, тавба кардам, раҳм кун раҳмат намой,*
*Чун бар даргоҳи ту худро дар паноҳ овардаам.*
*Ман намегуямки будам солҳо дар роҳи ту,*
*Ҳастам он гумраҳ, ки акнун рў ба роҳ овардаам.*
*Чор чиз овардаам, шоҳо, ки ў ганжи ту нест,*
*Нестию ҳожатию узру гуноҳ овардаам.*
*Ажзи дарвешию дилрешию бехушию дард,*
*Ин ҳама бар даъвии ишқат гувоҳ овардаам.*
*Чашми раҳмат бар кушо мўйи сафедамро нигар,*
*Онки аз шармандаги рўйи сиёҳ овардаам.* (123[а])

Мазмуни:

*Ё илоҳал оламин гуноҳ юки бирла келдим,*
*Остонангга икки юк бирла келдим.*
*Тавба қилдим, тавба қилдим, раҳм эт, раҳматинг бирла,*
*Улуғ даргоҳингдан паноҳ тилаб келдим.*
*Ҳамиша сенинг йўлингда бўлдим деб айтолмайман,*
*Мен бир гумроҳ эдимким, энди тўғри йўлга юзландим.*
*Эй шоҳ, хазинангда йўқ тўрт нарсани олиб келдим:*
*Йўқчилик, муҳтожлик, гуноҳ ва узрни келтирдим.*
*Илтижою, синиқ қалблик, ғамгинлигу дардни*
*Сенга бўлган ишқим даъвосига гувоҳ қилиб келтирдим.*

*Оқарган сочимга раҳмат кўзи билан назар сол,*
*Нечукким шармандаликдан юзим қора келдим.*

Соликларга қараб Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳадиси муборакларини айтардилар: ***«Астағфируллоҳа фи кулли явмин маата марратин»***, яъни ***«ҳар куни юз маротаба истиғфор айтмоқ лозим».***

Мавлоно Лутфуллоҳ уйқудан барвақт уйғонишга, ғофилликдан огоҳ бўлишга, Аллоҳнинг тўғри йўлида бўлишдан қониққан ҳолда фидоий бўлишни таъкидлар эдилар. Аҳли суҳбат дилларида аланга олган муҳаббат завқидан нолаю афғон қилардилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ *қозиюлҳожот рофеуддаражот*га муножот қилиб, соликлар, ошиқлар, муриди содиқлар шикаста ҳолда муножотда бўлганликлари учун, йиғи билан ўз номаи аъмоллари ҳақида қайғурган ҳолда ҳасрату надоматда бўлганликлари учун улар ҳақига дуои хайр қилардилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ намози таҳажжудга машғул бўлиб, намозга ўзлари имомлик қилиб, ҳар бир ракъатга уч порадан замсура ўқирдилар. Тонг ота бошлагач, бомдод намозига машғул бўлардилар.

Ул зот солику мухлисларга аксар Румийнинг «Маснавийи маънавий»сидан ўқиб, унинг сирру асрори, маъносини шарҳлаб берардилар ва акобири тариқатларнинг китобларидан ўқитиб, уларнинг хаворику-л-одатларидан соликларга баён қилардилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ мухлис ёки соликлардан бирортасида беодоблик воқеъ бўлса, валийлик нури билан кўриб, танбеҳ бериш учун қўлига китобни берардилар ва: «Бисмиллоҳ, деб оч!» дер эдилар. Шунда унинг беодоблиги китоб орқали намоён бўлиб, гуноҳига тавба қиларди ва қолганларни ҳам бундай ишлардан қайтарарди.

Мавлоно Лутфуллоҳ Ахсикент жомеъ масжидида эътикофда ўтирган эдилар. Атрофи жавонибдан: Тошканд, Бухоро, Самарқанд, Ҳисор ва бошқа жойлардан аҳли эътиқод, жами мухлислар келдилар.

Мен, Мавлоно Муҳаммад Муфти, шу атрофда эдим ва ул зотнинг таважжуҳларига парвона бўлиб хизматда турардим. Ногоҳ бир саҳар ҳожати ғусл воқе бўлиб, ҳаммомга боришни ихтиёр қилдим. Биродари тариқат Мирфозил Али Конибодомий

ҳам ҳаммом бориш ихтиёрида экан. Иккимиз ҳаммомга бордик... Мирфозил Али айтдики, менинг бир биродарзодамга Конибодом халқи кўп ташвишлар етказмоқда, унинг мендан бошқа ҳомийси йўқ. Шу биродарим агар Ҳазрати Мавлонога борсангиз, менинг арзимни баён қилсангиз ва бу азоблардан қутулсам, деб илтимос қилганлигини айтиб мавлонога арз қилиш умидида эканлигини айтди. ...Биз ҳаммомдан чиқиб, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ хизматларига бордик. Ул зот таҳажжуд намозини ўқиб бўлиб ўтирган эканлар. Бироздан сўнг, фалончилар келмадими, деб марҳамат қилдилар. Мен яқинроқ бордим. Мулозимлар бизни анча маломат қилган эканлар. Ул жаноб Мирфозил Алига «Равзат ас-соликин» китобини бердилар ва иноят қилиб: «Китобни очгин ва ўз аҳволингни мутолаа қилгин», — дедилар. Мирфозил бир ҳикоятни очди. Унда Мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг аҳбоб ва асҳобларининг шайхларидан бўлмиш олими илми тариқат ва кошифи асрори ҳақиқат Мавлоно Алоуддин валиюллоҳ ҳақида нақл қилинган экан. Ёзилишича, у зот бир кун Мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг мозорини зиёрат қилиш учун кетаётганда бир киши дуч келиб, қўлига бир нарса берибди ва йўл-йўлакай фалон одамга етказишини сўрабди. Мавлоно Алоуддин ул зотнинг мозори шарифларига етиб, анча ўтириб сураи Фотиҳа ҳамда сураи Ихлосни бир неча бор ўқиб, руҳларига бағишлаб зиёратдан фориғ бўлибди. Сўнг омонатни айтилган жойга етказибди. Эртаси куни бир азизни учратиб қолибди. У: «Мен бугун Мавлоно Саъдиддин зиёратларига борган эдим, сиздан гина қилдилар», —дебди.

Мавлоно Алоуддин шундай нақл қиладилар: «Мен бунинг сабабини сўрадим. Азиз айтди: «Ҳазрат Саъдиддин Кошғарий айтдиларки: «Мавлоно Алоуддин менинг зиёратимга эмас, балки бир нарсани Мавлоно Ҳожига олиб бориб бериш учун келган эди». У шундай азиз эдики, ҳар вақт улуғларнинг мозоротларига борса уларнинг арвоҳи таййибалари зоҳир бўлиб, бор мушкулини ҳал қилиб берардилар».

Бу ҳикоятдан мақсад шуки, ҳар ким бир азизнинг ва бузрукнинг, машойихларнинг, айниқса, ўз устози ёки шайхи зиёратига борар бўлса, ҳеч нарса ва ҳеч кимга илтифот қилмай зиёрат мақсадидан бошқасини хаёлдан чиқариб бормоғи лозим. Акс ҳолда азизнинг баракотидан маҳрум бўлур».

Ҳосили калом, Мирфозил Али китобни ўқиганидан сўнг Қуръон ўқиб, бошини ялангбош қилган ҳолда гуноҳларига тавба қилиб, Мавлоно Лутфуллоҳдан авф қилишни сўради ($125^{а}$-$128^{а}$).

Пири бузругимиз ҳар доим намози бомдоддан сўнг қуйидагича дуо қилардилар:

«Эй бор Худое, ўзингнинг муҳаббатингни ва муҳаббатингга сабаб бўладиган нарсаларни бизларга насиб эт. Илоҳим, динимизни қўлловчиларга ёрдам бер, уни хор қилувчиларни хор қил, дин аҳлини таҳқирловчиларни таҳқир эт. Илоҳо, бизларни бу ғурбатда турли иллатлардан, хорликдаги бахтсизликдан, шубҳа хорлигидан, хотимамиздаги бахтсизликдан, қиёмат шармандалигидан асрагин. Илоҳо, зоҳиримизни хизматинг билан, ботинимизни муҳаббатинг билан, қалбимизни маърифатинг билан, руҳимизни мушоҳаданг билан, дилларимизни муоянанг билан зийнатлагин.

Илоҳо, нарсаларни моҳияти билан кўрсат, ҳақни ҳақ ҳолда танитиб унга бизларни эргаштир, ботилни ботил ҳолда кўрсатиб ундан сақлагин. Бизни ўз ихтиёримизга ташлаб қўйма. Измимизни бир лаҳза Ўзингдан ўзга бирор зотга топширма. Бизга ўзинг валий, ҳофизу носир ва ёрдамчи, барча эзгуликка етакловчи, тўғри йўл кўрсатувчи ва қувватловчи бўлгин. Эй Парвардигор, ҳозиру ғойибларимизга, барча мўъмину мўъминаларга ҳасанотлар ато эт. Эй улуғ раббим, ўзинг эгамсан, мен эса хоксор бир қулингман. Тангрим, ўз саховатинг ила бизларга осонлик бер. Эй меҳрибонлар меҳрибони, карамлилар карамлиси! Илоҳим, бизларга тавба қилишни насиб эт. Гуноҳга қайтишдан бизларни сақла, тоатингни бизга яхши кўрсат, маъсиятни эса ёмон кўрсат. Халойиқ фахри ва саййиди Муҳаммадга ва аҳлу оиласи ва саҳобаларига ўзинг салавоту саломлар юборгин, эй меҳрибонлар меҳрибони, раҳматингдан умиддамиз».

Шундан кейин гоҳо тариқат пирлари ва аҳли ҳақиқат сарварлари шайх Фаридиддин Аттор, Мавлоно Румий ва Шайх Саъдийнинг байтларидан ўқиб, бошларини ялонғочлаб, дилларида зор тазарру билан нолалар қилардилар.

Бу муножотдан кейин Мавлоно Лутфуллоҳ аҳволи кайфиятларида шавқи азим рўй берарди. Ул зотнинг завқи оташи ва кайфиятидан соликлар вужуди хирманига ўт тушиб, ишқ гулханидан қалбларида маърифат ҳосил бўларди. Кейин пири бузрук Ёсин сурасини ўқишга

амр қилардилар, хатм тамом бўлгандан сўнг Қуръон оятларининг тафсиридан ва Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳадиси муборакларидан баён қилар эдилар. Суҳбат асносида душманлар дўст бўлиб, дўстлар муриди хос бўлардилар.

Шундан кейин Ҳақиқий ишқ ва муҳаббатдан сўзлардилар.Соликлар ва муҳиблар қалбига оро бериб, тарбият супургиси билан уларнинг дилларидан бегона хасу хашаклар ва фосид хаёлларни супуриб ташлар эдилар. Шунда соликларга муҳаббат ва гавҳари ишқ истеъдодлик ҳолда дил ганжинасига ўрнашиб, муридларнинг, эътиқод аҳлининг аҳволларида ҳузури муҳаббат пайдо бўлиб, ўз пирларини кўрган замоно Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг жамоли тажаллиётидан лаззат топар эдилар.

Яна айтар эдиларки, Мусо алайҳиссалот вассаломга асо қурбати берилиб, биз ошиқларга эса ишқ жазбаси берилгандир. Шу сўзлар билан Мавлоно Саййид Қосим Анвор назмларидан ўқирдилар.

Уларнинг маъноси шулким, ошиқ ишқ ўтида ўз вужудини куйдирмагунча, солик эса майдонида содиқ бўлмагунча ўзининг кулбаи вайронасида муҳаббат дарёсига ғарқ бўлиб, Парвардигор зикри билан дилини нурлантирмаса, Аллоҳнинг жамоли офтобидан баҳра топмагай.

Ва гоҳо «Ёсин» сураси хатмидан кейин тариқат шайхи Фаридуддин Аттор девонидан, Саййид Қосим Анворнинг маориф ашъоридан ёки Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг ёқимли байтларидан тингланарди. Ҳусну муҳаббат асрори ва илоҳий ишқ сирларидан куйловчи байтлар ўқиларди. Уларни эшитган ошиқ соликлар, содиқ соликларнинг руҳ қушлари илоҳий мажлисда муҳаббат базмидан ҳақиқий маҳбубнинг ҳусн-жамоли ва лутфу жамол боғининг ҳидидан баҳра топиб, қурб ва висол қадаҳидан тотиб, вужуд масканидан жон ва дил масканига парвоз қилишни хоҳлаб қолардиларким, Расулуллоҳ айтганларидек, ***«Ҳуббу-л-ватан мина-л-имон»***, яъни ***«Ватанни севмоқ имондандур»***.

Суҳбат анжуманида нағмалар, най навоси ва арбоби тариқатнинг назмларидан баён қилиниб, мазмунини ҳол илми билан тушунтирар эдилар.

Илоҳ ҳусну жамоли «ёдкард» орқали қалбда завқу шавқ ҳосил қилар эди. Баъзилар вазд билан туриб фарёд чекарди, баъзилари йиғлар эди. Айримлар зор тазарруъ билан «бозгашт» қиларди.

Ошноюю бегона ушбу жаннатмонанд мажлисдан бирдек баҳра оларди.

Мисра: Ҳар ким бизнинг пири комилимиз назарини топса, комилназар бўлгай.

Билгин, эй ташналаб, талаб бодасининг солики, ҳазрат сурайи Ёсиннинг хатмидан сўнг хожагон хонаводасининг муқаррар қоидасига биноан суҳбат ўтказар, соликларнинг олий ҳимматини ҳузур ва огоҳлик мартабасига етказар эдилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ бу муҳаббат шаробидан тотмаган, ишқ оташининг шуъласини кўрмаган гумроҳ ва ботини хира мункирлар жамоаси бехабарликдан бу шариф тоифа ҳақига бадгўйлик тилини очган ва инкорлик йўлини тутганларга қараб айтар эдилар: «Эй бехабарлар, эй худпарастлар, яқин билингки, маст суфий ва ошиқларнинг важду ҳоли муҳаббатнинг роҳатбахш асаридандир. Ҳусн ва муҳаббат, ошиқ ва маъшуқ ҳақидаги лафзлардан иборат ёқимли байт ва шеърларни тинглаш уни янада кучли қилади.

Димоғлари бехабарликдан куйган қуруқ хонақоҳ зоҳидларининг муҳаббатнинг равон йўлидан не хабарлари бор? Маломат қилувчиларга маломатийларнинг завқидан не асар?

Соликларга қараб: «Сизларга вожиб ва лозим шулки, ҳар лаҳза ва ҳар соатда ишқ ва муҳаббатни кучайтиришга боис бўладиган ҳеч нарсадан қайтманг. Зероки, маҳбуби ҳақиқий висолига етишиш воситаси муҳаббатдир.

Арбоби муҳаббатга махфий қолмасинким, пири пешвомиз, балки жамиъи аҳли эътиқод имоми бўлмиш Мавлоно Лутфуллоҳ баъзи вақтларда «ҳол» кучлилик қилса қуйидаги рубоийни кўп ўқирдилар:

*Абжади ишқи ту чун омухтам,*
*Пироҳан аз меҳнату ғам дўхтам.*
*Ҳосили ин се сухан пеш нест,*
*Сўхтам, сўхтам, сўхтам.*

Мазмуни:

*Ишқинг абжадини ўқигач,*
*Машаққат ва ғам либосим бўлди.*
*Уч сўз билан ифодаласам агар:*
*Куйдим, куйдим, куйдим.*

Шундан кейин ишқ-муҳаббат ва унинг фазилатини улуғлардан баён қилиб шундай дуо қилардилар: Илоҳо, ўзингнинг

муҳаббатингни ва муҳаббатингга сабаб бўладиган нарсаларни ўз фазли караминг ила ато эт.

«Кашф ал-маҳжуб»да келтирилибдурким: «Самоъ қуёш каби бўлиб, унинг иссиғи ҳар бир нарсага завқ шаробидан баҳра беради, ана шундан бири куйиш, бири ёниш ва баъзисида майи муҳаббат товланиб, баъзисидан баъзиларига таъсири ўтади. Бу тоифаларни таҳқиқ қилиб айтадиларки, улар уч мартабага бўлинади:

1. Мубтадиълар.
2. Мутавасситлар.
3. Комиллар.

Китоби «Таржамат ал-авориф»да айтибдурларки, самоънинг хосияти шулки, ҳар бир валоят, башарият салтанати бордир. Тақво кучли бўлса ва амалларда ғайрат бўлса, ул тоифанинг ҳаққи ва уларнинг сирри, муҳаббати, иродати Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло билан машғул бўлган бўлса, самоъ таъсирида солик ҳақиқат камолида ўздан кетиб, ўзни ҳалок этади.

«Силсилат ал-орифин» китобида шайх Абулқосим Жунайд Бағдодий хабар берурларки, Саййиди оламни (с.а.в.) тушимда кўрдим, айтдимки: «Ё Расулуллоҳ, самоъга ва мажлиси ҳаракотга нима дейсиз?» — деб сўрадим. Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрдиларки, қайси мажлиснинг ибтидоси хатми Қуръон билан бошланса ва интиҳоси хатми Қуръон билан бўлса, мен сизлар билан биргаман».

Чунончи, китоби «Таҳқиқот»да *Ҳужжатулислом мин малик ал-аъломдан* нақл қилибдурларким, агар Худонинг ошиқ бандаси дилига илоҳият томонидан муҳаббат оташидан баҳра бўлса, унинг жазбаси кўп бўлар. Самоъ қилиш энг муҳим муҳаббат йўли бўлиб, соликнинг дили самоъда тобора мусаффо бўлиб, дунё зебу зевари, кудурат ва кину адоватлардан тамомила пок бўлар. Ул инсон самоъ руҳи бирла бу оламдан иккинчи бир оламга ўтади, ўзини олами арвоҳда кўради ва шунда у беҳушлик даражасида бўлиб, фақат Аллоҳнигина истаб қолади» (141[a]).

Чунончи, Хожаи Бузургнинг мақомотларида мазкурдирки, Хожа Ало ул-ҳаққ вад-дин Аттор (қабрларини Аллоҳ таоло муаттар қилсин) дедилар: «Хожаи Бузург бир бор Сафидмунда Хожа Юсуфнинг боғига ташриф буюрдилар. Ногоҳ ул зотнинг суҳбатлари баракотидан барча ёронлар ва дарвешларнинг авзоларида ўзгариш пайдо бўлди. Намоз вақти эди, пешин

намозини ўқишга киришилди. Мавлоно Абу Бакр Афсаҳий деган зот имомлик қилди. Такбири таҳримадан сўнг ҳам Мавлонодан ҳеч ҳаракат сезилмади. Шунда Хожамиз имомни меҳробдан олиб, ўзларининг шариф вужудлари билан меҳробни мунаввар қилдилар. Шу пайт қавмда бир кайфият ҳосил бўлдики, ҳеч бир қавм намоздан тура олмай қолди. Етмиш киши эди, баъзиси йиғлар, баъзилари йиқилиб қолар ва яна баъзилари саҳрога қараб кетарди. Шундай қилиб, намоз тамом бўлди. Хожамиз қавмга қараб, Ҳақ илтифоти ҳар кишининг дилидаги муҳаббатига қараб бўлади», – дедилар.

Шариатда самоънинг бу хил анвойи абёт ва амсолларига шундай фатво берилган экан. Фатво бу турур: Чунончи, мусулмонлар ва дарвешлар, силсилайи тариқатда бўлганлар, хусусан, Хожаи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний бир мажлисда ўтирганларида Мавлоно Жалолиддин Румийнинг маснавиётларидан ва Шайх Фаридуддин Атторнинг абётларидан ўқир эдилар. Аҳли мажлис хушнуд бўлиб, дилларини хатароти дунёдан холи қилган ҳолда файз топиб, баъзилари ўзларидан кетиб йиқилиб қолар эди.

Эй азиз, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло шарафлик йўл ва манзил, мақсади олийдан жудо қилмасин ва шайхимиз, раҳбаримиз ва муршиди комилимиз Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қози Маҳдуми Аъзамнинг икки дунё даражаларини улуғ қилсин, ул зот мусулмонлар зоҳиру ботинларида доим Ҳазрати Парвардигорни ҳозир тутишларини тарғиб этардилар. Ишроқ намози вақтигача соликларга тариқат рукнларини баён қилиб, кун найза бўйидан зиёда бўлгунга қадар икки ракъатдан намоз ўқир эдилар. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»идан ўқитиб, сўнгра суҳбатга мутеъ бўлиб, ҳар ким қурби ҳолича сомеъ бўлардилар. Ул зот одоби тариқатдан сабоқ берардилар, сўнгра Қуръон ўқишга буюрардилар. Мажлисга ажойиб ва ғаройиб футуҳот етарди. Ҳофизлар чунон ўқир эдиларки, унинг маънисидан Аллоҳ тарафига равшанзамирлик топардилар (151[а]-152[а])

Мувофиқи ҳақойиқ маъносида Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ одоблари шул эдики, соликларнинг ботиндаги аҳволларини зоҳирга айлантириб, замирларида нима андишалари борлигини бир феъл

билан изҳор этардилар. Жаноб Мавлоно Жалолуддин Румий маснавиётлари ва Ҳазрати Саййид Қосим Анвор абётлари мазмунидан руҳларига файз киргизар эдилар. Мазмунан ул зотларни тирикликлари ва камоли нисбатлари, ул жанобларнинг ишоратлари билан ўз вужудларидаги муҳаббатдан Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога таъзиму одоб билан, шикаста ҳолликлари билан қалбан муножотда бўлардилар. Ҳам бу зотларнинг забони ҳолларига таъзим қилиб абётларидан ўқитар эдилар (152[а]).

Баъзи ботинлари қаро бўлган шахслар Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга яқинроқ бориб турардилар, аммо уларнинг аҳволу қалбларидан Мавлоно Лутфуллоҳ вофиқ эканлигидан хабарлари бўлмас эди.

Билингки, бу бузрук тоифа одамлар ичидагисини билиб тургувчилардирким, хабарда келтирибдурларки: «Аҳли сиддиқ зотлар билан бирга ўтирганда сизлар ҳам сидқи дил билан ўтирингизлар, зеро улар дилларингиздаги ҳиммат ва ниятларингдан огоҳдирлар» (152[б]).

Тариқат арбоблари ва ҳақиқат асҳоблари айтибдурларки, зикр бевақт ошкора бўлса аҳли тариқатта мувофиқи аҳвол бўлмас. Шу сабаб Мавлоно Лутфуллоҳ чошгоҳгача суҳбатда бўлиб, сўнгра ўн икки ракъат пешин намозини ўқир эдилар, кейин тафсир ва ҳадислардан аҳли суҳбатга баён қилиб, бир оз вақтдан кейин сафар ва ҳазар, зоҳирий ва ботиний амалларга машғул бўлардилар. Ўз саъй-ҳаракатларини бирор лаҳза тўхтатмас эдилар. Гоҳо муҳаббат ижтиҳодларидан хотири мубораклари, вазъи шарифлари инсонлар тарбиясига банд бўларди. Не учунким, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ул зотта илми зоҳирни мағлуб қилган, илми ботин эса у зотнинг кирдорлари бўлиб, инсонлар кўзига бандачилик суратида кўринарди. Махфий қолмасинким, «эй азиз», деб бошланадиган сўзлар Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг ўз асҳобларига буйруқлари эди.

Мавлоно Лутфуллоҳ уламолар ва амирларга ҳақиқатни дариғ тутмасдан Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмай ваъзу насиҳат қилар эдилар. Назм:

*Ҳар ки тарсид аз ҳақ бо тақви гузид,*
*Тарсад аз вай жинну инсу ҳар ки дид.*

Мазмуни:

*Худодин қўрқса ҳар ким тақво қилур,*
*Ундан эса жину инс қўрқади (154б).*

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ буюрардиларки, ейиш-ичишда ҳамма вақт бетакаллуф бўлиб, риёдан холи бўлган амал билан тановул этилсин.

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ нинг муборак суҳбатлари шундай хосиятли эдики, ҳар қандай инсон мажлисларига кирса, дилдаги кудуратлари кетиб, қоронғуликдан ёруғликка чиқиб, дилларида фараҳлик ҳосил бўлиб, касали тузалиб кетарди.

Назм:

*Онки асрори ҳақойиқ ба жаҳон огоҳ аст,*
*Қутби арбоби яқин Мавлавий Лутфуллоҳ аст*

Мазмуни:

*Асрори ҳақиқатдин жаҳон огоҳдур,*
*Қутби арбоби яқин Мавлавий Лутфуллоҳдур (155а-155б).*

Мавлоно Лутфуллоҳ аср намозидан сўнг «Набаъ» сурасини ўқитар эдилар, ундан кейин Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қуйидаги ҳадисини таълим берардилар. Ҳадис: «Мен ҳар куни етмиш марта истиғфор айтаман».

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) айтган эканларки: «Агар дилларингни Аллоҳга яқин қиламан ва гуноҳдан пок бўламан десанглар, ҳар куни намози асрдан кейин етмиш бордан то юз мартабагача истиғфор айтинглар». Мавлоно Лутфуллоҳ бу истиғфорларни айтгандан сўнг *Қозиюлҳожот* даргоҳига муножот қилардилар. Жамиятни ҳам шундан огоҳ қилардилар. Шомдан кейин эса «Фалақ» сурасини жаҳрий ўқитардилар ҳамда машойихи хожагоннинг руҳи покларини эслаб, то хуфтонга қадар уларнинг хотирларига таважжуҳ қилардилар (155б).

Хуфтон намозидан кейин «Мулк» сурасини хатм қилиб, хожагон сулуки улуғлари, тариқат пирларининг амалларини қилиб, ул зотларнинг руҳларига такя қилган ҳолда такбир айтиб, суҳбат бошлардилар.

Нақл қилибдурларким, аҳли суҳбатлар ва мулозиму хизматда бўлганларни кечаси дам олишга рухсат қилиб, чироқни пастлатиб, ўзлари ва ул зотга кўнгил берганлар билан қиблага қараб намозда қандай ўтирган бўлсалар, шу тартибда ўтириб: «Эй Парвардигорим, ғофиллар уйқусидан паноҳ бергин», —деб дуода бўлардилар.

Мавлоно Лутфуллоҳнинг суҳбати шарифлари шундай эдики, солики илмлар бир оз суҳбатларида бўлсалар, ул зотнинг нисбати шарифларидан ишқу муҳаббатлари авж олиб, вужудлари куйган ҳолда ажойиб ҳолатлар рўй берарди ҳамда баҳравар бўлардилар. Аммо аксар беодоб, кеккайганлар бу хосиятдан маҳрум бўлиб қолардилар.

# ҲАЗРАТ МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲНИНГ ТОЛИБИ ИЛМЛАР ВА СОЛИКЛАРГА КОБУЛ ВИЛОЯТИДАН ЮБОРГАН ХАТИ

*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм*

Диний ва яқиний бародарларим Мавлоно Боқи ва Мирак Мансур, Мавлоно Соликий, Мирзо Шоди, бу фақирнинг саломy дуоларини қабул қилғайсиз. Ундан сўнг арз шуки, бу фақир Мавлоно Боқининг уйида айтган эдимки,

Байт:

*Биё то гул барафшониму май дар соғар андозим,*
*Фалакро сақф бишкофиму тарҳи дигар андозим.*
*Агар ғам лашкар ангизад ки хуни ошиқон резад,*
*Мани соқи баҳам созим бунёдаш бар андозем.*

Мазмуни:

*Кел, то гулдин бўйу соғардин май таъмин олайлик,*
*Паноҳ айлаб фалакни, ўзга бир андоза олайлик.*
*Агар ғам лашкар монанд, ишқдин қанча тўкса қон,*
*Ўшал соқий май ичурса, ул ишқдин андоза олайлик.*

Шундан сўнг Мавлоно Зуннун ва Мавлоно Зоҳидга қараб: «Сиз, ёронлар суҳбат қуришга ижозат олиш учун Ҳақ таолонинг изни ила имтиҳон қилинган эдингиз, аммо имтиҳондан ўта олмадингизлар», — дейилган эди. Мавлоно Сайийидий ҳам бир неча бор имтиҳон қилинди ва у имтиҳондан зўрға ўтган эди. Энди унга рухсат берилдики, Аллоҳ йўлидаги соликлар ва соликларга суҳбатлар ўтказсин. Ёронларнинг барчаси унга мадад берсин, зеро сизлар унинг масъулиятини ўз зиммаларингизга олган эдинглар. Яқинда кибор машойихлар натижаси жаноб Хожа Исҳоқ, Мавлоно Зуннун келдилар. Уларнинг айтишларича, Мавлоно Зоҳид: «Фақир минг тангага яқин маблағни қарз олиб, халққа ош тарқатган эдим ва уларни ўзимга қаратган эдим. Ҳолбуки, ижозати суҳбат Мавлоно Сайийидийга берилиб, менга берилмас экан, халқ мендан юз ўгиради ва мен қарздор бўлиб

қоламан» — деб юрган эмиш. Имтиҳондан ўта олмагани ҳақида қайғурмай, унга тайёргарлик кўрмай, бундай гапларни гапиргани мени ажаблантирмоқда.

Биз Мавлоно Фатҳуллоҳни Мавлоно Саййидийга мададкор ва муовин қилиб, Тошканддан Туркистонга кетдик. Туркистон сафаридан Тошкандга қайтар эканмиз, бизнинг гапимиз шундай бўлади: «Ҳар ким биз фақирнинг муриди бўлса, Зоҳид билан асло ошнолик қилмасин. У энди суҳбатимиздан маҳрумдир. Зеро, тоифаи алия ва машойихи суфия орасида муқаррардуркум, беадабни суҳбат ва нисбатдан маҳрум қиларлар. Хожа Ҳофиз Шерозий айтадилар:

*Ҳофизо, илму адаб варзки дар мажлиси хос,*
*Ҳар киро нест адаб, лоиқи суҳбат набувад.*

Мазмуни:

*Ҳофизо илму адаб ўрганки, улуғлар мажлисида*
*Одоби бўлмаса суҳбатга лойиқ кўрилмайдир.*

Раису-л-орифин Румий «Маснавийи маънавий»ларида буюрибдурларким:

*Аз худо хоҳим тавфиқи адаб,*
*Беадаб маҳрум гашт аз лутфи раб.*
*Беадаб танҳо на худро дошт бад,*
*Балки оташ дар ҳама офоқ зад.*

Мазмуни:

*Худодин тилармиз адаб тавфиқини,*
*Одобсиз маҳрумдир илоҳ лутфидин.*
*Одобсиз фақат ўзинигина бадном қилмас,*
*Балки шуъласидан куйдирар бутун дунёни.*

Яъни шайх ноқис бўлса, акобири тариқат олдида ва машойихи тариқат йўлида муқаррардуркум, беадаб саналур. Муриднинг одоби шуки, муршид нима деса ўшанга эътиқод қилиши керак. Назм:

*Ончи ў гўфт гўфтаи ҳақ дон,*
*Ончи ў карда роз, мутлақ дон.*

Мазмуни:

*Ҳарна айтса, айтганин ҳақдин бил,*
*Ҳар не сир айтса, ҳақиқат бил.*

Рубоий:

*Беадаб мард кай шавад меҳтар,*
*Гарчи ўро жалолат сабабаст.*
*Боадаб бош, то бузрук шави,*
*Ки бузруки натижаи адабаст.*

Мазмуни:

*Одобсиз бўлолмас бу йўлда меҳтар*
*Гарчи ярқираса ҳам вужуди.*
*Одобли бўл улуғ бўлай десанг гар,*
*Одобдан етилгай муршид улуғи.*

Билингким, саодатнинг асоси ва кароматнинг манбаси одобдир. Одоб игнасисиз ҳеч бир камолот либоси тикилмагай ва одоб ёғисиз ҳеч бир иқбол чироғи ёнмагай. Одобсиз киши дунёда ҳеч бир мансабга эришмагай, сафолик суфасида ўтирмагай. Тасаввуф — барчаси адабдур. Ҳеч бир солик одобсиз кибриё сарҳадларига йўл топмагай. Байт:

*Сад ҳазорон имтиҳонаст, эй писар,*
*Ҳарки гўяд ман шудам сарҳанги дар.*
*Саркашида ў, ки ман соҳиб дилам,*
*Ҳожати ғайр надорам восилам.*

Мазмуни:

Йўлда бор юз минг синов , эй ўғил. Ким ўзини улуғ деб билса ва бошқага ҳожатим йўқ деса, Аллоҳ висолига эришдим, соҳибдилман деса, у исёнкор, яъни гуноҳкордир.

Бас, ҳар бир муридким, ўз ниринин ҳурматини сақламаса ва билмаса, худбинлик қилиб нафс-ҳаво учун мурид бўлган бўлса, ўзини шайх ҳисобласа, ўзига ситамгардир ва золимдир.

Назм:

*Кори поконро қиёс аз худ магир,*
*Зонки монад дар навештан ширу шер.*

Мазмуни:

*Покдоманлар ишини ўзингникидек деб билмагин*
*Шер ва шир (сут) сўзлари ҳам бир хил ёзилади.*

Аллоҳ таборак ва таоло шундай марҳамат қилади: «Аллоҳ золимларни ҳидоятга бошламайдур. Айтинг уларгаки, амалда зарарни кўп орттирувчилар бу дунёда адашган бўлатуриб

ўзларини моҳир ва уста билувчилардилар. Кимки Раҳмон зикридан юз ўгирса, унга шайтонни шерик қилиб қўюрмиз. Зикримдан воз кечувчиларни бу дунёда танг ҳолатга солиб, охиратда кўр ҳолда тирилтирурмиз. У нега очиқ кўзимни кўр қилдинг, деб сўраса, биз оятларим сенга келганда уларни эсдан чиқардинг, биз ҳам сени унутдик, деймиз».

Гарчи уни ҳақиқат йўлидаги соликларнинг мақомотлари ниҳоясига етказсалар ҳам, у ўзини фоний қилиб, ўз пири нисбатида маҳв бўлиши керак ва нафақат пир, балки Ҳазрати Раҳмон ҳузурида маҳв қилиши, мис вужудини зарга айлантириши лозим»..

Доно инсоннинг камоли шунда билинадики, ҳар бир нарсада Аллоҳни кўради. Жаноби қутбу-л-орифин ва қудвату-л- восилин Хожаи Бузург шундай дер эдилар: «Солик аввал ёронларнинг суҳбатларида бўлиши керак. Бизнинг суҳбатларимизни тушунишга қобилият пайдо бўлгандан кейингина бизнинг мулозаматимизга келсин».

Эй, бирадарлар ва, эй мусулмонлар, Аллоҳ улуғ йўлдан ажратмай насибалик қилсинки, пир билан муридлик осон бўлмагай. На иккиюзламачининг, на қабиҳнинг ва на жоҳилнинг ишидир бу. Улар имтиҳон ичра эканликларидан ва куфру имондан хабарлари йўқ. Ҳазрати Шамс Табризий, алайҳи-р-раҳма, бу борада қандай ўринли айтганлар:

Назм:

*Ту нақши нақшбандонро чи дони,*
*Ту шакл пайкари, жонро чи дони.*

*Сулаймон накарди дар раҳи ишқ,*
*Забони жумла мурғонро чи дони.*

*Дарахти сабз донад қадри борон,*
*Ту хушки, қадри боронро чи дони.*

*Чу шайтон раҳзани дини ту гаштаст,*
*Ту худ гў, дину имонро чи дони.*

*Ту худ менашнави бонги дилро,*
*Рамузи сирри пинҳонро чи дони.*

*Туро аз кофи куфр худ хабар нест,*
*Ҳақойиқҳойи иймонро чи дони.*

*Мапар, эй зоғ, бо бозони маъни,*
*Ту чуғзи, бозии султонро чи дони.*

*Ту номи кардаи ину ва онро,*
*Азин биғузаштаи онро чи дони.*
*Тажалли кард нури Шамси Табрез,*
*Ту деви, нури иймонро чи дони. (161[а-б])*

Мазмуни:
*Нақшбандларнинг нақшини сен қайдан билардинг,*
*Суратпарастсан, жон маъносини қайдан билардинг.*

*Ишқ мулкида Сулаймон эмассан,*
*Дил қушларининг тилини қайдан билардинг.*

*Яшил дарахт билгай ёғин қадрини,*
*Сен қуруқ шохсан, ёмғир қадрин қайдан билардинг.*

*Шайтон сенинг динингни ўғирлаган,*
*Ўзинг айт, дин-имонни қайдан билардинг.*

*Эшитмассан қалбинг даъватин,*
*Пинҳон олам сирин қайдан билардинг.*

*Ўзингда куфр кофидин хабар йўқ,*
*Иймон ҳақиқатин қайдан билардинг.*

*Эй зоғ, учма маъно лочинлари билан*
*Сен бойқушсан, султон лочинини қайдан билардинг.*

*Сен ул-булни машҳур санадинг.*
*Бундан ўтган Уни қайдан билардинг.*

*Тажаллий қилди нури Шамси Табрезнинг,*
*Ўзинг девсан, нури иймонни қайдан билардинг.*

Пири дастгиримиздан эшитганим: Назм.
*Сайр омадан зи хештан мебояд,*
*Бар хостан забону тан мебояд.*
*Дар ҳар коме ҳазор банд афзунаст,*
*Зон карамрав карам шикан мебояд* (161[б]).

Мазмуни:

*Сайр этиб ўзингни излагин,*
*Дилдан-да тилдан-да юқори бўйлагин.*
*Ҳар қадамда минглаб тугунлар боғлиқ,*
*Карамидин умидворлик айлагин.*

Шайхнинг «шин»и ширу шакар ва шаҳду ширин кўринади, унинг охирги ҳарфи «хе»дан хушвақтлик ва хуррамлик ҳосил бўлади. Билки, бу икки ҳарф ўртасида иллат бор. Ундан иллатлар, аломатлар, балолар ва офатлар ҳосил бўлиб, шайху ошиққа ружуъда бўлади ва халқ қабули эса ўтга ташланган темир ҳолатида бўлади. Ошиқи содиқ ва шайхи тариқат Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тарафидан ҳукми иноятини кутиб, ёлғиз Вожиб ал-вужудга дилу нияти билан ўзини барқарор этиши керак...Бирлари ўзини *«қутбу-л-ақтоб»* санаса ва бири *«қудвайи асҳоб»* санаб, ўзининг оқибатидан хабарсиз, бу улуғ номдан мағрурланиб, халқни алдаса, оқибат улар боши берк хатарли йўлга кириб қоладилар. Уларнинг оқибати мубҳам ва ақл бу андишада музтар. Халқнинг мақтовига мағрур бўлманглар, оқибати хатарлидур, пардайи ғайбдан нима ҳосил бўлур ва тун нимани келтирур, номаълумдир. Байт:

*Ҳар шаб з ду дийдагони ман хун ояд,*
*К-аз пардаи ғайб то чи берун ояд* (162б).

Мазмуни:

*Ғайб пардасидан нима кўринар деб,*
*Бедорликдан ҳар кеча кўзларимга қон келур.*

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ҳадиси шарифларидан: *«Банда ўзини мағрибдан машриққача мағрурлик билан шуҳратини ошкор қилган бўлса ҳам, Парвардигор қошида ҳеч иззат ва ҳурмат топмагайдир. Аллоҳ таоло наздида бир пашшача қадри қиммати бўлмагай. Аҳли шуҳратнинг мақсади шайтон мақсади билан тенгдир. Агар шуҳрат халқ учун бўладиган бўлса, ул бир тош ҳисобланади, аммо асли муътабарлик диннинг саломатлиги учун бўлиб, хотимаси имон билан бўлса, Аллоҳ уни барча макрлардан саломат сақлагай».* Нечукким, орифи раббоний Шайх Умар Боғистоний ўз фарзанди аржумандлари Шайх Ховандтаҳурга (Аллоҳ қабрларини пурнур этсин) шундай деб васият қилган эдилар: *«Шайх машав, мулло машав, мусулмон шав!»*

*Ушбу фардни ҳам айтгандилар:*
*Сўфию фақиҳу олиму донишманд,*
*Ин жумла шуди вале мусулмон нашуди.*

Мазмуни:

*Сўфию фақиҳу олиму донишманд*
*Жумласидин бўлдинг, аммо мусулмон бўлмадинг.*

Эй, Парвардигорим, менинг ўз ғафурлигинг билан сурури санодаги мағрурликларимни кечириб, сарсонлик кўчасига солмагайсан ва қилган ибодатига қувониб ўз нафси учун кибру ҳавода бўлганлардан қилмагайсан, омин ва рабби-л-оламин.

Билгил, эй азиз, Ҳазрати вожиб таоло ризолигига арбоби камолот ва азҳоби ҳолот шундай демишлар: «Тарки адаб қилган ва уни эътиборда тутмаган шунга ўхшайдики, иблиси лаъин тўққиз юз йил еру осмонда қилган ибодати бир маротаба Аллоҳга беадаблиги туфайли барбод бўлди». Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло шундай беадаблик шарридан ўз паноҳида сақласин. Байт:

*Нигаҳ дор адаб дар тариқи ишқи ниёз,*
*Ки гуфтаанд тариқат томоми адабаст.*

Мазмуни:

*Ишқ йўлида сақлангин беадабликдин,*
*Улуғлар айтмишлар: «тариқат - барча адабдур»* (164б-165а).

Чунончи, китоби «Равзат ас-соликин»да Мавлоно Алоуддин Валиюллоҳ алайҳи-р-раҳманинг ходимларидан бири шундай нақл қилади: «Бир шайх бор эди, муридлари жуда кўп эди. Муридлари туфайли номи машҳур эди. Аслида шайх комил эмас эди. Ўзини шайх деб улуғлаганлардан эди. Бир куни ҳазрат пиримнинг мулозаматларида ўтирганимда ул зот ҳалиги шайхни эслаб қолдилар ва оҳ тортиб: «Бу шайх қиёматда бунча муридларнинг жавобини қандай бера олар экан» — дедилар. Мен бу гапдан иккита хулосага келдим. Бири шуки, у шайх ноқис экан, иккинчиси ҳар бир шайх ўз муридлари учун қиёматда жавоб берар экан. Шунинг учун солиҳ шайхларга вожиб шулки, мурид олишда кўп ғайрат қилмасинлар ва густоҳликка йўл қўймасинларким, охиратда саломат қолгайлар.

Баъзи кубаройи тариқат ва аҳли ҳақиқат улуғлари *разиёллоҳу анҳум* ўзларини шайх санаган ноқисларни сурувни тўғри

кушхонага бошлаётган такага ўхшатадилар. Барча соликларга вожибдурким (Аллоҳ тавфиқларини зиёда қилсин), агар шайхга иродат қўлини бермоқчи бўлсалар шундай зотларга берсинларки, уларда валийлик аломатлари бўлсин. Ноқис шайхларнинг суҳбатларига ва бефойда ҳикоятларига мафтун бўлиб, ўз динларини поймол қилмасинлар» (169б).

Дуо: Илоҳо, бизни ўша сохта шайхлар ва баттолларнинг касофатидан сақлагин, аввалу охирлар афзали Муҳаммад алайҳиссалом ҳурмати» (169б).

Махфий қолмасинким, Мавлоно Лутфуллоҳ неча марта Байтуллоҳни тавоф қилиш ва Набиюллоҳнинг (с.а.в.) равзаи мутаҳаррасини зиёрат этишга тараддудланган эдилар. Бир неча марта сафарга чиқишга қасд қилиб, йўл ҳозирлигини кўрдилар. Аммо замонанинг монелиги ва даврнинг ҳодисалари оқибатида йўлга чиқа олмадилар. Охирги марта Кобул вилоятигача бордилар ва яна қайтишга мажбур бўлдилар. Хулласи калом, ана шу сафар чоғида ул зот ўзларининг машҳур насиҳатномаларини битиб, Кобулдан Тошканд ва Фарғонага юбордилар. Ушбу насиҳатномани китобимизнинг зийнати сифатида келтириб ўтамиз (170а).

# ҲАЗРАТ МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲНИНГ ТОЛИБИ ИЛМЛАР ВА СОЛИКЛАРГА КОБУЛ ВИЛОЯТИДАН ЮБОРГАН НАСИҲАТНОМАСИ (170[а])

Пок Парвардигор номи билан. Унга ҳамду санолар бўлсин. Унга юзланган барча соликлар, содиқлар, ва орифларга, Уни излаётган ошиқлар ҳамда муштоқларга Қодири қадим ва Хотири ҳакимнинг саломлари бўлсин. У юборган элчиларнинг саййиди (с.а.в.) ва унинг аҳли оиласи, муаззам саҳобалари, мукаррам машойихларининг барчасига Ҳазрати Кариму Ваҳҳоб ва Раҳмону Таввобнинг саловат ва дурудлари ёғилсин.

Рубоий:

*Сарриштаи давлат, эй бародар, ба каф ор,*
*В-ин умри кироми ба хисорат магузор.*
*Доим ҳама жо ба ҳама кас дар ҳама ҳол,*
*Медор нахуфтаи чашми дил жониби ёр.*

Яъни:

*Давлатинг қушини, эй бародар, қўлга ол,*
*Бу азиз умрингни беҳуда сен этма завол.*
*Ҳар ким билан, ҳар қайда бўлма,туну кун,*
*Яширин қалбинг кўзин доимо Ёр сари сол.*

Диний ёронлар ва ҳақиқий дўстлар сараси, хусусан, Шайх Зуннуннинг равшан замирларига маълум ва аён бўлсинким, бу заифи фақир ва бечораи ҳақир Жаноби *алайҳи-р-раҳма*, иршод ва ҳидоят маснадининг садри ва ҳақиқат дарёсининг ғаввоси, тариқат биёбонининг сайёҳи, рабубият жазбасидан куйиб кул бўлган сўхтаси ва каромат мамлакатининг подшоси, Ҳидоят манбаъи, сирлар оламининг кашшофи, ягонаи жаҳон, пешвои замон, раббоний сифатларнинг мазҳари (кўриниши), Субҳоний ахлоқнинг мавриди, Ҳазрати Илоҳнинг суюклиси ва мақбули даргоҳ, Аллоҳ таоло файзининг воситаси, *қутбу-л-машойих, алайҳирраҳма ва-р-ризвон*га мушарраф бўлиб, ул зотнинг кимё асарли назаридан баҳраманд бўлиб, қавлу феълларидан ушбуни уқиб, маълум қиламан .

Ошиқ ва содиқ муридлар! Аслан ва қатъан нопок йўл ва

феъли бад кирдору гуфторлардан ўзларини сақласинлар. Борлиқ вужудлари талаб қилган барча нарсаларни орадан кўтарсинлар. Борлиқларини пири комил фаносида маҳв этсинлар. Шариат қонуни уламолари ва тариқат аҳли азизлари равияларини маҳкам тутсинлар. Бу тоифанинг суханларини фосид қилмасинлар ва билсинларки, агар бул зотларнинг таъвилотларини фосид қилишга берилсалар, албатта, гумроҳ бўлиб, залолатга қоладилар. Шу жиҳатданким, бундайларнинг иши риёли ва танлаган йўлининг табиатига ҳам номутаносиб, шариатга ҳам ва тариқатнинг қонунларига ҳам номувофиқдир, балки кашф ва каромат иддаосидандир. Чунки унинг ибтидоси фосидлик бўлса, ниҳояси ҳам гумроҳлик бўлиб, халқни ҳам гумроҳ этгай.

Ҳар кимки, ўз равиясини пири муршиди комил рафтори ва гуфторига тўғрилаб, сидқ ва ихлос билан йўлга қўйса, ул зотга зоҳиран ва ҳам ботинан бўйсунишни ўзига шиор қилса, охир пешво бўлур ва Ҳақ йўли соликларига ҳодий бўлур, офатлар ва залолатдан ҳифзу ҳимоятда бўлур. Ҳол арбоблари ва Мақомот асҳоблари (Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин) айтадилар: «Ҳар ким такаллуф билан ўзига оро берса ва ўзида бўлмаган фазилатларни кўрсатишга ҳаракат қилса, яъни ўзини ҳол ва маърифат соҳиби қилиб кўрсатиб, халқни ўзига ром қилса, Ҳазрати Самадият иноятидан маҳрум бўлур, шу маънодаким, унга ҳеч қачон ҳол ва мақом насиб этмагай».

Нафсимизнинг шарридан ва гуноҳли аъмоллардан Аллоҳ асрасин.

Ҳушёр бўлинсин, эй биродарлар, бепарволик шамоли минг хирмон ибодатдан ярим арпачалик ҳам қолдирмайди.

Тариқат улуғлари буюрадиларким, зинҳор ва минг-минг зинҳор нафсларинг пастдан баландга кўтараман деса, таслим бўлманглар, бошларингни пир этагидан юқори кўтарманглар. Пири муршиди тариқат Шайх Фаридуддин Аттор айтибдурлар:

*Чун азин дар давлатам шуд ошкор,*
*Токи жон дорам маро инаст кор.*

Мазмуни:

*Чунки шундан давлатим бўлди обод,*
*Танда жоним бор экан, шунданман шод.*

Билгинки, маърифат орифларнинг солиҳ изланиши асосида ҳосил бўлади ва агар солиҳлик бўлмаса, маърифат вужудга

келмайди. Чунончи, уй бўлмаса, унга шифт қилиб бўлмайди ва ёки шифти бўлмаса у уй ҳисобланмайди.

Билгинки, Каломи мажидни хатм қилмоқ, Қуръон аҳкомларига барқарор бўлмоқ, Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) ахлоқига иқтидо қилмоқ, яъни ул зотнинг эътиқоди, феъллари, ва сўзларига пайравлик қилмоқ саодат ва маърифат калитидир. Иқтидо қилиш, бу нафақат ибодатда, балки барча одатлар, жумладан, ўтириш-туришда, гапиришда, бориш-келишда Онҳазратимизга эргашишдир. Аҳли ҳақиқат ва аҳли тариқат азим уламолари буюрадиларким, бу йўлнинг шартларидан бири одобдир. Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.)шундай деганлар: «тариқат одобдан иборатдур, ҳар вақтнинг ва ҳар жойнинг одоби бор, ҳар ким вақт, ҳолат ва мақом одобларига риоя қилса, соҳибкамолот эранлардан бўлғай. Кимки одобга риоя қилмаса, Аллоҳ таолодан узоқлашгай».

Фард:

*Наздиконро беш бувад ҳайрони,*
*Ки эшон донанд сиёсати султони.*

Мазмуни:

*Яқинларда кўпаяди ҳайронлик,*
*Ким, уларга яхши маълумдир султоннинг сиёсати.*

Агар қалб ҳузурига эришаман десалар, сукут, ором ва қарорни ўзларига лозим тутсинлар, зероки, Мавлоно Румий айтганларидек:

*Ончи бар ту ояд аз зулумоти ғам,*
*Он зи нопокию густохист.*

Мазмуни:

*Бошингга ёғилган ғамнинг зулмати*
*Билгинки, нопоклик ва густоҳлигингдандир.*

Шайх Абулфайз Зуннун Мисрийдан сўрадилар: «Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло муҳаббатининг маъниси недур?» Ҳазрати шайх жавоб бердилар: «*Муҳаббатуллоҳ* улдирким, Аллоҳ таоло ҳар бир нарса, ҳар бир иш, ҳар бир инсонни дўст тутади ва севади. Дўст ҳам уни севиши керак. Аллоҳ таоло кимни, нимани ва нима ишни душман деб билса ва ёмон кўрса, ўшани душман деб билиш керак ва ёмон кўриш керак».

Сени нимаики тоатдан, муҳаббатдан, Ҳазрат *азза ва жалла*

маърифатидан чалғитса, уни тарк қил. Бошингга не келса ҳам маломат ва бадгўйлардан хавотирланма ва қўрқма, барча мўминларга меҳрибон бўл, уларга шариатга хилоф равишда қўл ва тилинг билан озор берма. Аммо кофирларга, бадкирдорларга ва бидъатчиларга беаёв бўл, улар билан улфат бўлма.

Динда, эътиқодда ва амалда Ҳазрат Расуллулоҳга (с.а.в.) эргаш. Ҳақ таоло ва таборак муҳаббатининг ҳақиқати шулдир.

Тариқат улуғлари айтадилар: «Тавбанинг аломати ва асари шундаки, пири комилнинг ризолигига хилоф бўлган иш ҳақида ўйламаслик, уни кўрмаслик, қўлга олмаслик, унинг орқасидан бормасликдир. Шунингдек, ўтган гуноҳ ишларига пушаймонлик, бундан сўнг то баданида жон бор экан, ўзининг ёқимсиз ишларини такрорламасликка қасд қилиш, фурсатни ғанимат билиб, қолган умрини эътиқод ва истиғфорда ўтказишдир». Билгинки, пир фармонига хилофлик қилиб, пушаймон бўлиб, яна қайтиб келиб тавба қилган киши энди доим муршиднинг ҳайбати, жалолияти ва азамати, балки ҳилмини аниқ билсинки, айтадилар:

*Ҳукми Ҳақ бо ту мувосоҳо кунад,*
*Чун, ки аз ҳад бигузари расво кунад.*

Мазмуни:

*Ҳукми Ҳақдур, мададкордур бесўров,*
*Ҳаддан ошсанг, расво қилур беаёв.*

Агар у пир томонидан қабул қилинганининг маънисини чуқур идрок этса, кўнглида қўрқув, тани титроқ, кўзи нам бўлади. Ўзининг бечора-номуродлигини сезиб, пир хизматини азим давлат билиб, унинг шукрини ўрнига қўяди. Мурид шундай бўлиши керак ва ўзининг сифати деб шуни билиши керакки, пирининг нурли қиёфаси унинг ботинида тажаллий қилсин ва тариқат ишларида ниёзмандлик ила тадорик кўрсин.

Баъзи машойих шундай демишлар: «Тариқатда фақр барча яхшиликлар ва илмлар калитидир». Орифлар султони дебдурлар: «Аллоҳ таоло: «Агар менга яқинлашмоқчи бўлсанг, мендан бошқани кўнглингдан чиқар». Бу фақр сифатидир. Тилида тавба қилиб, дилида гуноҳга машғул бўлган бебахтлардан Худо сақласин. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтибдурлар: «тавба-истиғфор айтиб яна гуноҳ қилувчи одам Парвардигорини масхара қилувчи кабидир».

Илоҳо, биз бечораларнинг қибласи Сенинг фазлинг айвонидур, биз осийларнинг қўрқуви Сенинг адл мезонингдан қолишдир. Лутфу иноятинг билан карам қилсанг, юз минг вайрон дилни обод этурсан, ҳидоятингнинг биргина шуъласи билан юз минг қоронғу қалбни пурнур қилурсан.

Рубоий:

*Аз лутфи ту ҳеч банда навмид нашуд,*
*Мақбули ту жуз муқбили жовед нашуд.*
*Лутфат ба кадом зарра пайваст дами,*
*Ки зарраи хуршид беҳ аз он нашуд.*

Мазмуни:

*Лутфу караминггдан ҳеч банда ноумид эмас,*
*Абадий саодатдан бошқаси сенга мақбул эмас.*
*Лутфинг зарраси кимга тушса салгина,*
*Офтобнинг нуридан ҳам кучли бўлди ярқираши.*

Рубоий:

*Ё раб, бираҳони зи журмон чи шавад,*
*Роҳе бидеҳи ба кўйи урфон чи шавад.*
*Сад кибрки аз карам мусулмон карди,*
*Як кибри дигар мусулмон куни чи шавад.*

Мазмуни:

*Ё раб, гуноҳлардан қутқазсанг не бўлур,*
*Ирфон йўлига бошқарсанг не бўлур.*
*Бир карам бирла юз кибрлини мусулмон қилдинг,*
*Яна бир кибрлини мусулмон қилсанг, не бўлур.*

Вассалом ва-л-икром, таммат ал-мактуб.

Илоҳо, азобингдан авфинг билан, ғазабингдан ризолигинг билан, Ўзингдан Ўзингга суяниб паноҳ тилаймиз.

Ҳар ким бу суханларнинг қадрини билиб ва бу шартларга Маъбуди мутлақ жалла шаъняҳунинг тавфиқи ила риоя қилса, Аллоҳ таолога муҳаббат боғлагай ва Ундан бошқасини кўнглидан бегона қилгай.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло жамиъи муслимларни ўзидан узоқлаштирадиган сабаблардан узоқ қилсин, фазлу карами соясида бўлмоғини насиб ва рўзи этсин, омин, ё раббалоламин. (170а-174б).

# МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲНИНГ МАҚОМОТЛАРИ, КАРОМАТЛАРИ ВА ХАВОРИҚУ-Л-ОДАТЛАРИДАН БАЪЗИЛАРИНИНГ БАЁНИ (176[а]-279[а])

Ақоид таржимони, имоми зоҳид, шайх Абулқосим Самарқандий ўз таржималарида айтибдурларки, авлиёларнинг кароматлари пайғамбарларнинг мўъжизалари кабидур. Билингким, афъол ва ақволи соҳиби кароматлар Ҳазрати Рисолатпаноҳ (с.а.в.) йўлларига мувофиқ бўлса, каромати авлиё ҳақдур ва унга мункир бўлганлар Пайғамбар мўъжизаларига мункир бўлган билан баробардур. Шайх Абу Саъид Харроз бу маънида айтибдурларки, ҳар бир дил мухолифи забон бўлса, ҳар бир ботин мухолифи зоҳир бўлса, унинг кирдори ботил бўлгай. Каромат авлиёуллоҳдан зоҳир бўлса, ул Ҳазрат (с.а.в.) суннатларига таянганлиги сабабидан зоҳир бўлгай. Аммо билингки, пайғамбар мўъжизалари ва авлиё каромати ўртасидаги фарқ шулдирки, унинг иродаси Жаноб вожиб таоло ва Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) иродаларида бўлса, бу кароматга хушнуд бўлинадур, аммо унинг иродаси пайғамбар суннатида бўлмаса ва Парвардигор иродасида бўлмаса, бу каромат ғамнок қилиб, уни истидрож дейдилар. Бу ҳақда шайх Нажмиддин Умар Насафий буюрадиларким, мўъжиза Набий (с.а.в.) ҳаққи бўлиб, авлиёга имтиҳондир. Амир Ҳусайн буюрибдурларким, банда Аллоҳ иноят қилмагунча каромат қила олмайди. Мавлоно Жалолиддин Румий марҳамат қиладирларким, каромат авлиёуллоҳларга Аллоҳ тарафидан ваҳийдур. Агар каромат қилишдан мурод ўз нафси учун изҳор этиш бўлса, бу кароматлар ва ибодатлари ўзига уқубат бўлиб, тоати гуноҳга айланиб, машойихи тариқат йўлидан бегона бўладур.

Тариқат шайхлари буюрадиларки, мўъжизот пайғамбарларга хос бўлиб, авлиёуллоҳларга вожиб шулдирки, ўзларининг валий эканликларини сир тутишлари, солики содиқлар эса, каромат талаб қилмай, ул зотлар йўлларида Аллоҳнинг нури ҳидоятинигина қалбига жойлаб, унинг хизматини каромат ва *хавориқу-л-одоб,* деб эътиқод қиладур. Аммо суннати машойих шулки, ўтган машойихларнинг кароматлари ва хавориқу-л-

одобларини ёзган ҳолда баҳра топадирлар. Мен фақир салафларга мувофиқлик йўлида, ул зотларнинг баъзи хориқ ул одатларидан баҳра олишни ақидайи муҳаббат фаҳмлаб, уларнинг эътиқодлари қалбимда мустаҳкам бўлсин деб шу умидда ёзадирман.

Жаноб саодатмаоб жомиъил фазойил Мирфозил Али Кандибодомий Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг хулафоларидан эди. Ул зот айтдилар: «Мен Ҳазрати Мавлонога муридлигим сабаби шул эдики, Ҳазрати Мавлоно Конибодомга ташриф қилган эдилар. Конибодом халқи бу зотнинг мулозимати шарифларига иштиёқи муҳаббат билан чиқиб келдилар ва ўз истеъдодлари савиясида фойдалар топдилар. Ҳамма бу зотни ўраб олди. Мен фақир халқ билан бирга ул жанобнинг мулозимати хизматларига мушарраф бўлдим. Аммо унчалик фойда зоҳир бўлмади.

Ҳазрати Мавлоно ўз ватани Ахсикентга борар бўлдилар. Халқ кузатишга чиқди. Мен фақир ҳам халқ билан бирга чиқдим. Сал юриб, орқага қайтаман деб ўйладим. Ҳазрат бир оз йўл юрилгандан сўнг халққа рухсат бердилар ва менга қараб: «Сиз ҳам ортга қайтинг», — дедилар. Мен: «Яна озгина юрай», — дедим. Конибодом халқи ҳам ул зотнинг орқаларидан қолмади. Сал юрилгач, яна: «Қайтинглар», — дедилар. Мен: «Яна озгина юрай», — дедим. Шундай бўлдики, мендан бошқа ҳеч ким қолмади. Ул жаноб муболаға қилиб мени қайтардилар. Уйга қайттач, касалланиб қолдим. Шунда, агар тузалсам, ул зотнинг мулозаматларига бориб мурид бўламан деб аҳд қилдим. Ўша пайтдан бошлаб соғая бошладим. Мен, демак, менинг касалим у кишининг таъсиридан бўлган экан-да, деган хаёл билан ҳазратнинг олдига боришдан воз кечдим. Аммо бирдан касалим янгиланиб, баттар бўла бошлади. Шунда ёронларнинг бирини топиб дардимни айтдим. У киши ҳазрат мулозаматига боришимни тайинлади. Мен отланиб йўлга тушдим. Йўлда бир мозор бор эди, кўпинча келиб шу ерда дуойи илтижода бўлардим. Мозорга етиб келгач, отимни боғлаб, мозор атрофида ўтирдим. Касалим яна хуруж қилди. Ҳазрати Мавлонога зорию тазарруъ қилдим. Соғайсам, албатта байъат қилишга аҳд қилдим. Шунда дард сусайди. Йўл юриб, ҳазратнинг мулозаматларига етиб келдим. Ходимларидан бири менинг келганимни билдирди ва ул зот ташқарига чиқдилар ва менга табассум қилиб: «Мир, қаерларда қолиб кетдингиз?» — дедилар.

Мисра:

*Онжо ки аён аст, че ҳожатаст ба баён.*
*(Аён бўлиб турган нарсани баён қилишга не ҳожат бор).*

Хуллас, ҳазратнинг амрларини кутиб уч кунча қолишга тўғри келди. Ёронлар ва дўстлар бепарво бўлмасдан, мени ҳазрат билан тезроқ суҳбатлашишга ундадилар. Эртаси куни бомдоддан сўнг Ҳазрати Мавлоно масжидда ҳақойиқ ва дақойиқ, маорифдан гапирдилар. Менга қараб айтдилар: «Нега Ҳазрати Хожагоннинг тариқати *«силсилату-з-заҳаб»* деб аталади, биласизми?» Мен ўзлари иноят қилсалар, деб одоб сақладим. Шунда айтдилар: «Нафосат жиҳатидандир. Иккинчи, шунданки, осмондан машойихлар учун ҳар жинсдан занжир осилган бўлиб, Ҳазрати Хожагон силсиласи учун қизил тилладан занжир туширилган, қаранг-чи», — дедилар. Қарасам, масжид шифтида қизил тиллодан бўлган занжир осилган. Занжирнинг учи ул зотнинг икки қоши ўртасида турибди. Ўрнимдан турдиму, таъзим қилиб ҳазратга қўл бердим, алҳамдулиллоҳ.

Байт:

*Авлиёро ба жаҳд натавон дид,*
*Магар эшон кунанд хешро падид.*

Мазмуни:

*Авлиёлар агар ўзларини ошкор қилмасалар ,*
*Қанча ҳаракат қилинса ҳам билиб бўлмас» (179[а]-179[б]).*

Мавлоно Саййид Тошкандий Ҳазрати Мавлононинг жазабалик хулафоларидан бўлиб, шундай нақл қилади: «Ҳазрати Мавлоно Тошкандга ташриф буюрдилар. Бир куни дам олаётганларида мен хизматда эдим. Дилимда ечилмай қолган мушкуллар бор эди. Айтишга чоғлансам, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ уйқуга борибдилар. Азизларнинг уйқу ва уйғоқликлари баробардур, мен ўз ҳожатимни қалбимда арз қилурман, деб хотирдан ўтказган ҳам эдимки, ҳазрат кўзларини очиб, менга бир қараб қўйдилар ва яна уйқуга кетдилар. Мен айтдимки, ҳар на мушкулим бўлса зоҳирда савол қилгунча ичимда арз қилганим афзалдур, деб иккинчи мушкулни ҳам арз қилдим. Ул зот яна кўзларини очиб қараб қўйдилар-да, яна уйқуга кетдилар. Мен шу тариқа уч марта арзи ҳол қилдим. Шундан кейин бу тоифага бўлган ихлосу ақидам камолга етди (179[б]-180[а]).

Доимо кўзни юмиб дилни бедор тутган зотлардан ғофил бўлмангким, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уларнинг зоҳирини пардада тутиб ботинини уйғоқ қилгандур. Шунинг учун ҳам очиқ кўзлик, аммо ботини кўр бўлган шахслар ботини очиқ ҳолатда бўлган Аллоҳнинг бандаларига зиддиятда бўлмасинлар.

Мавлоно Муҳаммад Шариф Самарқандий Мавлоно Лутфуллоҳнинг мулозиматида бўлиб, ул зотнинг ҳужрадори вазифасида эди. Ул зот шундай нақл қилдилар: «Мавлономиз Лутфуллоҳ Оҳангаронга ташриф буюриб, Минг-ёғоч деган мавзеъга, биродари тариқатлари Суфи Худойдод исмли зотнинг манзилларида бўлдилар. Ул зот Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга қирқ танга назр ажратган экан, дуойи фотиҳадан сўнг назр пулини чиқариб қўйди. Ҳазрат уни рўмолларига боғлаб, кечаси ёстиқ остига қўйдилар. Саҳар вақти таҳажжуд намозига турганда қарасалар, танга ўралган рўмол ғойиб бўлибди. Мен, ул зот хизматларидаги одам бўлганим учун, кўп хижолат ва андишада қолдим. Уни ким олганига ҳайрон ва ҳатто мендан гумонсирашларидан хавотирда эдим. Шу пайт ул зот менга қараб: «Бу фалон кишининг ишидир, пири Калон Мавлоно Хожаги Аҳмад вақтларида ҳам шундай ишни қилган эди», — дедилар. Таҳажжуд намозидан сўнг ҳазратнинг эски ёронларидан Мавлоно Аҳмад Сўфи Шукур ёронларга рўмолча ва пулнинг топилганини айтиб: «Мен воқеада кўрдимки, бир нуроний зот шу рўмолни тангаси билан ҳазратга берди. Ҳазрат уни қўйниларига солиб қўйдилар», — деди. Биз Мавлономизнинг мулозаматларига келгач, ҳол-аҳвол сўрадик. Ҳазрат ёнларидан пулни чиқариб айтдилар: «Ҳазрат Хожаи Бузург Баҳоу-л-ҳаққ ва-д-динга мутаважжиҳ бўлдик. Ул зот бизга рўмол ва тангаларни келтириб бердилар». Бу ҳолдан барчамизнинг мавлономизга бўлган эътиқодимиз ошди.

Эй биродари азиз, ажабланмаки, валийлик сарварлари ва ҳидоят тариқатининг пешволари ҳар бир ишга қодирдирлар» (181[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳнинг эски мухлиси ва содиқларидан бўлган Хожа Додгоҳий Карниёний айтади: «Бир кун сипоҳийлар менинг хонадонимга келдилар. Ўшал маҳал очарчилик вақтлари эди. Менинг оёғимга кишан уриб, озор бериб, уйга қамаб қўйдилар, устимдан қулфладилар. Одамлар бундан воқиф эдилар.

Кеч кирди, мен Ҳазрати Мавлонога таважжуҳ қилиб, зортазарруъ билан: «Дасттир бўлиш вақти етди, мадад бер», — дедим. Кўрдимки, эшик очилди ва Мавлоно Лутфуллоҳ пиримиз ҳозир бўлдилар ва: «Занжир! Ечил», — дедилар. Оёғимдаги кишанлар ўз-ўзидан ечилди ва мен озод бўлиб ташқарига чиқдим. У ерда ҳеч кимни кўрмадим, у ён бу ёнга мушоҳада қилдим, ҳеч бир кимса кўринмади. Бу ҳолдан пиримга бўлган камоли ихлосим янада зиёда бўлди (181[б])

Мен фақир роқим Муҳаммад Муфти, кечаси уйда дам олиш учун ётар бўлдим. Хонадонимдагилар тўшакни шундай солишган эканки, оёқ томоним пири бузрутимиз манзилгоҳлари томонга қараб қолган экан. Мен фақирнинг кўнглига ҳамма у кишига суянсаю, менинг бу ишим нима бўлар экан, деган гап келди. Ул зотнинг мулозимати шарифларига бориб, ёронлар қаторида турдим. Мени қайси тариқада талаб қиларкинлар, деб тафаккур қилдим. Шу пайт ул зот мени чақирдилар, мен эса чап оёғим билан кириб бордим. Ўтирганимдан кейин Қуръон ўқишга таклиф этдилар. Бир қори Қуръон ўқиди, сўнгра «Девони Амир Қосим» абётларидан ўқишга буюрдилар, мен фақирда важди ишқ рўй бериб, ўзимни тута олмадим. Шунда ул зотнинг нисбату жалолатларини сездим. Нисбат нима эканки, ботинан ул жанобга тазарруъ қилдим. Менинг гуноҳимни фаҳмлаб, уни тадорику чорасига машғул бўлмоқни, ундан кейин Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг йўлларини кўрсатиб таълим берсангиз дедим. У киши менга лутф ила марҳамат қилиб: «тағин бошқа айб қилмасмикансиз», дедилар ва «мақомот» китобини қўлимга тутқаздилар. «Ўқинг», —дедилар. Мен китобни очдим, ушбу нақл баён этилган экан: «Ҳазрати Хожаи Бузургнинг ёронларидан бирлари айтибдурким, мен саҳрода эдим, ногоҳ уйқу босди. Бир дарахт остига чўзилдим. Шу пайт бир илон оёғимни чақа бошлади. Кўзимни очиб қарасам, тушим экан. Яна уйқуга кетдим. Яна шу ҳол такрорланди. Кўзимни очсам ҳеч нарса йўқ. Хуллас, ушбу ҳолат уч карра такрорланди. Ўрнимдан турдим-да, ул зоти бобаракот ҳузурларига равона бўлдим. Ҳазрати Хожа уйларида эканлар, мен чап оёқ билан кирибман. Ҳазрати Хожа Бузрук дарғазаб бўлиб айтдиларки: «Нима учун хонага ғафлат билан чап оёғингда кирдинг. Пирга беадаблик қилиш, унга оёқ узатиб ётиш гуноҳ эмасмикан», —дедилар. Мен кечирим сўраб, авф

қилмоқликларидан умидвор бўлиб турдим. Ул зот лутф айлаб, авф этдилар».

Демак, пиру устоз манзилларига оёқ узатиш ва ҳузурларига чап оёқ билан кириш гуноҳ саналар экан (182[а]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ўзларининг ватани шарифлари бўлмиш Чустда эътикофда ўтирган эдилар. Атроф-жавонибдан кўпчилик асҳоб ва аҳбоблари хизматларига келган эдилар. Мен, фақир Муҳаммад муфти Оҳангароний Ҳазрати Бузрукворга арз қилиб: «Бутун вилоят аҳли, каттаю кичик, жаҳрия тариқатидан Шайх Меросий деган одам, унга эътиқодда бўлиб келган Наврўз Аҳмадхон ва унинг амирлари ҳамда шайхнинг муридлари ҳам етиб келганлар», —дедим. Бу зот бир қанча жамоати билан Мавлоно Лутфуллоҳ суҳбатларига кириб, ҳаммалари мурид бўлдилар. Бу хабар шайхзодаларга етиб келгач, улар ваҳима ва саросимага тушдилар, чунки уларнинг тирикчилиги асосан ўша қавмнинг назридан эди. Назрлардан айрилиб қолишдан қўрққан шайхзодалар Тошкентга Шайх Хожаи Хурдга шикоят билан келдилар ва айтдилар: «Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ Оҳангаронга келиб, барчани ўзига мурид қилди, сизнинг муридларингизни ҳам ўз иродати қайдига олди. Сизни кофир, бизни эса рофизий деб айтди».

Мавлоно Лутфуллоҳга ғарази бўлган муллалар билан иттифоқ тузиб подшоҳ Бароқхонга турли нолойиқ гапларни етказдилар, вазир ва амирларга пора бериб, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳни бадном қилмоқчи ва низо чиқармоқчи бўлдилар. Хон атрофидаги баъзи Мавлоно Лутфуллоҳга хайрихоҳ кишилар хоннинг фикрини ўзгартиришга муваффақ бўлдилар ва ҳазрат хон барча мухолиф шайхларга деди: «Дарвешлар ўртасида низо бўлиши яхши эмас. Бир-бирларинг билан ярашингиз».

Шундан сўнг Тошканд қозиси аркони давлатдаги умароларни чақириб: «Бизнинг замонамизда машойихлар низоси мамлакатга путур етказгай, бу шайхларни Мавлоно Лутфуллоҳ билан яраштирмоқ лозим», —деб амр қилдилар. Яраш мажлиси ўтказилди. Шайх Хожаи Хурд беҳуда гапларга зўр бериб, аччиқ-чучук гапларни айтишдан ўзини тия олмади. Ҳазрати Мавлоно сукут қилдилар. Зеро, нокасларга жавоб қилмоқ хомушлик ва вақтда сукут қилиш билан бўлиб, камол аҳлининг сифатидир. ***«Ас-сукут фи вақтиҳ сифату-р-рижол, камо анна-н-нутқ фи***

***мавзиҳ мин шарафи-л-ҳисол»,*** яъни, ***«ўз ўрнида сақланган сукут — мардлар сифати, ўз мақомида сўзлаш ҳам яхши хислатлардандир».***

Тафсирда ривоят қилурларким, Ҳазрати Сиддиқи Акбар бир куни *Саййиду-л-аввалин ва-л- охирин* Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида ўтирган эдилар. Бир киши келиб Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқнинг (р.а) ғазабини қўзғатадиган таъна сўзлар айта бошлади. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ унга эътироз билдирмоқчи бўлдилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) ўринларидан турдилар. Ҳазрат Абу Бакр орқаларидан чиқиб: «Эй, Расулуллоҳ, нима бўлди?» — дебди. Жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Эй, Абу Бакр, сиз ул одамга жавоб қайтармай сукутда бўлганингизда сизни малоикалар ўраб зиёратингизда турган эди, қачонки ул нокасга қўрс жавоб берганингиздан сўнг сизни шайтонлар ўраб олдилар, мен қандай чиқиб кетмай», — деб жавоб берибдилар.

Алқисса, замона арбоблари, ул зоҳирпараст шайхларнинг амаллари фаросатсизлиқдан эканлигини тушундилар. Хуллас, ярашиш амалга оширилибди.

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ул мажлисдан чиқиб, ўшал носазо шайхнинг ошноларига ушбу байтни ёзиб бердилар:

*Гуфтугў ойини дарвеш набувад,*
*Варна бо ту можароҳо доштим.*

Мазмуни:

*Баҳс қилиш дарвеш фазилати эмас,*
*Акс ҳолда сен билан тортишар эдик.*

Ва Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг юзларида ғазаб асари зоҳир бўлди.

Мен фақири роқим шу мажлисда ҳозир эдим. Ул иғвогар шайх гапираётганда кўзимга маймунга ўхшаб кўринаверди. Мажлисдан чиққанимиздан сўнг Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ менга таважжуҳ қилиб айтдилар: «Кўрдингму?» «Кўрдим», — дедим (184а-184б).

Сўнгра Самарқандга жўнадик. Тошканд дарвешлари, фуқаролари, фақирлари бизни ҳурмат билан бир қанча манзилгача кузатиб бордилар. Ҳазрати Мавлоно айтдиларки, ғайбдан бизнинг хотиримиз саҳифасига ривож қалами билан ушбу оят битилган:

**«Вазарний вал муказзибина улин неъмати ва маҳҳилҳум қалило» [73:11]**, яъни: **«Неъматларга бой кофирларни менга озгина муҳлатга қўйиб бер».**

Самарқандга кириб келдик. Шунда Чағониён ва Ҳисор вилоятларидан дарвешлар келиб арз-ҳол қилиб айтдиларки, бизнинг диёрларимиз сизнинг қадами муборагингизга мунтазир бўлиб, сизни кутиб турибдилар. Жами салотину акобир ва фуқаро тавба ҳамда ибодат қилиш учун пойи қадамингизга муштоқдурлар, шунинг учун ҳам биз пойи остонангизга умидвор бўлиб келдик. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ул вилоятда жин ва инс шайтонларига асир бўлиб, васвасада қолганларни ўйлаб, тўғри ўша ёққа боришни фикр қилдилар.

Халойиқ гуруҳ-гуруҳ девонайи шайдо бўлиб, гоҳи ялангоёқ, гоҳи ялангбош юриб, истиқболда бўлдилар. Ҳар бирлари ўз тилларида у кишини мадҳ этдилар.

Шундан кейин ҳар бир қишлоқ аҳлини алоҳида мавзега чақириб, тавба ва инобатга мушарраф қилдилар. Баъзилар ул зотнинг кимё асарли назарларидан баҳраманд бўлдилар.

Алҳосил, шу ерда икки кун туриш керак эди, Мавлоно Лутфуллоҳ йигирма кун истиқоматда бўлдилар. Каттаю кичик салоҳиятга келиб, иттифоқ бўлдилар» (185[б]).

Бойсунлик дарвешлардан бири шундай нақл қилди: «Дарбанд қалъасида бир солики илм бор эди ва Мавлонога нисбатан ғойибона эътиқоди баланд эди. У бемор бўлиб, оғир аҳволга тушибди. Ундан ҳол сўрагани бордим. Кўзини очиб бир ҳикояни баён қилди: «Биродар, ажабо, уйқумда туш кўрдим, бир кўзли одам келиб бир идишда сув бермоқчи бўлди. Мен сувни ичмоқчи бўлдим. Шу пайт қибла тарафдан оқ кийинган пиёда ва отлиқ жамоа кўринди. Туя минган бир зот ул жамоадан менинг ҳаққимга дуойи хайр қилди. Бир кўзли одамни ҳайбат билан қувдилар. Мен ул зотлардан бирига эътибор қилиб сўрадимки, бул зот кимдурлар? Ул шахс, биз хожагонлардანмиз, ул туя минган Мавлоно Лутфуллоҳдурлар, бир кўзли одам эса Шайтон алайҳилаънадурки, сени тасарруф қилиб, имонингдан ажратмоқчи эди. Хайрият, ғойибона Мавлоно Лутфуллоҳга мухлислигинг борлиги сабабли шайтон шарридан сенга мададкор бўлдилар».

Ҳар бир соликка лозимдурки, ўз асри саодатида пири бузруклардан бебаҳра қолмасинлар (186[а-б]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ўзларининг бир қанча халифалари, муриди хослари билан иморат усталарини жамлаб, ўзларининг ватанлари бўлмиш Жусда (ҳозирги Чуст) масжид биносини янгиладилар. Эътикоф вақти бўлган экан, атроф-жавонибдан эътикоф ўтиришга муридлар тўплана бошладилар. Чуст атрофидаги қишлоқдан Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга мухолиф бўлган Исмоил ота ва Шайх Қосим муридлари билан масжид айвонига ўрнашдилар. Мавлоно Лутфуллоҳ масжид ичкарисида эдилар. Улар жаҳрия тариқасида зикр бошлаб юбордилар. Биринчи гуруҳ мункирларнинг жаҳрия зикри Ҳазрати Мавлононинг эътикофларига зид эди. Зикр қилсаларда, зикр талқинини қилиш асло хаёлларига келмади. Шайх Қосим бошлиқ иккинчи гуруҳ муридлар талқини зикрга берилдилар, аммо уддасидан чиқа олмадилар. Бу мункирлик ҳолати икки кун давом этиб, учинчи куни Шайх Қосимнинг тоби қочди. Муридлари уни уйига олиб кетдилар. Ул шахс уч-тўрт кун бетоб бўлиб олами фанодан боқийга риҳлат қилдилар.

Қосим шайх ўлими олдидан хонадон аҳлига: «Ҳазрати Мавлоно суякларимни эзиб юбордилар», —деб айтган экан ва оламдан ўтган экан. Ўғил-қиз, аҳли аёллари бу гап устида анча вақт ўйланиб юрдилар. Мункир муридлар хижолатда қолиб, бир қанчалари келиб, тавбага мушарраф бўлдилар. Мавлоно Лутфуллоҳнинг муриду хулафолари эса эътиқодлари улуғланиб, ихлослари зиёда бўлди. Мункирлар эса хижолатда шармисор бўлдилар.

Жаноби саодатмаоб Мирсаййид Али Ўротепагий шундай нақл қилдилар: «Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ бир навбат Ўратепага ташрифи қудум қилдилар. Жумъа куни эди. Масжиди Жомеъда намоздан кейин «Фатҳ» сурасини ўқишга буюрдилар. Дарвешлар бир муддат файз топиб, ҳузури дилда бўлдилар. Дарвеший номи билан машҳур ва узоқ вақтлардан бери риёзат чекиб юрган ва ўша пайтларда *умдат ас-соликин* Амир Қаро Шаҳрихоний мулозаматида бўлган бир дарвеш Амир Қарога бориб: «Намози жумъадан кейин **«Инно фатаҳно»**ни ўқитди. Сўнг суҳбат қилди», —деди. Гап шундаки, Амир Қаро ўша куни Мавлономиз суҳбат мажлисини ўтказаётганига қарамасдан, ўзича суҳбат ўтказган ва барча ёронларга одобдан панд-насиҳат қилган эди. Ҳазрат Мавлоно буни манъ қилдилар ва: «Унинг ўзига панду

одобни хожагон пирлари қилғусидурлар», —дедилар. Бир оз фурсатда Амир Қаро бир нотўғри иш қилган кишига ёлғон гувоҳлик бериб, ҳокимнинг исковучлари томонидан қўлга туширилди» (188[б]).

Ҳисорлик фақир ва ёронлар шундай нақл қилдилар: «Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ бир куни Ҳисорга келдилар. Асҳоблар ва аҳбоблар қиш фаслига тадорик кўраётган эдилар. Ногоҳ Мавлоно Лутфуллоҳ Ахсикентга сафарга отландилар. Шунда Ҳисор султони ва барча фуқаролар ул зотни сафардан қайтаришга рағбат қилдилар, лекин қайтара олмадилар. Ҳазрати Мавлоно Ҳисордан чиқиб кетдилар. Бу орада Ҳисор султони касалланиб вафот этди. Темирхон деган шахс Ҳисорга бостириб кириб, фуқароларга катта азият етказди. Темирхон Мавлоно Лутфуллоҳга мункир эди, ўзини кубравия тариқати аъзоси деб билар, унинг пири Шайх Ҳусайн Хоразмий эди. Бу воқеа фуқароларнинг бир-бирига зиддият ҳосил қилишига сабаб бўлди. Агар Мавлоно Лутфуллоҳ Ҳисордан чиқмаганларида Темирхон тарафидан ул зотга кулфат етарди. Бу бандаи заиф, ушбу ҳарфлар роқими ҳам Мавлоно билан бирга эдим. Ул зот Ахсикентга борганимизда: «Мен Ҳазрат Шайх Яъқуб Чархий мозорига борганимда шундай тўполон бўлишидан хабар топган эдим», — дедилар» (189[б]).

Хожа Муҳаммад Тожир Мавлоно Лутфуллоҳнинг мухлиси ва муҳиби махсусларидан эди. У киши айтади: «Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ бир навбат мен фақирнинг уйида бўлган эдилар. Шунда бир қанча ошноларим ва ёронларим хожагон тариқатига кирдилар. Ичларида хуросонлик бир йигит ҳам бор эди. У ихлос ва эътиқод иродатини қилгандан кейин ўзгариб қолди. Ҳар хил бемаъни сўзларни айта бошлади. Қанча манъ қилсам ҳам фикридан қайтмади. Ҳамсуҳбатларим билан Мавлоно Лутфуллоҳ аҳволларига қарасак, ниҳоятда ғазабланганликлари билиниб турарди. Шу пайт ўша беҳуда сўзловчи шахснинг бети шишиб, икки кундан кейин ўша жойдан бадбўй нарсалар оқа бошлади. Атрофдагилар ундан жиркана бошладилар. Шундан маълум бўлдики, тариқат устозлари олдида беодоблик натижаси шул экан.

Марғинонлик ёронлар шундай нақл қиладилар: «Мавлоно Турди номли солики илм бўлиб, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ҳамда дарвешларга инкорлик хусусиятини қилар эди. Неча марта Тошкандга бориб, мункирлигига фатво истаб, ул зотнинг баъзи равишларини манъ қилмоқ учун ёрону дарвешларга ёмон муносабат ҳам қилди. Мавлоно Лутфуллоҳга бу хабарларни етказдилар. Ҳазрат эътибор қилмадилар. Мавлоно Турдининг инкорлиги ҳаддан ошиб, ёрону дарвешлар яна Мавлоно Лутфуллоҳга арз қилдилар. Иттифоқо, ҳайит кечаси эди, тариқатдаги биродарлардан, Ҳазратнинг олдинги халифаларидан бўлмиш Шайх Фатҳуллоҳга: «Мулла Турди устозимиз Мавлоно Шоҳ Ҳусайн мулозаматида бўлган пайтларимизда биз билан ошнолик қилар эди, энди уни шу мартабага етказиш вақти келди. Эрта эрталаб унинг масжидига бориб гаплашиб кўринг ва бу ерга олиб келинг», —дедилар. Бу гапдан барча ёронлар таажжуб қилдилар. Мавлоно Фатҳуллоҳ эртаси унинг масжидига бориб, суҳбат қилибди ва олиб келибди. Мавлоно Лутфуллоҳ энди намозга кираман деганларида Мулло Турди бош яланг ва яланг оёқ бўлиб, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ оёқларига бошини қўйиб: «Мен кофир эканман, алҳамдулиллоҳ, мусулмон бўлдим, бўйнимдаги инкор зуннорини кесдим», —деди ва зору тазарруъ билан ул зотга иродат қилди. Мен фақир роқим бу ишни ўз кўзим билан кўрдим» (190б).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг Бобоҳожи Марғиноний деган ҳамсуҳбат биродарлари Мавлонога тўн совға қилган эди. Тўн узунлигидан доим оёққа ўралашиб қоларди. Мен фақир роқим бундан хабардор бўлиб, кўнглимдан бизга айтсалар, тўнни бичиб, бўйини ростлаб берар эдик, деган фикр ўтди. Шу онда Мавлоно мени чақириб: «Кийиб турган тўнимиз оёқ остига тушиб, хижолат қилиб турибди, оройиш бериб бизни бу ташвишдан қутултирсангиз», —дедилар (190б).

Мен заиф роқим Ҳазрати Мавлонога байъат қилиб, мулозиматларида ўтирган пайтларим, ҳузур уйқуси ғалаба қилиб, ухлаб қолибман. Уйқумда чунон мушоҳидалар пайдо бўлдики, ўзимни Ҳиндистон юртидаги Бингола шаҳрида ул зоти бобаракот хизматларида кўрдим. Ул киши: «Сен фалон одам билан

ўтиргин», —дедилар. Мен бир тахтага суяниб ўтирдим. Уйқудан уйғониб, кўзимни очдим, кўрдимки, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ масжид меҳробида ўтирибдилар. Менга назар қилиб, дедилар: «Яқинроқ келиб ўтир. Ҳиндистонни эсдан чиқар, Аллоҳнинг ёди билан машғул бўлки, талқини зикрда улуғ мақомга етгайсан». Мен фақирга ул зотнинг илтифотлари улуғ нисбат бўлиб қолди (191[а]).

Ҳазрати Мавлононинг муҳиб ва мухлис ёронларидан жаноби саодатмаоб Миршоҳ Ҳусайн шундай нақл қилади: «Самарқандлик биродарларникида жаноза бўлиб қолди. Маййитни Хожа Аҳрор мадрасасига олиб келдилар. Мадраса эшиги олдида Мавлоно Мустафо Румий деган зот турган эдилар. Мен фақир Ҳазрати Мавлононинг ёнида турган эдим. Менинг назаримда Мавлоно Мустафо Румий бир мусича сифат кўриндилар, мен фақир ҳарчанд ўзимни ўнглаб қарасам ҳам, мусичадан бўлак нарса кўринмади. Жаноза намози ўтгандан кейин Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ менга қараб: «Кўрдингму», —дедилар. Мен: «Кўрдим», —дедим. «Бу тариқатда ўзини юқори тутмоқликнинг ишорасидур», —дедилар. Мен фақирнинг Мавлоно Лутфуллоҳга ақидайи ихлосим янада зиёда бўлди (191[б]).

Ҳазрати Мавлононинг муҳибларидан Мавлоно Мирмуҳаммад Шаҳрисафоий шундай ҳикоя қилади: «Иттифоқо, Мавлоно Лутфуллоҳ мулозиматларида ўтирганимда, кўнглимдан бу зот, ажабким, тариқат аҳволидан бирор йўл кўрсатиб, робита боғлаш йўлини ўргатмадилар. Қани энди, менга марҳамат қилиб, бу ишда мен билан шуғуллансалар, деган фикр ўтиб турган ҳам эдики, менга қараб: «Робитаи тариқат чунон улуғдурки, бу ишда тариқатда қанчалик шуғулланилса ҳам, оздур», —дедилар» (191[б]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Самарқандга бориб масжиди Работда эътикофда ўтирдилар. Атрофи жавонибдан, қишлоғу шаҳардан тариқат биродарлари кела бошладилар. Тошканддан, Ахсикентдан, Марғинондан ва бошқа жойлардан йиғилганлар катта жамоа бўлди. Исмоил ота авлодларидан бўлган ва Мавлонога кек сақлаб юрган шайх Абдулқодир Турбатий ҳам айни шу пайтда ул зотнинг суҳбатларини бузиш мақсадида шу

ерга келиб, бир неча кун ул зотнинг мулозиматларида бўлгандан сўнг ҳовлига чиқиб, одамлар билан суҳбат қура бошлади. Ҳазрати Мавлоно таҳоратни янгилаш мақсадида ташқарига чиққанларида уни кўриб қолдилар ва «бу беадаб ҳақида ўйлаб кўриш керак экан»,—деб кириб кетдилар. Хулласи калом, эртаси тонг таҳажжуд намозидан кейин суҳбат тариқасида ўтирганларида мен, ушбу ҳарфларнинг роқимида ғайбат рўй берди. Мушоҳада қилдимки, бир маст туя масжид ичига кириб, аҳли суҳбатларга бир бошдан ҳамла қила бошлади. Аҳли суҳбатлар эса ўқ ўтмайдиган совут кийган эканлар. Ҳар қанча ҳамла қилгани билан уларга зарар-заҳмат етмади, охирда Мавлоно Лутфуллоҳ камондан ўқ узиб, ул маст туяни отдилар. Туя дод-фарёд қилиб чиқиб кетди. Мен фақир ғойибдан ҳозир бўлдим. Ҳамма ўз вазифаси билан машғул эди. Биродари тариқат Мавлоно Саййидий ёнимда ўтирган эди, кўрган воқеамни унга баён қилдим. Ҳануз воқеани тугатмасимдан шайх Абдулқодир Турбатий безовталаниб, масжидга кириб келди. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга айтдики: «Бир қанча муддатдан буён уйимга бормагандим, фарзандларимни кўрмоқчиман, рухсат берсангиз»,—деди. Шунда Мавлоно Саййидий: «Қаерга шошаяпсиз, мана бу биродаримиз бир воқеа кўрибди ва у сиз ҳақингизда бўлса керак. Тайёргарлигингизни кўринг» — деди ва воқеани баён этди. Мавлоно Лутфуллоҳ: Унга индаманглар, майли кетаверсин. Ҳали унга ўқ теккани йўқ, эҳтиёт бўлсин» — дедилар.

Эрталаб у ўз одамлари билан ташқари чиқди, ногоҳ бетига яра чиқиб, иккинчи куни мазаси қочди...(192[а]-193[а]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг кибор асҳобларидан бўлмиш Мавлоно Юсуф Али ва Боқи шайх шундай нақл қиладилар: «Иттифоқо, Мавлоно суҳбатларига бир киши келиб Хўжамсунбул номли ғуломнинг қочиб кетганлигини айтди. Мавлоно Лутфуллоҳ Мавлоно Юсуф Али билан Боқи шайхга: «Бозорга бориб, биздан Хўжамсунбул номли ғулом қочиб кетган, деб овоза қилинглар, шул кеча воқиф бўлингларки, ғулом ярим кечада сизларнинг ҳузурингизга келади. Уни қўлини бўйнига боғлаган ҳолда олиб келгайсиз»,—дедилар. Дарҳақиқат, шундай бўлди (193[б]).

Ҳожи Мавлоно Шуҳратий Оҳангароний Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг асҳоби киборларидан эди. Ул зотнинг нақлича, Мавлоно Иброҳим Ҳалвогар Бохноний шайхи раббоний ва муршиди самадоний Махдуми Калон Саййид Аҳмад Косонийнинг асҳобларидан эди. Ҳазрати Мавлононинг байъат қилган вақтлари эди, ул зот билан Чодакка келдилар. Кечаси уловлари ғойиб бўлган экан, ул зот мажлисга келиб Мавлоно Лутфуллоҳга: «Бизнинг улов йўқолибдур, мен кекса одамман, уловсиз юролмайман», —дедилар. Ҳазрати Мавлоно ҳамсуҳбатларидан икки кишига: «Сизлар сойнинг кўпригидан ўтиб, олти эшикни босиб ўтиб, еттинчи эшик рўпарасида турган уловни қорнига тушган тўқимини ростлаб, олиб келинглар», — деб буюрдилар. Ул икки шахс борсалар, дарҳақиқат, улов ўша жойда турган экан. Шундан сўнг ҳамсуҳбатларнинг эътиқоду ихлоси анча юқориланиб кетди(193[б]).

Абдуллатифхон вафотидан кейин Тошканд хони Бароқхон Самарқандни олиш қасдида Султон Саъидхон томон юриш қилди. Самарқанд мустаҳкам эди ва Бароқхон талофот бериб орқага қайтиб кетди. Унга Румдан юз нафар тиш-тирноғигача қуролланган ҳарбийлар ёрдамга келди. Бароқхон кўп лашкар билан яна Самарқандга ҳамла қилди, лекин шаҳарни қўлга кирита олмай, Шаҳрисабз томонга йўл олди. Шаҳрисабзни қўлга киритса, Самарқандни олиш осон бўлади, деб ўйлади. Шаҳрисабзда катта жанглар бўлди, румлик аскарларнинг бошлиқлари ўлдирилди. Шаҳар таслим бўлмади. Бароқхон ноилож Тошкандга қайтди.

Ҳазрати Мавлоно Ахсикентдан Тошкандга келган эдилар. Тошканд хонининг Ҳазрати Мавлонога ихлоси баланд бўлганлиги сабабли ўз ҳолини арз қилди. Ҳазрати Мавлоно айтдиларки: «Тез отланиб, Самарқандга юриш қилинг, қанча тез борсаларингиз, шунча тез оласизлар», —дедилар. Бароқхон икки ой муддат жанг қилиб, Самарқандни қўлга киритди. Ҳазрати Мавлонога одам юбориб, Самарқандга олиб келди. Мавлоно Лутфуллоҳга эътиқоди ва ихлоси янада юқори бўлди. Бароқхон лашкарнинг бир қисмини Самарқандга қўйиб, қолганини Тошкандга жўнатди. Пайт пойлаб юрган Султон Саъидхон бир қанча аскарлари билан Самарқандни ўраб олди ва қайтадан уруш бошланди. Шаҳар дод-фарёдга тўлиб кетди. Мавлоно

Шуҳратий Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ хизматларига келиб: «Бу кеч хоннинг олдига бориб унинг кўнглини кўтарсалар»,- деб маслаҳат берди. Ҳазрат хон ҳузурига бордилар. Хоннинг ҳузурида Қўшқулоқ Баҳодур ва баъзи Мавлономизга хайрихоҳ амирлардан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Бирор соатча суҳбат қилинди. Ҳазрат хонга анча насиҳатлар қилдилар. Шу аснода амирлардан Мансур Мирак кириб келиб: «Душман шаҳарга кирди», –деди. Ҳазрати Мавлоно хонга далда бериб, фотиҳа қилдилар ва Шайх Нуриддин мозорига бориб ўтирдилар. Бу орада хон бир неча марта шаҳарни ташлаб чиқишни ҳам ўйлади. Аммо маслаҳатга биноан кутиб турди. Тез орада Султон Саъидхон шаҳарга кирди ва лекин уни ташлаб чиқиб кетди деган хабар келди. Шаҳарда бирорта ҳам душман аскари қолмади. Хон айтди: «Мавлоно Лутфуллоҳ ёнимда бўлганларида ўн минг қуролланган аскар мени қўриқлаб тургандек бўлди. Ҳазратнинг ҳимматлари билан тушкунликка тушмадим ва ул зотга эътиқодим янада зиёда бўлди». Аммо Мавлономизга мункир бўлган Шайхим Қушчи, Миртандурустбий ва Амир Қодирберди хон билан Ҳазрати Мавлоно ўрталарига путур етказиш хаёлида бўлдилар. Хон Мавлономизга байъат қилиш фикрида эди. Улар хонни бу фикрдан қайтардилар ва Ҳазрат ҳақидаги фикрини буздилар. Бундан хабар топган Мавлоно Лутфуллоҳ зудлик билан Самарқанддан Ҳисорга равона бўлдилар. У ердан ёронларга шаҳарга офат келаётганини хабар бериб, иложи бўлса, шаҳардан тезроқ чиқиб кетишларини сўрадилар. Ҳазратнинг барча ёронлари ва мухлислари шаҳарни тарк этдилар. Мухолифлар эса хон ҳузурига кириб, Мавлоно каромат қилибдурлар, қани кўрайликчи, нима бўлар экан, деб масхаралаб кулдилар. Шайхулислом Хожа Яҳё, шаҳар қозиси Хожа Абулхайр Ҳазратга ниҳоятда мункир эдилар. Орадан тўрт ой ўтиб хон қаттиқ касалланиб, дорулфанодан дорулбақога риҳлат қилди. Халқ айтдики: «Ҳазрат Мавлоно шаҳарда бир ёмон ҳодиса бўлади, деган эдилар, ҳой-наҳой шу воқеани назарда тутган бўлсалар керак» (197[б]).

Шунингдек, Бароқхон вафотидан кейин унинг катта фарзанди Дарвешхон Тошканд тахтига ўтирди. Самарқандда унинг иниси Бобосултон хонликка ўтқазилди. Гадойхон ва бошқа султонлар, Дизах (ҳозирги Жиззах) ва Зоминда тўпланиб, биргалашиб Бобосултонни Самарқанд тахтидан ағдариш ва бадарға қилишга келишдилар. Бу хабар Дарвешхонга етиб, ўттиз минг аскари

билан Тошканддан Самарқандга йўл олди. Дизах қишлоғига етганда иттифоқчилар Сурохимор деган жойда унинг йўлини тўсдилар ва Дарвешхон аскарларига катта талофат етказдилар. Дарвешхон қолган аскари билан Тошкандга қайтишга мажбур бўлди. Бундан хабар топган Бобосултон минг отлиқ аскар билан акасига ёрдамга ошиқди. Аммо йўлда пистирмага дуч келди. Ўртада қаттиқ жанг бўлиб, Бобосултоннинг лашкарбошиларидан Шайхим Қўрчи ва Миртандуруст ҳамда Мирқодир ўлдирилди. Бобосултоннинг ўзи саломат қолиб, бир неча одамлари билан Тошкандга чекинди...($197^б$-$198^а$). Иттифоқчи султонлар Самарқандни эгалладилар. Шайхулислом Хожа Яҳё ва Қози Хожа Абулхайр Шаҳрисабз орқали Ҳисор вилоятига қочдилар.

Уларнинг орқасидан юборилган одамлар натижасиз келган бўлсалар-да, аммо махсус кишилар Хожа Яҳёни топиб намакоб билан қийнадилар. Улар Ҳисорда бир муддат яшаб, анча хорлик тортдилар ($198^{а-б}$).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Ҳисор вилоятидан Каъбатуллоҳни ихтиёр қилиб, Бадахшон вилоятига етдилар. Бадахшон подшоси Сулаймоншоҳ лашкарлари билан Ҳазрати Мавлоно йўлларига чиқди, бир-бирлари билан дўстона мулоқот қилдилар. Ҳазрати Мавлоно ходимлари, бу подшо Шайх Хоразмийга эътиқодда эди, мабодо Мавлонога озор бермаса яхши эди, деб хавотир қилдилар. Аммо подшо ул зот хизматларини ўрнига қўйиб, Кобул йўлидаги Кўҳисор деган манзилгача етказиб қўйди. Мавлоно Лутфуллоҳ Ҳазора номлик манзилга етиб бордилар. Ҳазора қавми доим йўлтўсарлик ва халқнинг молу пулларини тортиб олиш билан шуғулланарди. Қавм бошлиғи Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳни аввалига яхши кутиб олди, сўнгра ўзаро тил бириктириб, меҳмонларни таламоқчи бўлди. Биродарлар ичида жангчи паҳлавон, милтиқотар баҳодир одамлар бўлса-да, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ: «ҳеч нарса деманглар ва жанг ҳам қилманглар», деб амр қилдилар. Ул нобакор ўғрилар бутун молни, ҳатто от, туялару уст-бошгача олиб қўйдилар. Шу аснода баъзи ёронлар тугунларини, баъзи қимматбаҳо анжомларини чекка-чеккага яшириб қўйган эдилар. Хуллас, минишга, юклашга ҳеч қандай улов қолмади. Ёронлар ва муҳиблар бир-бирларининг ортларидан, тоқат борича чидаб, пиёда юрдилар. Ҳазрати

Мавлоно ёронларга қараб: «Эй, биродарлар, бу ҳам бир олам, унинг лаззатини дардмандлар билур, агар чарчаган бўлсангиз, Аллоҳнинг лутфи сизларга мададкор бўлсин», —деб қувват берардилар. Кобулга бир кунлик йўл қолган жойда Навмавзеъ деган жойга етиб келдилар. Ул қишлоқ аҳли хабардор бўлиб, истиқболларига чиқди. Барчаларига уст-бош, оту туя бериб, уч кун меҳмон қилдилар. Сўнгра Кобулга қараб юрилди.

Кобул аҳли, амирлар ва ҳоким Хожа Муҳаммад Али Хокироҳ деган зот ҳам катта-кичик биродарлари билан истиқболга чиқди. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ бошлиқ ҳамма биродарларни эъзозу икром билан шаҳарга олиб кирдилар. Меҳмоннавозлик қоидасига кўра, баланд эътиқод билан бир неча кун зиёфат бердилар. Кобул ҳокими Хожа Муҳаммад Али Хокироҳ тобелари билан Мавлоно Лутфуллоҳ байъати шарифларига ҳам мушарраф бўлди. Бир қанча аъёнлар, шарафли лашкарбошилар ва бошқалар байъат иродатига мушарраф бўлиб, муриди хос бўлдилар. Мазкур ҳокимга ижозати суҳбат бериб, халифа қилиб тайинладилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ шундай демишлар: «Кобулда бўлганимизда бир туш кўрдим, тушимда Хожа Аҳрори Валий руҳлари ҳозир бўлиб: «Сиз ўз вилоятингизга қайтинг, у ернинг ислоҳида бўлинг ва вилоят аҳли тарбияси билан шуғулланинг, хайрли ишларни бошланг, сизга ғайбдан хайру баракот бўлгай», дедилар. Шундан кейин Каъба йўлидан қайтишни ихтиёр қилдим» (200[a]).

Мавлоно Лутфуллоҳ Кобулдаги хожалар мазоротини зиёрат қилиб, дуойи фотиҳадан сўнг Мовароуннаҳрга — Самарқандга қайтар бўлдилар. Мавлоно Тангриберди Оҳангароний, Мавлоно Пирмуҳаммад Қирқчиний, Мавлоно Пирмуҳаммад Хўжандий устозлари Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳдан рухсат олиб, Каъба томонга йўналдилар.

Алҳосил, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Кобулда бўлган пайтларида Бадахшон подшоси Сулаймоншоҳнинг Кобулга келаётгани маълум бўлди. Шунда Ҳазрати Мавлоно Мирмуҳаммад Хокийга хуфиёна айтдилар: «Ёронларни жамлаб, мардона бўлиб, хотирларингизни бузмай, пири хожагон руҳларига мутаважжиҳ бўлиб, калимайи бузрукка машғул бўлингларки, Сулаймоншоҳнинг қўлидан ҳеч нарса келмай, маъюс ҳолда қолади». Ҳазрати Мавлоно саккиз калимани санаб, айтиб юришни Мирдавлатманд деган муридларига буюрдилар ва ўзлари Мовароуннаҳрга қайтдилар.

Мавлоно Лутфуллоҳ ўз вилоятларига қайтар маҳалда, йўлда Бадахшон подшосига дуч келдилар. Подшо Кобулни забт этиш учун бирга боришни таклиф қилди. Ул зот айтдиларки: «Мен ҳамроҳ бўлиб борсам Кобул фатҳ бўлмайди», —дедилар. Бундай дейишларининг сабаби бор эди...

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Ҳисорга етиб, бир неча вақт истиқоматда бўлдилар, чунки уларнинг подшоси ихлосу эътиқодда Мавлонога мурид эдилар. Муҳаммад султон, Ҳошим султон, Султони мағфур Аббос султон, унинг ўғли Ваққос султон Ҳисор ичида Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ учун хонақоҳ қурган эдилар. Шу ерда жами аҳоли ва бузруклар, аъёни мамлакат ва ашрофи раия, ғарибу ғурабо Ҳазрати Мавлонога байъат қилдилар.

Ҳисорнинг аксарият аҳолиси жазабага эга эди. Асосан, гўшанишин ва ғариб эдилар. Бошқа вилоятларда бу қадар файзу футуҳ кам бўларди. Ҳазрати Мавлоно айтардиларки: «Ҳисор вилояти Оҳангаронга йўлчи ҳисобланади, ҳар икки вилоят дарвешлар маконидир. Бу икки вилоятдан олий нисбатли тоифалар чиққан. Марғинон ҳам ёмон жой эмас, бу ерда аҳли нисбат зотлардан баҳра топганлар кўпдур. Ҳазрати Маҳдуми Калон Ҳазрати Мавлоно Хожаги Аҳмаднинг Оҳангаронга назарлари тушган. Нишпос қишлоғида Мавлоно Имодиддин ва Мавлоно Сайфуллоҳ ва бошқалар бу зотнинг тариқатларига байъат қилганлар. Ўшанда Махдуми Калон намози бомдоддан кейин ишроқ намозини ўқиб, Оҳангаронга юрдилар. Оҳангароннинг ўнг томонида Тўқтоғ деган тоғ бўлиб, ўша ёққа мутаважжиҳ бўлдилар, муроқабада ўтирдилар, бошларини кўтариб фотиҳа ўқидилар. Кейин жануб томондаги Жабалистон деган мавзеъга мутаважжиҳ бўлиб, муроқабада ўтирдилар. ва бошларини кўтариб фотиҳа ўқидилар. Сўнг айтдиларки: «Субҳоналлоҳ, шундай покиза ва пок жойлар ҳам бор эканда, бундай ерларни қувватнинг борича ҳимоя қилмоқ имон ғайратидан турур ва бу жойлар хосиятидан вилоятларга келган балоюазоб дафъ бўлар экан, ҳар қандай солик бу вилоятда қирқ кун ибодатда бўлса, шак йўққи, ҳамма мақсуди ҳосил бўлгай». Ҳазрати Мавлоно айтдиларки: «Бу суханларни Махдуми Калонимиздан эшитганман. Умид қиламизки, бу вилоятдан нисбатли бузрукворлар зуҳур қилажакдур».

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ бу суханларни ўша мавзеъи Нажақда, уч кеча-кундуз жомеъ масжидида суҳбат

уюштирганларида айтгандилар. Сафарга отлана туриб, халққа: « Огоҳ бўлингларки, бу кеча хожагон арвоҳи таййибалари Аллоҳ муҳаббатини сизларнинг масжидларингизга ташлади. Сизлар бу масжидни ўзларингизнинг хонадонларингиздек кўриб, хизматда бўлингларки, масжиддан зуҳури нисбат бу вилоятга ҳосил бўлгусидур», —деб йўлга чиқдилар. Навгарзан деган қишлоққа тушдилар. У ерда бир кеча истиқоматда бўлиб, эрта билан отланиб, Мингёғоч деган қишлоққа келдилар. Ярим кун туриб бир оз дам олдилар. Ёнларида илгари Махдуми Калонга байъат қилган бўлса-да, кейин Ҳазрати Мавлонога байъат қилиб хизматларида бўлган Шайх Зуннун Пискатий ҳамроҳлик қиларди. Шайх Зуннун Пискатий Мавлоно ёнларида оёғини узатган ҳолда ётди. Мавлоно Лутфуллоҳ аҳли суҳбатлардан бирини чақириб: «Бу Зуннуннинг жавобини беринглар, бизга ҳамроҳ бўлмасин. Қайси шахс пири олдида беодоблик билан оёғини узатган бўлса, суҳбатдан бегона бўлғусидур», — дедилар

Шайх Зуннун бу беодоблиги учун етти йил саргардон бўлиб юрди. Қанча аҳли суҳбатлар ўртага тушдилар, аммо Мавлоно унинг гуноҳидан ўтмадилар. Ҳамсуҳбатларига айтдиларки: «Бундай беодоблар мавзесида ва ҳузурида бўлманглар». Орадан бир қанча муддат ўтгандан кейин Оҳангарон мавзесининг Облиқ деган жойида шайх Зуннуннинг гуноҳидан ўтдилар. Айтдиларки: «Шайх Зуннунга бир беодоблиги учун етти йил жафо қилдим, аммо у туғён қилмади. Мулло Зоҳид эса бир кун тоқат қилолмаган эди». Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ вафотларидан икки-уч кун илгари айтдиларки: «Мен шайх Зуннунни шунинг учун ерга урдимки, қаерга борсам, қадамба-қадам изимдан юрди. Сулук эгалари (пирлар) Шайх Зуннунни узоқлаштирмагунингча, сенга кушойиш бўлмайди деб ишорат қилардилар. Шу сабабдан етти йил ҳузуримдан узоқ тутдим, энди Мулло Зуннунни юқори кўтардим, чунки у менга ажойиб хизмат кўрсатди, у лойиқ муносабатга сазовордир» (203[б]). Ҳазрати Мавлоно вафотларидан икки ой илгари Оҳангарон вилоятининг Облиқ мавзесида ишроқ намозидан кейин Қозимоянда қишлоғининг тепасига мутаваажжиҳ бўлдилар. Айтдилар: «Сизлар бундан кейин Мулло Зуннунга жафо қилманглар, унга жафо калтагини ҳам урманглар, сизларга тўқмоқ тегади. Энди у мусаффо бўлди, шоядки бундан буён беодоб бўлмас. Яна беодоблик қилса, тўрт томондан калтак етиши бор. Шайх Зуннунга учрашиб, савол-жавоб қилингларки, у қандай хаёлларда юрган экан».

Мен фақир роқим Мавлоно Лутфуллоҳ буйруқларига биноан Пискатга бордим ва Шайх Зуннунга учрашдим. Ул айтдики: «Ҳазрат беодобликлардан, алҳамдулиллоҳ, мени манъ қилдилар. Мен бечорадурман, бир киши мени ҳомийликка олсаки, бирор иш қилсам, аммо ҳеч ким қабул қилмади. Мен фақирнинг аҳволига ул жанобнинг диллари мойил бўлиб, гуноҳимни кечирсалар, жафо ва азоблардан халос бўлардим» (204[a]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ёронлари ва дарвешлардан бир қанчасига ижозати суҳбат берган эдилар ва мусулмонларни тавбага келтириб, тариқатда мустақим ва барқарор бўлинглар, деб буюрган эдилар. Бу жамоа қуйидагилардир:

*Дўстмуҳаммад Махдумзода,*
*Мавлоно Низомиддин Аҳмад (Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг куёвлари)*
*Хожа Исҳоқ Махдумзода (Ҳазратнинг куёвлари),*
*Мавлоно Юсуф Али,*
*Мавлоно Мулло Саййидий,*
*Қози Мулло Муҳаммад,*
*Қози Абдулкабир,*
*Мавлоно Дарвешмуҳаммад Марғиноний,*
*Хожа Маҳмуд Самарқандий,*
*Қози Муҳаммад Амин Ҳисорий,*
*Шайх Зуннун Пустакий Пискатий*
*Мирфозил Али Конибодомий,*
*Шайх Қурбон Хуррамсароий,*
*Мирмуҳаммад Хоразмий Самарқандий,*
*Ҳожи Шуҳратий Оҳангароний,*
*Мавлоно Муҳаммад Қазоқ,*
*Мавлоно Муҳаммад Қосим Деҳнавийи Ҳисорий,*
*Мавлоно Абулмуслим Ланг,*
*Шайх Фатҳуллоҳ Чустий,*
*Боқишайх Ўзбекий,*
*Мавлоно Абдураҳим Андигоний,*
*Шайх Муҳаммад Работакий,*
*Мавлоно Муҳаммад ал- Бухорий,*
*Шайх Фатҳуллоҳ Зангиотоий,*
*Мавлоно Солик Тошкандий,*

*Мавлоно Ҳофиз Турсун Бухорий,*
*Мавлоно Абдураҳим Ахсикатий*
*Хожа Мирмуҳаммад Али Хокий Кобулий,*
*Мавлоно Солиҳ Бадахшоний,*
*Мавлоно Жамолиддин Оҳангароний,*
*Фақиру-л-ҳақир Муҳаммад ал-Муфти Оҳангароний (204[б]).*

Мавлоно Саййидий Тошкандийга суҳбат рухсати икки бор китобат қилиб берилган эди. Мулло Фатҳуллоҳ ва Мулло Саййидий Тошкандий ҳамда Мавлоно Қазоққа қазоғу қирғизга суҳбатдорлик қилурсан, деб амр қилгандилар ва ҳозирги Қозоғистондаги Чу шаҳрида Чуст ариғи бино қилиниб, унга қарашли ерлардан *даҳяк* олишни буюрган эдилар.

Мулло Зуннун Бухорийга Бухородаги ёронлар билан суҳбат қилиб тариқайи хожагоннинг мулоҳазасида бўлур деб амр қилдилар.

Мавлоно Низомиддин Аҳмад Мавлоно Лутфуллоҳнинг куёви бўлиб, ул зот мозор хонақоҳига мутавалли қилиниб, Чустдаги вақф хонақоҳга қишлоқ-шаҳар ва атроф-жавонибдан *даҳяк* йиғиш буюрилди. Агар бул зот бўлмаган тақдирда, унинг фарзандларига буюрилсин, дедилар. Мавлоно Аҳмад келгусида улуғ шайх бўлғусидур, деб дуода бўлдилар. Хожа Исҳоқ ҳам куёвлари бўлиб, ул зотни Ҳисор вилоятига юбора туриб буюрдиларким: «Сизни бобонгиз Маҳдуми Калон Мавлоно Хожа Аҳмадга насибалик қилдим, умидим шулки, шайхи бузрук бўлиб, улуғ мақомга етгайсиз. Суҳбат қуриб, ёрону соликларга баҳра бергайсиз», — дедилар.

Биродари тариқат Мавлоно Юсуф Али Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга яқин кишилардан эди. Ҳар қандай муҳим мушкуллари ул киши орқали шафоат топарди. Мавлоно Юсуф Мавлоно Лутфуллоҳга ўттиз йил тинимсиз холис хизматда бўлганди. Шунинг учун ҳам Ҳазрати Мавлоно ул зотнинг гапини икки қилмасдилар. Айтардиларки, Мулло Юсуф Алининг менда ҳаққи кўпдур.

Биродари тариқат Шайх Фатҳуллоҳга марҳамат қилиб айтар эдиларки, бу шайхнинг зоҳир кўзини Аллоҳ таоло ёпган бўлса-да, аммо ботин кўзини очиб қўйгандир. Мулло Фатҳуллоҳ шундай ишларга қодирки, ҳар кимнинг қўлидан келмайдур. Ҳазрати Мавлономиз Хожа Аҳмад уни менга топшириб: «Сиз ундан бехабар бўлманг, сизга фойда келтирадур, деб тайинлаган эдилар», —дедилар (205[б]-206[а]).

Буниродари тариқат Мавлоно Убайд Самарқандий баъзи ҳисорлик ёронлар олдида мазкур зотдан шикоят қилган эди. Бу маъни Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ қулоқларига етиб келди ва бу гап-сўзлардан аҳволлари ўзгарди. Мавлоно Лутфуллоҳ авф қилиб айтдиларки: «У авлиёйи тахти қибобий жумласидандур» (206[а]).

Мавлоно Лутфуллоҳ ва Шайх Фатҳуллоҳ ўртасида ажиб воқеалар ўтган. Бир куни Мавлоно шайхга дедилар: «Мавлоно Фатҳуллоҳ, ўн беш йилда нима айтган ва деган бўлсанг, ҳисоботини бер». Мавлоно Фатҳуллоҳ айтдиларки: «Ўн беш йил ичида нимани билган, қилган, айтган, еган нарсаларимнними?» Ҳазрат айтдилар: «Ҳа, бу тоифанинг суннати шундайдир. Агар бизнинг суҳбатимиздан завқинг бўлса, ҳисобот бер, бўлмаса бизнинг ошнолигимиз басдир». У киши ҳисобот беришнинг уддасидан чиқмади. Шундан сўнг Мавлоно Лутфуллоҳ Мавлоно Фатҳуллоҳни ўз суҳбатларидан бир ярим йил узоқ тутдилар (206[б]). У ўзича суҳбатлар қуриб, Ҳазратга мункир бўлди. Орадан бир муддат ўтиб, бир неча киши келиб Мавлоно Фатҳуллоҳни кечиришларини сўради. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ қабул қилмадилар. Шунда Мавлоно Фатҳуллоҳ маъюс бўлиб, мағриб тарафга сафар қилди. Йўлда Қирим деган ерга келиб, қавмларни тариқатга даъват қилиб, йиғилган мол-мулкни, жумладан, ўн минг қўйни Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга атаб, ўзи Каъбатуллоҳ тавофига жўнади. Румда бир неча кун истиқомат қилдилар. Рум подшосининг синглиси вазири аъзамга узатилган экан ва у бир неча вақтдан бери дардманд бўлиб, барча табиблар ва ҳакимлар даво топищдан ожиз бўлиб турган эканлар. Шул кеча дардманд хотин туш кўрибди. Тушида унинг олдига оқ юзли, кўзи ожиз, сочлари тилларанг зот келиб касалини тузатибди. Эртаси куни хотин сиҳат топибди ва вазири аъзамни бу сирдан воқиф қилиб, ана шу зотни суриштириб топиб беринг деб илтимос қилибди.

Алҳосил, вазир ишга жиддий киришиб, Мавлоно Румий масжидида шундай тусга эга муҳожир борлигини ва унинг сифатлари хотини айтган гапларга тўғри келишини аниқлабди. Уни улуғ эҳтиром билан хотини қошига элтибди. Хотин унинг кимлигини билгач, дарҳол тавба қилиб, тариқатга кирибди. Вазири аъзам ҳам бу ишларни чуқур мушоҳада қилиб кўриб, у ҳам мурид бўлибди ва аксарият сарой аъёнлари ҳамда

амирларнинг байъат қилиб, тариқатга киришига сабаб бўлибди.

Бу гап-сўзлар етиб келгач, мен фақиру заиф Муҳаммад Муфти Ҳазрат Мавлономизга арз қилдимки: «Эй, улуғимиз, ҳеч ким Мавлоно Фатҳуллоҳ хусусида арзи ҳол қилолмади, ул бечора кўрмас кўзлари билан Аллоҳ ҳурматидан бир неча йиллар ризолигингиз учун сизнинг остонангизда хизматингизда бўлиб, охирда ноумидликда чиқиб кетди. Ёронлари бечорадан юз ўгирдилар, ҳеч ким у билан ошнолик қилмади. Ул бечора саҳрога юзланиб, Каъбаи муаззамага бориб, Аллоҳнинг лутфи иноятига кўз тикиб, ғарибу ночорликда турибдир. Не бўладиким, бир лутфи марҳамат қилиб ул бечора ҳақига дуойи фотиҳада бўлсангиз, гина-кудуратларни, беҳуда хаёлларни кўнгилдан чиқарсангиз».

Ҳазратимиз гирён бўлиб, ҳимматингга балли, деб қўлларини дуога кўтариб: «Эй, Парвардигорим, ҳамма ёронларим сени деб мендан розилик сўрадилар, мен ҳам розидурман. Мулло Фатҳуллоҳ ёронларим ичра бир ғариб эди, тухми муҳаббатни экиб келди, бизлар боролмадик, умид қиладурмизки, ўз муҳаббатинг уруғини бизнинг дилларимизга эккайсан. Кўзи ожиз бир бандaнг ҳиммат кўрсатиб сенинг муҳаббатингга сазовор бўлди. Ҳақиқий кўр деб Аллоҳнинг лутфи иноятини эсдан чиқариб халқ бахшишига таъмада бўлганга айтилади. Ошиқлар Дўстдан бўлакни назарда тутмайдурлар. Нодонлар дунёвий лаззатга интиладилар, донолар эса Аллоҳнинг фазли раҳматидан умид қилиб, сабрда бўладурлар» (207[б]-208[а]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ охирги сафарлари вақтида Тошканддан қайтаётиб, Оҳангаронга келдилар ва Ҳожи Шуҳратий манзилгоҳига тушдилар. Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ҳожи Жоруллоҳ деган жиянлари бор эди. Шу аснода у Маккаи муаззамадан қайтаётиб Ҳазрати Мавлоно зиёратларига етиб келди. Ҳожи Жоруллоҳ Мавлоно Фатҳуллоҳнинг арзини етказмоқ ниятида эди. Ҳожи Жоруллоҳ айтдиларки: «Мен Каъба зиёратида ва Мадинаи мунавварада бўлганимда сизнинг тавсифингиз бўлиб, ул ердагилар сизнинг мулоқотингизга зоҳиру ботинда иштиёқ ва умидда эканликларини айтиб, зиёратга келмоғингизни ўтиниб сўрадилар. Мен умид қиламанки, албатта, борурсиз. Каъба зиёратидан Румга келганимда Мавлоно Шайх Фатҳуллоҳ ҳам зиёратдан келиб турган эканлар. Рум аҳлининг Шайх Фатҳуллоҳга эътиқоду ақидалари ниҳоят ортиқ эканлиги билинди. Подшоҳ бошлиқ у ердаги эътиқодли зотлар ҳамда Шайх Фатхуллоҳ ўзларининг арзларини баён қилиб,

Шайх Фатҳуллоҳнинг гуноҳини кечиб, ҳақига дуои хайр қилишингизни илтимос қилиб юбордилар. Мен ушбу илтимосни сизга олиб келдим», —деди. Ҳазрат Ҳожи Жоруллоҳнинг илтимосини қабул қилиб, Шайх Фатҳуллоҳ ҳақига дуойи хайр қилдилар (208а-б).

Мавлоно Убайдуллоҳ Оҳангарон қозиси эди. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга ҳасад қилиб, бўҳтонлар тарқата бошлади. Ҳазрати Мавлоно эътибор бермай Тошкандга келдилар. Бу ерда ҳам ўшал нолойиқларга қарашли шахслардан Шайх Таҳурий бор эди. У Мавлоно Лутфуллоҳ Оҳангаронга келиб барчамизни кофир ва рофизий дебди, деб иғво бошлади. Улар Тошканд хони Наврўз Аҳмадхонга арз қилиб бордилар. Хон чорасиз қолди ва Ҳазрати Мавлоно ҳузурларига одам юбориб: «Иноят қилиб бизнинг ҳузуримизга келсалар», деб айттирди. Ҳазрати Мавлономиз Ғуз деган жойга етиб келган эдилар. Биродарлари билан суҳбат қуриб турганларида аҳволларида ўзгариш зоҳир бўлиб, уч кунгача шу ҳолатда бўлдилар. Тўртинчи куни Ғуз қишлоғидан Ушко қишлоғига келдилар. Ёронлар: «Ё Мавлоно, барча мухолифлар хон ҳузурига жаъм бўлиб, сизга одам жўнатибдилар, Тошкандга борур экансиз, дедилар. Ҳазрати Мавлоно айтдилар: «Ўзимиз Тошкандга бормоқдамиз, албатта, хон ҳузурига кирурмиз». Ҳазрати Мавлоно эртаси куни Тошкандга мутаважжиҳ бўлдилар, Ҳафтзаҳ чўлига етдилар. Махдуми Калон Жаноб Мавлоно Хожаги Аҳмаддан кейин Мавлоно Лутфуллоҳга байъат қилган Мавлоно Боқи муҳтасиб ва Мирзо Шоди ва хон сипоҳлари Мавлонони кутиб олдилар. У ердаги саҳронишин дарвешлар, меҳнаткашлар файзу футуҳ топиб, чалажон товуқ мисоли типирчилаб Мавлоно Лутфуллоҳга таважжуҳ қилиб турардилар. Сўнгра Мавлоно Лутфуллоҳ Қарояғоч қишлоғига равона бўлдилар. Ўша оқшом сипоҳийлар билан суҳбатда бўлдилар. Улар Ҳазрати Мавлонога байъат қилиш шарафига муяссар бўлдилар. У ердан Фаркатга нузул қилдилар. Фаркатда шайхулислом Хожа Яҳё хонадонларида бўлганларида бир қанча ёрону дарвешлар билан чунон суҳбат бўлдики, ажойиб шўришлар зоҳир бўлиб, Аллоҳ тарафидан файз топиб, жозибалик аҳволга эга бўлдилар. У ердан отланиб, Шайх Солимнинг ҳолини сўраб, сўнгра Тошкандга юриш қилдилар (209а-б). Биродари тариқат Мавлоно Исмоил Хожа Аълам манзилларига бориб қарор топдилар. Аср вақти эди, бир киши келиб Мавлоно Лутфуллоҳга: «Масжиди жомеъга атроф жавонибдан машойихлар, соликлар жам бўлишган. Уларнинг

ичида Шайх Хожаи Хурд ва Хожа Исо Шайх Таҳурий ҳамда амирлар жамоати ҳам бордур. Улар сизни мажлисга таклиф этдилар», —деди. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ: «Бугун кеч бўлди, эртага борурмиз», —деб жавоб қилдилар. Ул киборлар Ҳазрати Мавлононинг бормаганликлари сабабини турлича талқин этиб, тарқалиб кетдилар (210[а-б]).

Мавлоно Лутфуллоҳ шу кеча муҳиби ёронларга мутаъаллим ва мутафаккир бўлиб, ярим тунгача суҳбат қилдилар, сўнгра уйқуга машғул бўлдилар.

Мен, бандайи заиф Муҳаммад Муфти ўшал уйда жаноб хизматларида эдим. Уйга кириб борсам, шам ёқилган, ёронларнинг ҳаммаси уйқуда. Мен бу ҳолатни кўриб қалбимда густохлик билан: «Бу шаҳар аҳли жон чекиб хизматда бўлсаю сизлар бу ҳолда уйқуда бўлсангизлар», —деб ташқарига чиқиб ўтирдим. Шу пайт «киши ғаму азоб кўрмаса, заҳмат чекмаса, хурсандлик ҳосил бўлмас», деган овоз қулоғимга кирди. Кўзимни очсам, атрофда ҳеч кимни кўрмадим. Уйнинг ичидан биродари тариқат Абулмуслим чиқиб келиб мен фақирга айтдиларки, воқеада кўрдимки, Ҳазрати Мавлоно олдиларига икки азиз муйсафид келиб қўрқманг, ҳеч қаттиқлик йўқ, дебдилар (210[б]).

Бомдоддан кейин ёронлар орасида бир нисбати ажиб ҳосил бўлиб бу суҳбатдан ҳаммалари файзу футуҳ топдилар.

Боқи муҳтасиб Тошканд хонининг олдига бориб бу икки шайхни яраштириб қўйишни илтимос қилди. Хон рози бўлди. Ҳазрати Шайх Хованд Таҳур мозорига бориб, у ерда Ҳазрати Шайх Хожаи Хурд билан мулоқотда бўлдилар. Шайх Мавлономизга бир неча саволлар бердилар. Масалан, сўрабдилар: «Сизга ғайбдан қўл текканмиш. Бу воқеада такбирни кимдан олгансиз?»

Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Биз Махдумзодамиздан фотиҳа олганмиз (яъни Хожаги Аҳмад Косонийдан). Баъзиларнинг биз ҳақимизда Сизга етказган гаплари нотўғридир».

Шунда мавлонозода шаҳар қозиси Шайхга: «Фотиҳа ўқиб қўйсалар», —деб илтимос қилди. Шунда фотиҳа ўқилди, ҳамма ўрнидан туриб хайр-хушлашди ва шу тариқа ярашиш ҳосил бўлди (210[б]-211[б]).

Ҳазрати Мавлоно бир неча кун Тошкандда бўлиб, уч кун эътикофда бўлишни лозим топдилар, сўнгра бу ердан чиқишни буюрдилар. Айтдиларки, қулоғимга шул оят ўқилди: **«Вазарний вал муказзибина**

**улин наъмати ва маҳҳилҳум қалило [73:11]**, яъни, **«менга кофирлар учун озгина муҳлат бер»**. Айтдиларки, бу ерда ажойиб ва ғаройиб ишлар зуҳурга келгусидур. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ёронлари билан Тошканддан Самарқандга йўл олдилар. Ёронлар отларини эгарлаб йўлга равона бўлганларида мен, Мулло Муҳаммад муфтига қараб айтдиларки: «Сиз шаҳри Шоҳрухияга боргайсиз, у ерда анча ҳикмат ҳосил бўлгай», —дедилар.

Хуфтон намозидан кейин Мавлоно Лутфуллоҳ Самарқандга равона бўлдилар. Мен фақир Ҳазратнинг буйруқларига биноан Шоҳрухияга бордим. У ерда мен Мавлоно Абдураҳим манзилгоҳларида бўлдим. Ажиб кайфият зуҳурга келди. Бизнинг хонамизга ким кирса, мажнуну девоналик ҳолати рўй берарди. У ернинг султони мен фақирни чорлаган экан, султон билан мулоқотда бўлдим. Ул зот менга ғалла инъом этдилар. Икки ой муддат шу ерда истиқоматда бўлдим. Биродари тариқат Мавлоно Хожа Муҳаммад Тошканд арбобларидан бўлиб, Шоҳрухияга келган эканлар. Ул зот айтдиларки: «Зинҳор Тошкандга борманг, агар борсангиз ҳам менинг уйимга борманг, сиз туфайли мени ватандан қувадилар», —деди.

Мен фақир Пискатга келдим, зулҳижжа даҳаси эди. Биродари тариқат Мавлоно Зуннун даҳада ўтирган эканлар, мен ҳам ул зотга мувофиқатчилик қилиб, тўрт кундан кейин Тошкандга келдим. Келишим билан Бароқхоннинг Мавлоно Халифа Садр деган суюкли маслаҳатчиси кўриб, зўрлик билан мени йўлда ушлаб турди. Мен бу ҳолатдан ҳайрон бўлиб, таҳорати покиза билан Аллоҳга ялиниб, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга мутаважжиҳ бўлдим. Бир маҳал Мавлоно Халифа Садр зор йиғлаб, егиб келди ва: «Эй, биродар, сизга нохушлик қилиб, Худо пайғамбари олдида ва пири бузруклар ҳузурида камоли беодоблик қилибман», —деб узрхоҳлик қилди ва: «баъзи мунофиқпешаларнинг гапига ишониб шундай ишга қўл урган эдим, деди ва шаҳар қозиси бўлмиш Мавлонозода Қози ҳузурига олиб кирди. Бу зот ҳам ниҳоят шафқатлар билан қабул қилиб: «Сизларнинг ҳақлигингиз учун хонга гувоҳлик берурман», —дедилар. Шундан кейин кимга рўпара келсам, бир шафқати олий билан Ҳазрати Мавлононинг ноибу хизматкорисиз, деб иноят билан кўришарди. Шу тариқа қози Мавлонозода хон умароларига бизнинг аҳволимиздан арз қилдилар. Ҳазрати хон «фалон зот ватанларига келсинлар, қайси хизматда бўлган бўлсалар ўшал хизматни давом эттирсинлар, ул кишини ғийбат ва бадном қилганлар бошлари кетишидан қўрқсинлар», деб ҳукм қилди. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга байъату инобат қилганлар бундан кейин хавотир бўлмасинлар.

Ҳазрати Мавлоно ўша кеча Ҳисорга етиб келдилар. Шайх Хожа Хурдга дард юзланиб, олами фонийдан олами боқийга сафар қилди (213б).

Мен, фақир Мулло Муҳаммад муфти суфийлар билан Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ орқаларидан Ҳисорга етиб бордим. Ўша куни ул Жаноб қутбу-л-арбоб Ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархий зиёратида эканлар, мен фақир мозор зиёратида бир кеча-кундуз бўлдим. Пир бир китобни менинг қўлимга бердилар ва айтдиларки:«Бул китобдан шароити шайхликни мутолаа қилгин». Мен фақир айтдимки: «Муридлик шароитида хизматдадурман, ҳануз муридликни жойига келтира олмадим». Ҳазрат иноят қилиб муридлик шароитини бул китобдан кўрсатиб айтдиларки: «Ёронларимнинг ҳаммасини Ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархийга арз қилдим. Ул зот марҳамат қилдиларки, Мулло Зоҳиддан бўлак ҳамма ёронларни Аллоҳнинг лутфи қадимидан сўрайман. Бу ёронларнинг амаллари Аллоҳ илми қадимидан шаръий ва мувофиқи тариқат бўлиб, мендан кейин оламни мунаввар қилғусидур».

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ айтдиларки: «Ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархийнинг илтифотларига кўра менинг ёронларим қиёматтача илми шариат ва илми тариқат билан оламни мунаввар қилғусидур».

Яна айтибдурларки: «Кимки бетимни кўрган бўлса, умид қиламанким, дўзах бетини кўрмагай». Шундан кейин жами ёронлар, соликлар ва мўъминлар Ҳазрат муборак юзларини кўриб, зор йиғлаб фотиҳа қилдилар.

Оҳангарон вилоятининг Новдар мавзесида бир тоифа отланган биродарларига қараб айтдиларки: «Бизни фаромуш қилманглар, агар фаромуш қилсанглар таёқ ва калтакка дучор бўлгайсизлар».

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Мингёноч манзилидаги суфий Худойдод хонадонига тушиб, намози бомдодга таҳорат қилмоқчи бўлдилар. Мен фақиру заиф қўлларига сув қуйиб турган эдим, менга қараб: «Мени фаромуш қилмагайсизлар», — дедилар. Мен айтдимки: «Эй, улуғимиз, фикримда, зикримда, андешамда сиздан ажралмагайман», — дедим. Шунда: «Агар рост айтган бўлсанг, сен ғафлат уйида бўлмай ўзингнинг нафсингга посбон бўлки, нафсинг қўлга туширса, бу йўлдан ташқарида қолурсан», — деб байт ўқидилар.

Мен фақир ул жанобнинг буйруқларини тилу дилим билан кўтардим ва дилимда айтардимки, зора ул зотнинг мулозимларидан бўлсам, деб ҳар хизматда ул зотни кўз олдимда тутардим, шунда

ажойиб ва ғаройиб аҳволлар пайдо бўларди. Ўша ҳолда мен билан ким ҳамроҳ бўлган бўлса, девонаю беҳуш бўларди. Баъзилар йиқилиб қолиб, гўё ҳаётидан асар кўринмай қоларди. Бу ҳолга мен, фақир ҳайрон бўлардим. Гоҳи чунон воқеа рўй берардики, ўттиз-қирқ киши бирин-кетин беҳуш бўлиб йиқилиб қоларди. Шу пайт мен Ҳазратга мутаважжиҳ бўлардим. Шунда бул жамоат бирин-кетин ўз ҳолларига келиб менга: «ажиб ҳузурий воқеа бўлди» —дердилар. Баъзи вақтлар чунон бўлардики, мени кўрган кишилар ажойиб кайфиятларга эга бўлиб, турли тушлар-воқеалар рўй берар эди. Мен эса қуруқ ғаму андуҳ тортиш билан овора бўлардим. Охиру-л-амр, Жаноб Ҳазратимиз айтардиларки, улар сени кўрганда зоҳир бўлган ҳолоти ажибалар, воқеотлар, ҳаммаси биз томонимиздан эди. Бу воситайи фано мартабасидандур, сенга соликлар назари тушган вақтда хотиринг биз томонда бўлган бўлса, ул соликларга ажойиб футуҳотлар рўй бергусидур. Агар хотиринг нафс хоҳишида бўлса, соликлар қуруқ қолган бўлурлар. Шунинг учун ҳам зоҳирпарастлар аҳли фанони билмаслар ва қадрига ҳам етмаслар. Чунким улар Жаноб Расулуллоҳнинг (с.а.в.) фақрларидан бебаҳрадурлар.

Бир куни мен фақир, Муҳаммад Муфти, бир кишидан хафа ҳолда ўз дардимни Ҳазрат олдиларида баён қилиб, истионат талаб қилдим. Ул зот мен фақирга хитоб ва итоб билан буюрдиларки: «Боргин, ул одам билан яраш қилгин, қайси бир мўъмин узрҳоҳлик қилиб, уч кеча саҳар туриб, Қозиялҳожот вожиб таолога арзи ҳожат қилса, албатта, мақсуди ҳосил бўлгай. Муридга лозим шулки, ҳамма аҳволини пири комилдан деб билгай, шундай бўлмаса, пири комил назаридан, инояту марҳаматидан узоқда қолгай».

Шундай воқеа бўлардики, бу ҳолатдан ўзимда йўқ бўлардим, аммо шунда Ҳазратимизнинг ҳозир эканлигини билмасдим. Бир қанча кунлар мулозимату хизматларига келгунча бетоқат бўлиб, суҳбатларига бориш иштиёқида бўлардим. Эсон-омон суҳбатларига етсам ушбу арзларни баён қилсам, дердим. Ул зотни кўрганда сифати жалолиятларидан ҳайбати азим ҳосил бўлиб, ҳеч бир калима айтолмас эдим. Охиру-л-амр ул жаноб менга рухсат бериб: «Фалон биродарнинг хонадонига боргин ва ёронлар билан суҳбат қилгин», —дедилар. Мен фақир бечора ҳол бўлиб, ватанга қайтиб келдим. Бир қанча вақтдан кейин биродари тариқат Мавлоно Фатҳуллоҳдан сўрадим. Айтдиларки: «Сиз фалон одамга, мен деб айтгансиз. Ҳазрати Мавлоно шу ерда эканликларини билмагансиз. Мен қўлимни ул зотнинг қўлларига,

тилимни тилларига берганман. Ҳамма аъзомни ул зотнинг аъзолари деб билдим, ҳатто, суратимни ҳам ул зот суратлари деб билдим. Фикру хаёлда сиз шундай бўлинг, огоҳ бўлингки, ул жанобнинг сурати ва сийрати сиздадур. Агар шундай бўлмаса эътиқодингиз дуруст бўлмайдур», — дедилар.

Мен фақир шундан сўнг биродари тариқатимнинг гапларига риоя қилиб, ажойиб ва ғаройиб зуҳуротлар кўрдим. Мулло Фатҳуллоҳ эътимод қилган равишга амал қилиб, ҳамиша Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг сурату сийратларини ҳозир топдим.

Ҳазрат *«исми аъзам»* хосиятини баён қилиб, буюрдиларким: «Унинг шароитларини ва нисобларини бажо келтирсангиз *«исми аъзам»* хосиятидан баҳра топурсиз ва бизнинг маслаҳатимиз шулки, сулуки хожагон таважжуҳидан *«исми аъзам»*ни ёд қилгайсиз. Агар ҳар бир инсон бу тоифаи олияни ҳозир тутиб, икки қошлари ўртасига таважжуҳ қилган ҳолда мажлис қурсалар ва ўзларини шу тоифайи олиянинг, ғойиб (йўқ) бўлсалар-да, ҳозир тутсалар (олдиларида деб билсалар) дунё ҳузури ва бошқа томонларни тарк қилган ҳолда мақсудларини дилга жойласалар, албатта, мақсудлари ҳосил бўлур».

Яна буюрдиларки: «Замона фосид бўлиб, амал ва зикр айтиш, таважжуҳи суҳбатта машғул бўлиш қийинлашганда унинг иложи шу *«исми аъзам»* ва юқоридаги таважжуҳ ҳолда зикру вазифаларни ўқишдир».

# ҲАЗРАТИ МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲНИНГ ТОЛИБИ ИЛМЛАР ВА СОЛИКЛАРГА АЙТГАН СЎЗЛАРИ БАЁНИ

Ҳазрати Мавлоно ўзларига байъат қилган мухлислар, содиқлар, соликларга даставвал буюрар эдилар: «Тамоми феълларинг ва аҳволларинг ва аъмолларинг тариқатга кирганингиздан буён балоғатда бўлади. Шу дамгача қўлдан, кўздан, қулоқдан, тилдан ва бошқа аъзолардан Ҳақ таолонинг ризолигига хилофлик воқеъ бўлган бўлса, қайтадан тавба қилиб, беш вақт намозни жамият билан ўтказинглар. Беш вақт намоз ҳаммага фарздур, аммо вақтини эътиборда тутинглар». Шунда баъзилар: «Бизларга талқини зикр, тавба, муроқаба ва бошқа заруриятлардан ўргатсангиз», — деб илтимос қилдилар. Ҳазрат буюрдиларки: «Суратингиз ва сийратингиз билан олдимизда туринглар-у, аммо ўзларингни эса ўртадан кўтаринглар ва айтинглларки: «Биз йўқмиз, Ҳазрати Мавлоно ўтирибдурлар». Шу эътиқодда бўлсангиз, ҳазрати хожагонларнинг руҳлари ҳозир бўлиб, сизларга баҳра берурлар».

Айтдиларки: «Ҳар доим зоҳиру ботинингизда ихлосу ақида билан бўлиб, ул зотлар (пирлар) тарафига оёқ узатманглар. Тариқат одобида шундайдур. Ва ҳам дилларингни ғайрдан (бегона фикрлардан) сақлаб, доим воҳиду-л-ҳол (ўзларингиз билан танҳо) бўлинглар. Дунё васвасаси ва ҳодисасига кўнгил берманглларки, ул Худонинг иродасидур. Пири тариқат қаерда бўлмасин, дилу тилларингизни, зоҳиру ботинингизни хатарлардан сақлаб, ул зотнинг таважжуҳи хотираларига кўз тиккан ҳолда ул зот дилларини муроқабада сақлаб ўтиринглар».

Яна айтдилар: «Гуноҳ гиёҳ ва хас-хашакка, тавба ва истиғфор ўтга ўхшайдир. Ўт хас-хашакка тегса, албатта, куйдирадур. Банда доим гуноҳини эслаб тавбада бўлса, унинг гуноҳини кечириб мақсадига етказадур. Тавба шул тариқа бўлсинки, ўз гуноҳига

тавба қилиб, йўлга киргандан кейин иккинчи бор гуноҳ қилмаса, Аллоҳ қошида энг улуғ банда ҳисобланади».

Айтдилар: «Солики тариқат доирайи шариатда бўлмаса, унга тариқат жоиз бўлмайдур. Биринчи, шариат йўлида тавба билан ибодатда покланиб, ундан асар топиш лозим. Аллоҳ таолонинг буйруғи бор: **«ва инни лағаффорун лимантоба ва омана ва амила солиҳот» [20:82]**, яъни, **«мен тавба қилиб, имон билан солиҳ амал қилувчига мағфиратлиман»**.

Бас, воқиф бўлингким, Аллоҳ таолонинг тўғри йўлида бўлиб, тариқайи анбиё ва авлиё салавотда бўлсангиз, албатта, гуноҳлар кечирилгай».

Яна айтдилар: «Шариатни ҳамма инсонга айтиб тушунтириш мумкин, аммо тариқатни талаби мажозийда айтиб етказиб бўлмагай».

Яна айтдилар: «Тавба маъноси бир қилган ишга пушаймон бўлиш, бир нотўғри гапни иккинчи тилга олмасликдир, ёмон амаллардан яхши амалга қайтиш тавба амали ҳисобланади. Бандайи мўъмин нафс ризолиги учун ўз таъби билан ношойиста амалларга берилса, Аллоҳнинг ғазаби ва чексиз азобига дучор бўлғусидир. Аллоҳ таоло Ўзи ҳозир ва нозирдир. Банда доим ғазаби илоҳийдан қўрққан ҳолда ёмон амалларни тарк этиб, амали солиҳлар билан дилни ҳозир тутиб, шариатдан ташқари иш қилмасин».

Набийнинг (с.а.в.): ***«Аттойибу миназзанби каман ло замбалаҳ» —«тавба қилувчи одам гуноҳсиз киши билан баробардир»*** ҳадиси ва Аллоҳ субҳонаҳу азза ва жалла каломи бўлмиш, **фа улоика юбаддилуллоҳу саййиотиҳим ҳасанотин [25:70]**, яъни, **«Уларнинг гуноҳларини савобга айлантириб юборади»** ояти мазмунига ҳамоҳангдир.

Шундан кейин буюрдилар: «Тавбага кирган бўлсангиз ва Аллоҳ зикрида бўлсангизу таважжуҳ хотирларинг пири хожагонда бўлмаса, сизларга Аллоҳ тарафидан файзу футуҳот муяссар бўлмағай».

Ҳақ таолонинг мўъмин бандаси Аллоҳ тарафидан тавфиқ топмагунча мақоми иззатга етолмайдур. Набий алайҳиссаломдан

ҳадис: ***«Тавфиқ — улуғ нарса, у азиз кишиларгагина берилур».***

Шундан кейин буюрдилар: «Тавбаю инобатни ҳар доим эътиборда тутсинлар, бўлмаса нафс ғурури шайтонга яқинлашиб, бу узоқ йўлда соликларни йўлдан чиқаргусидур. Бугун гуноҳ қилсам эртага тавба қиламан, деган беҳуда феъл пайдо бўладур. Яқин билингки, бугунги узрни эртага қолдирмай ўша онда нафсга зомин бўлиб, тавба қилиш керак. Умр эса эртага бўладирму ёки йўқми? *Валлоҳу аълам.* Аллоҳ таоло гуноҳ юки билан эзилган, узр ҳолатида дили яраланган, шу кайфият билан Аллоҳ таолонинг карамидан умидвор бўлган, узр сўровчи бандаларига ўз Каломида шундай деб буюрадур:

**«Инна ваъадаллоҳи ҳаққун фало тағурраннакумул ҳаётуд-дунё вало яғурраннакум биллаҳил ғарур» [31:33]**, яъни, **«Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Сизларни бу дунё ва шайтон мағрур қилиб қўймасин».**

Яна айтдилар: «Бандайи мўъмин ҳар қанча гуноҳ қилган бўлса, арҳамарроҳимин ва акрамал акраминдан ноумид бўлмай, гуноҳларига пушаймон бўлиб, тавбада бўлсин. **Оят: «Вамаи яъмалис суа авзалама нафсаҳу сумма ястағфириллоҳа яжидиллоҳи ғофурар раҳимо» [4:110]**, яъни, **«Ҳар ким гуноҳ иш қилса ёки ўзига зулм қилса, сўнг Аллоҳга истиғфор этса, Аллоҳни Ғафуру Раҳим ҳолда топади».** Яна **«Ло тақнату мин раҳматиллоҳ» [39:53]**, деб мўъмин бандаларга шафқатини билдирур».

Яна айтдилар: «Тавба демоқ қўлни қўлга бериб аҳд боғлашдир. Аллоҳ таввобурраҳимдур ва ваҳҳобу каримдур. Банда гуноҳ ва хусронга сабаб бўладиган ишлардан, албатта, узоқда бўлса, саодати тавфиқ аҳдига мушарраф бўлади. Қайтиб бу аҳди муборакка нуқсон етказмасинки, Аллоҳ таоло: **«Ва ман авфо бимо оъҳада алайҳуллоҳа фасаюътиҳи ажран аъзим» [48:10]**, деб ваъда қилган яъни, **«Аллоҳ билан ўртасидаги аҳдга вафо қилса катта ажр олур»**.

Яна айтдилар: «Қўлни қўлга бериш, яъни икки биродари мўъмин ўзаро хайрхоҳ бўлса, гуноҳлари тўкилур. Мўмин икки қўл билан пок сув олиб қаерини ювса, албатта, пок бўлур.

Шунинг учун икки биродари мўъмин яхши ишларни ўзларига бурч билиб, ёмон ишлардан қайтсалар, савоби поклик бўлур.

Аллоҳ, субҳонаҳу ва таоло: **«Яъмуруна бил маъруфи ва янҳавна ани-л-мункари ва юсориуна фи-л-хайрот» [3:114]**, яъни, **«амри маъруф, наҳйи мункар қилурлар ва хайрли ишларга шошилурлар, деб ул мўъминларни сифат қиладур»**.

Аллоҳ, субҳонаҳу ва таоло, Ўз Каломида бундай амрларни кўп баён қиладур».

Яна айтдилар: « Тавба қилгандан кейин, ножинс суҳбатидан ўзларингни ажратиб эътирозда бўлинглар».

Шундан кейин буюрдиларки: «Асли тавба шулки, ёмон биродарларнинг суҳбатидан ўзларини ажратсинлар ва мўъминларга ҳамроҳ бўлсинлар. Бунга Вожиб таоло ҳазратлари буюрадиларки: **«Ва аъриз анил жоҳилин» [7:199]**, яъни, **«жоҳиллардан қоч»** . Ва яна: **« Вала тутеҳъ ман ағфално қаблаҳу ан зикрино» [18:28]**, яъни, **«қалби зикримдан тўсиб қўйилганларга бўйсунма»**.

Яна айтдилар: «Қайси бир бандайи мўъмин Ҳазрат Расулуллоҳ суннатларида бўлган бўлса ва пири тариқатга инобат қилиб қўл берган бўлса, жон бериш ҳам осон бўлгайдур, бу йўлдан ташқаридагилар ранжу алам ва ғами бепоён, ҳасрат ва надоматда жон бергайлар».

Яна айтдилар: «Ножинс ёрдан мақсад ножинс аҳли суҳбат ва аҳмақ жамоатдур. Ўзи йўл билмас, йўл кўрсатсангиз сизни душман тутиб, аҳли суҳбатларнинг ҳам суҳбатига фасод етказиб, соликларга залолат етказурлар. Бундай тоифалардан Аллоҳ паноҳ берсин». Яна айтдилар: «Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий айтадиларки, тариқат соликларига лозим шулки, зараркунанда одамларнинг суҳбатидан ижтиноб қилинглар. Улар жамиятни нури имондан зулматга бошловчи, нури ҳидоятдан кўр бўлган тоифадир».

Яна айтдилар: «Соликони тариқатга лозим шулки, намози хуфтонни жамоат билан адо этиб, қиблага мутаважжиҳ ҳолда ўтириб, дилини Ҳақ субҳонаҳу ва таолога ҳозир тутсин, ўзининг аҳволини Аллоҳ ҳузурида деб билсин. Ҳар қанча талқини зикр

суҳбатда бўлса, мен Аллоҳ ҳузуридаман, деб муқаррар қилсин».

Шундан кейин айтдиларки: «Зикр калималарини айтаётганда уйқу ғалаба қилса, калимоти шаҳодатни бир бор ўқиб, кейин сурайи Ихлос ва *муъаввизатайн*ни уч бордан ўқиб, икки кафтига дам уриб, тамоми аъзоларига суртсин, сўнгра бетини қиблага қилиб, ўнг томонига суяниб, ҳеч бир дунё сўзидан сўзламай, ухлашни ният қилсин. Солик таҳоратли бўлса, Аллоҳ ўз ҳифзу ҳимоятида соғу саломат асрагай».

Яна айтдилар: «Солики тариқат уйқудан бедор бўлганда «Субҳоналлоҳи ва-л-ҳамду лиллоҳ вало илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» калимотини ўқиб, таҳоратга машғул бўлсин».

Яна буюрдилар: «Муриди тариқатга лозим шулки, таҳоратдан кейин намоз вақти бўлса, фарзу суннатни тамомласин. Агар намоз вақти бўлмаса, таҳийёти вузуъни адо қилсин, негаким таҳорат билан намоз ўртасида, албатта, дуо ижобат бўлгай. Намоздан кейин дуода бўлиб, савобини ота-оналари, тамоми мўъмин ва мўъминалар ҳақига бағишласин. Албатта, дуоларини Аллоҳ ижобат қилиб, тавфиқларини ибодатга зиёда қилгай. Тавба-истиғфор саҳар вақтида ижобатга яқиндур».

Акобири тариқат раҳимаҳумуллоҳ буюрибдурларки: «Икки фаришта бўлиб, бири савоб фариштаси, иккинчиси гуноҳ фариштасидур. Савоб ёзувчи фаришта ўнг елкада бўлиб, гуноҳ ёзувчи фаришта эса чап елкада, иккиси ҳам қўлида қалам билан мунтазир тургай. Бандайи бечора гуноҳ қилган бўлса, гуноҳини олти соатга қолдириб турар, агар солики тариқат тавфиқ топиб тавбаи истиғфорда бўлса, ҳаргиз гуноҳи ёзилмагай, чунки Аллоҳ таоло инояти билан гуноҳ фариштаси мағлуб бўлиб, савоб фариштаси ғолибиятга эга бўлиб, бандайи солик зулмату кудуратдан пок бўлғусидур. Аммо шарт шуки, банда намози нофилалардан кейин тавбаю истиғфорда бўлиб, қайтиб гуноҳ қилмасин».

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ буюрадиларки: «..бу тўрт ракъат нафл намозидан сўнг муридга лозим шулки, Аллоҳ таолонинг азаматлигига тазарруъ қилиб, минг-минг ниёзи тавфиқ билан хайрли амаллар ва ибодатда бўлиб, ёмон суҳбатли инсонлар шарридан ва сохта шайхларнинг зарарли суҳбатидан паноҳ

сўраб, қўли ишда бўлиб, дили Аллоҳга таъзиму тавозеъ билан шуғулланмоғи лозим. Тариқати хожагон тоифалари ***ДАСТ БА КОРУ ДИЛ БА ЁР*** равиясида истиқомат қилганлар. Ушбу иш икки дунё саодатини ҳосил қилгай».

Шундан кейин Мавлоно Лутфуллоҳ буюрдиларки:

«Солики тариқатга лозим шулки, намози шомдан кейин ўзини огоҳ тутиб, дунёвий амалга машғул бўлмай, Аллоҳнинг зикрида бўлиши керак. Машойихи сулук ва акобири хожагоннинг айтишларича, шом билан хуфтон орасида дунёйи охират саодатмандлиги мавқуф ҳолатда турар экан, солик Аллоҳ таолодан ўз аҳлларига ва халқуллоҳга саодатмандликни тилаб туриши лозим экан. Сулук машойихлари ва акобиру тариқатларнинг суннатлари шундай экан».

Яна Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Солики ошиқ ва муриди содиққа лозим шулки, акобири тариқат буюрган амалларни доимий ҳолда давом эттирсалар зоҳиру ботинларига нури равнақ ҳосил бўлғусидур. Бас, пири хирад ва муршиди равшанзамирдан истеъдод топиб, ботинига муносиб амалда бўлиш ул муриднинг асосий вазифасидур.

Эй азиз, Аллоҳ таоло буйруқларидан мақсад шулки, шариатда кўрсатилган ва тариқатда буюрилган савоблар лозим амалларни дўст тутиб, ҳузури дил билан нуқсонсиз амалда бўлсалар, албатта, самара берур.

Махфий қолмасинки, ҳар бир солик зарарли амаллардан ўзларини тийиб, буюрилган амалиётларни нафъ қиладиган ҳолда бажариши, доим ниятларини шак-шубҳадан холи қилиб, халқуллоҳ хайриятига амалда бўлиб, ибодатларини Аллоҳнинг ризолиги йўлида адо этиши, Аллоҳ учун хоҳиши нафсларини тарк қилиши шарт. Ва ўзларини шайтон васвасасидан холи қилган ҳолда Аллоҳ зикрига машғулликда бўлсинлар, маҳбуб-матлуби ҳақиқийдан ғофил бўлмасинлар.

Эй, биродар, шундай соҳибдил ва соҳиби боғнинг ризолигини топсанг, албатта, мевасидан баҳравар бўлгайсан.

Вой, ўшандай қавмларгаки, Аллоҳ таолонинг жамоли бокамоли ва фазли карамидан баҳра бергувчи зотларга, Аллоҳнинг дўстларига доим таъна тошини отиб, дунёю охиратдан бебаҳра қолурлар».

Мавлоно Муҳаммад Муфти Оҳангароний шундай нақл қилади: «Ҳисор вилоятида дарвишлар ва аҳли тариқат мухлислари билан Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ мулозиматида бўлдик. Пири бузрук менга хитоби ишорат билан айтдиларки: «Ўз вилоятингга бориб, дарҳол Мавлоно Муҳаммад Валий Чодакийдан халқни узоқлаштиргин!». Мен эса: «Эй, Махдумимиз, мен бир номурод илм солики бўлсам, Мавлоно Муҳаммад Валий Чодакий шайхдир ва дарвешлик водийининг мардидир. Махдуми Калонимиз Хожа Аҳмад Косонийнинг асҳобларидан бўлса, бу ишга қандай бош қўшаман», —дедим. Ҳазрати Мавлоно айтдилар: «Сен Оҳангаронга бор, Обликдаги масжидда бир қанча биродарлар ва ёронлар ўтирибдилар. Хожагонлар руҳига мутаважжиҳ бўл, унинг кушандаси сенга маълум бўлғай».

Мен айтилган масжидга бориб, эътикофга қўшилдим ва пири бузругимиз буйруқларига биноан таважжуҳда ўтирдим. Саҳар пайти эди. Менда ғайбат юз берди ва мушоҳада қилдимки, Мавлоно Муҳаммад Валий қўлидаги қилич билан менга ғазаб ҳолида ташланди. Мен қоча бошладим. Масжиднинг у бурчагидан бу бурчагига чекинардим, аммо у қилич ўқталишдан тўхтамасди. Шу аснода Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ кириб келдилар. Бир қўлларида қилич ва иккинчи қўлларида қалқон. Мавлоно Муҳаммад Валий менга қилич кўтарганда орага кириб қалқон билан мени тўсдилар ва мен қилич зарбидан қутулиб қолдим. Мавлоно Лутфуллоҳ дарғазаб бўлиб, Муҳаммад Валийга қилич урдилар ва жароҳат етказдилар Шу онда ғайбатдан ўзимга келдим. Атрофимдаги биродарлар ва дарвешлар «ҳол»да бўлганимни билиб, бунча изтиробга тушишим сабабини сўрадилар. Мен воқеани баён қилдим.

Шу аснода хабар келдики, Мавлоно Муҳаммад Валий бошига қандайдир ташвиш тушибдур. Ул зот ўша ташвиш билан дунёйи фонийдан охиратга сафар қилибдурлар (468[a]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг куёви Мавлоно Низомиддин Аҳмад шундай дедилар: «Мавлоно Лутфуллоҳ хонақоҳда ўтирган эдилар. Чустнинг энг катта акобири ҳузурларига келиб арз қилдики «Эй, хожам, эсингизда бўлса, Кўтарма ариқ сувини Чустга буриб юбораман деб хаёл қилган эдингиз. Шу иш нима бўлди?» Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ сукут қилиб, ҳеч нарса демадилар. Жавоб бўлмагандан кейин ул шахс чиқиб кетди.

Шундан сўнг ёнларида ўтирган Амир Маҳмуд машҳур «Китоби Муқаттаот»ни олиб узатди, бузругимиз ул китобни очганларида ушбу қитъа чиқди:

*Ба жойи ҳеч кас андар замона бад накунам,*
*Агар ҳазор бад ояд аз ў фаромушам.*
*Равам ба ҳазрати додхоҳ, зи худ фано барам,*
*Ба жуз дуо наравад, ҳеч тираст кашам.*
*Дуо кунамки маро аз бадияш амин дор,*
*На он кунам ба жойи бади бадандешам.*
*Худо ҳаст гувоҳам ки андар он ҳолат,*
*Ғараз дуойи ваям, нест дуойи хешам.*

Мазмуни:

*Бировга ҳеч вақт кўнгилдин ёмонлик қилмасман,*
*Агар минг ёмонлик қилсалар, ёмон демасман.*
*Одил Ҳазрат олдига боргум, ўзимни фано этгум,*
*Дуодан бошқа ҳеч ўқни билмасман.*
*Илтижомдир унинг ёмонлигидан сақла,*
*Ёмон жойда ҳам ёмон фикрга бормасман.*
*Худодир гувоҳим, бундай ҳолатларда*
*Мен унинг учун дуо қиламан, ўзим учун эмас (236[a]).*

Нақл қилибдурларки, Мавлоно Лутфуллоҳ Ҳазрати Махдуми Калон Мавлоно Хожаги Аҳмад вафотларидан кейин Оҳангаронга келган эдилар. Нишпошда жаноб фазойил маоб Мулло Хожа Алининг хонадонларида бўлдилар. Вилоятдаги ёронлар ва хизматда бўлган биродарлар орасида Мулло Имод ҳам бор эди. Ул Махдуми Калоннинг халифаси бўлиб, у зотнинг вафотидан сўнг Мавлоно Лутфуллоҳни пир деб тан олишни хоҳламас эди. Мулло Имод бир неча кун Ҳазратнинг суҳбатларида иштирок этиб, сўнг ўз ёронларини олиб чиқиб кетди.

Ҳазрати Мавлоно хонадон эгаси Хожа Алига буюрдиларки: «Сиз бу кеча биздан узоқлашманг, саҳарда биз жўнаб кетамиз, ошни таҳажжуд намозидан кейин суздиринг». Хожа Али шундай ҳикоя қилдилар: «Шу кеч ул зотнинг хизматларида бўлиб турдим. Намози хуфтандан кейин дўппиларини ечиб, малла рўмол билан бошларини боғладилар ва юзларини қиблага қаратиб ўтирдилар ва менга: Чироқни ўчир», — дедилар. Чироқни ўчирдим. Ҳазрат кечаси билан ибодат қилдилар ва кам ухладилар. Саҳар туриб,

таҳажжудга машғул бўлдилар. Намоздан сўнг ош тортилди. Таом ейилгач, йўлга отландилар. Нишпош мавзесидаги Шоҳисолик деб аталадиган бир катта дарахт яқинига етганларида ҳаммага рухсат бердилар, ва: «Эсингизда сақланг, мен шу кеча Мулло Имоднинг бошини олмоқчи эдим, аммо Маҳдуми Калонимиз ўртага тушдилар ва олти ою ўн икки кун муҳлат сўрадилар. Ёронлар, кўрасизлар, у олти ою ўн икки кунда яланғоч дунёдан ўтгай», —дедилар.

Ноқил айтадурки: «Дарҳақиқат, олти ою ўн икки кундан сўнг қирғизларнинг бир жамоаси Оҳангаронга тажовуз қилди. Улар йўлда учраган Мавлоно Имодни яланғоч қилиб, жароҳат етказмаган жойлари қолмади, Мулло Имод ҳушидан кетиб йиқилиб қолди. Халқ унинг хонадонига олиб келди. Шу захм натижасида бу дунёдан сафар қилди» (236[б]-238[а]).

Жаноби Мавлоно Саъид шундай нақл қилади: «Мен фақир Самарқандда яшаб юрган кезларимда бир куни ҳужрамда тафсир мутолааси билан банд эдим. Шу аснода уйқу ғалаба қилиб, китобга бош қўйганча ухлаб қолибман. Воқеада кўрдимки, бир шахс изтиробли ҳолатда менга танбеҳ бериб: «Пайғамбар (с.а.в.) ташриф буюриб, Мотуридда сизни талаб қилиб турибдилар», —деди. Мен кўтаринки бир ҳолатда, завқ билан Онҳазрат (с.а.в.) ҳузурига тезлик билан етишга тараддудда эдимки, кимдир ҳужрам эшигини тақиллатди ва шу онда ўзимга келиб уйғониб кетдим. «Сиз кимсиз?» —дедим. «Мен фалончиман», —деб жавоб қайтарди меҳмон. Қарасам айнан воқеада кўрган шахсга ўхшайди. Нима гаплигини сўрадим. Ул шахс ўзининг Мотуриддан келаётганини, икки кундан буён Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ўша ерда эканликлари ва мени сўраётганликларини маълум қилди. Мен ўзимда йўқ завқу шавқ билан туриб шунча иноятлар кўришимга боис бўлган «Тафсир»ни олиб, Ҳазратга тортиқ қилиш нияти билан ул зотнинг мулозаматларига ошиқдим.

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ ул «Тафсир»ни ўшал вақт Ахсикент вилояти шайхулисломи аъламу-л-уламо ва-л-фузало Мир Аҳмад Аминга инъом қилдилар» (243[а]-[б]).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг ишончли ҳамда муътабар суҳбатдошлари ва мулозимларининг айтишларича, Ҳазрат

Ҳисорда бўлиб турганларида вилоят султонлари ўртадаги низо туфайли бир-бирлари билан келишолмай юрган эканлар. Охири асҳобларнинг улуғларидан ва аҳбобларнинг киборларидан бўлмиш ул зотнинг куёвлари Ҳазрати Низомиддин Мавлоно Аҳмад ва Мавлоно Юсуф Али икковлари Мавлоно Лутфуллоҳга арз қилиб айтдилар: «Эй, Махдумимиз, сизга маълум бўлсинким ўрталарига кудурат ва низо тушган бу султонларнинг барчаси сизнинг мухлисларингиздандур. Ўз иноятингизни дариғ тутмай, уларни яраштириб қўйсангиз, зеро ўз вақтида Хожа Носириддин Аҳрор ҳам низо ва адоватда бўлган султонлар орасига тушганлар. Ҳазрати Хожа ҳар учала подшоҳни Шоҳрухияда бир-бирлари билан яраштириб қўйгандилар. Эй, Махдумимиз, сиз ҳозирги замоннинг Хожа Аҳроридурсиз. Бу султонлар сизнинг шариф суханингизни ерда қолдирмаслар». Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Ҳазрати Хожа суннатларига амал қилиб султон Аббоснинг ҳар учала ўғли — Абулмузаффар султон, Музаффар султон ва Ваққос султонларни мажлиси шарифларида яраштириб қўйдилар (244а-244б).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг ахлоқи ҳамидалари ва афъоли писандидаларидан бир мисол шуки, айтишларича, ўша мажлисда Аббос султоннинг амирларидан бири ва унинг қайнотаси бўлмиш Мир Болту ўзининг кимлигини билдирмай, қўлида ҳасса бўлишига қарамай дастурхончилик қилди. Дастурхон солиниб ош тортилди ва тановул қилишга тушилди. Шу аснода Мавлоно Лутфуллоҳ Мир Болтуни назарда тутиб: «Бизнинг хизматимизга фалон киши келибдир. Марҳамат, бирга ош есак», деб илтифот қилдилар. Амир хижолат бўлиб султонга қарабди. Шунда султон ниёзмандлик ва шикасталик билан: «Агар иноят қилсангиз, мен сизнинг хизматингизни қилсам», — деди. Ул зот айтдилар: «Агар биз фалончининг шерик бўлишини хоҳласак, султонга чора йўқдир». Шундан сўнг Мир Болту келиб, Ҳазрати Мавлоно ёнларига ўтирди ва у киши билан бир товоқдан икки-уч луқма ош еди (244б-245а).

Нақл қилибдурларки, Марғинон махдумзодаларидан Мавлоно Шариф айтади: «Мен бир воқеанинг гувоҳи бўлганманки,

ундайини на бир баёз ёки маноқибда ўқимаганман. Воқеа шундай бўлган эди. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Марғинонга қилган охирги сафарларида ул зотнинг ҳузурларига бир фалаж беморни занбарга солиб келтиришди. Бечоранинг бир неча йилдан буён бормаган табиби ва муллоси қолмаган экан. Алқисса, Ҳазратнинг оёқларига бош уриб, нола билан: «Авлиёлар йўлдан озганни тўғри йўлга чиқарадилар, кўрларнинг кўзларини очадилар. Мен сизнинг олдингизга умид билан келганманки, бизнинг замонамизнинг Ҳазрат Хожа Аҳроридурсиз, оёқларимни юрадиган қилиб берсангиз».

Ҳазрат эшон тасарруф қилдилар. Бомдод намози бошланиб, Қуръон ҳофизлари бир неча оят ўқиган ҳам эдиларки, ҳалиги одам девонавор ўрнидан туриб кетиб, гўё ҳеч қачон оёқлари шал бўлмагандек рақсга туша бошлади. Шу тариқа оёқлари тузалиб, анча йиллар умр кечирди (247а-б).

Яна нақл қилибдурларки, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Кўтарма ариғи бошига ташриф қилиб, бир ой давомида бутун асҳоблар, мухлислар, кўп жойлардан йиғилган халқ билан ғайрат кўрсатиб атроф ерларни экинзорга айлантирдилар. Иттифоқо, одамлар ариқ четига чим босар эдилар. Айримлар елкасига ортиб, айримлар эса қопга солиб, чим таширдилар. Ҳасан исмли кандибодомлик бир мажзуб йигит чимни эшакка юклаб ташиётган эди. Бир куни чим ташиётганда эшакнинг қуюшқони бўшаб қолибди. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ буни кўриб Ҳасанни огоҳлантирибдилар. Шунда у: «Эй, хожам, сизнинг кўтарма ариғингиз ҳали кўпларнинг қуюшқонини узади», —дебди андишасизлик билан. Иттифоқо, ўша кун кечга яқин ёғингарчилик бўлиб, пана жой топишга эҳтиёж туғилди. Сўфи Ҳасан тик жар ёқасидан лаҳм ковлаб тунни ўша ерда ўтказадиган бўлди. Тунда жарнинг ўша қисми қулаб кетиб, Ҳасан тупроқ остида қолди. Тонг отгач, уни дараклаган баъзилар жарнинг қулаганини ва тупроқ остидан кетмоннинг дастасини кўриб, воқеадан хабар топдилар. Жамоат унинг жасадини ковлаб олиб, ювиб Ҳазрат имомлигида жаноза ўқилди, ўшал манзилгоҳга (ҳозирги Чустдаги Саримсоқтепа қишлоғи тепасига) қўйилди (247б-248а).

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг куёви Ҳазрати Мавлоно Низомиддин Мавлоно Аҳмаднинг нақл қилишича, Амир Тўхта Чустий деган киши Мавлонога арз қилиб, Саъдуллоҳ деган қишлоқнинг катталаридан бири унинг ерига экин экиб, энди ижара ҳақини бермаётганлигидан шикоят қилибди. Ҳазрат бир кишини юбориб ундан ушбу масала юзасидан жавоб олиб келишни буюрибдилар. Мир Тўхта Мир Абулқосим номли қариндошини Мулло Саъдуллоҳга юборибди. Саъдуллоҳ: «Икки-уч кундан бери тобим йўқ, уч-тўрт кундан кейин турсам, бориб жавоб бераман»,- дебди. Иттифоқо ўша куни Мавлоно Лутфуллоҳ яқинлари ва ёронлари ўз уйларида девор кўтараётган эдилар. Шул пайт Мир Абулқосим келиб, Саъдуллоҳ уч-тўрт кундан кейин сиҳат топса жавоб қилишини маълум қилди. Ноқил айтадики, шу аснода ҳазратнинг ҳолатлари ўзгарди ва айтдилар: «Ажиб жавоб дебдур, уч-тўрт кундан кейин ўрнидан туролмайди. Уч-тўрт ҳафтага чўзилади ва касали зўрайиб, вафот этади. Жавоб эса шу тариқа айтилмай қолади».

Дарҳақиқат, ҳазрат каромат қилганларидек, Саъдуллоҳ ўша касаллик билан дору-л-фанодан дору-л-бақога риҳлат қилди (249а-250а).

Яна нақл қилибдурларки, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Карниёндан Чустга ташриф буюриб, бу ерда ҳузур қилаётган пайтларида олдиларига Мулло Саъдуллоҳ деган киши келди. У тўпори одам бўлиб, авлиёлар оламидан батамом узоқ ва нодон кимса эди. Баъзида Ҳазратнинг мулозимларига номаъқул гапларни айтиб, озор берар, баъзида ҳазратнинг ўзлари ҳақида ҳам номуносиб сўзларни айтарди. Шу одам қаттиқ касал бўлди. Унинг куёви ва болалари илмли йигитлар бўлиб, касални тўғри хонақоҳга кўтариб олиб келишди ва Ҳазратдан дуои хайр қилишни ўтиниб сўрадилар. Ҳазрати Эшон қорига Қуръон ўқишни буюрдилар. Қуръон ўқилгандан сўнг, одатдагидек, китобни очсинлар, деб амр қилдилар. Шунда китоб очилиб, Жомийдан ушбу ғазал ўқилди. Байт:

*Дардмандаму ожизам бемору танҳову ғариб,*
*Ҳоли худ машруҳ, гуфтам вақти лутф, эй табиб.*

Мазмуни:

*Дардмандман, ожизу бемору танҳою ғариб,*
*Дедим: Аҳволни баён қилма, лутф қил,эй табиб.*

Қуръон ўқилганда, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг аҳволларида бирор ўзгариш сезилмади, аммо ғазал ўқилганда ҳолатлари ўзгарди. Вужудларида безовталаниш кўриниб, дам бу тиззаларига, дам иккинчи тиззаларига ўтирар эдилар. Ғазал авжига чиққан сари ул зотнинг аҳволлари янада оғирлаша бошлади. Ғазал тугаши билан яна ўз ҳолларига қайтиб тинчландилар. Сўнг Мавлономиз ҳофизни ёнларига чақириб, иноят қилиб сўрадилар: «Эй ҳофиз, фақат тўғрисини айт, бу қанақаси бўлдики, дастлаб Қуръон ўқиганингда айтиладики, «воқиф бўлки, бу инсоннинг тавбаси дард ва ихлос билан эмас ва тавбасига содиқ эмас». Сўнг ғазал очиб ўқиганингда қуйидаги мазмун чиқдики, «бу касал дардлидир, ожиздир ва унга лутф қилиш вақтидир». Сўнг яна Қуръон ўқиding ва унда айтилишича, «У тили билан иқрору аммо дил билан эмас ва аҳдда сустдир». Бундай қарама-қаршиликнинг чиқишига сабаб не ва бунда не маъни бор?»

Ҳофиз ҳазратта барча воқеа маълум бўлганини сезди ва ўзига деди: «Агар ростини айтмасам ва воқеани тушунтирмасам ҳамда бу ишимдан тавба қилмасам, Ҳазрат мендан рози бўлмайдилар».

Маълум бўлишича, ёронлар ҳазратнинг кўнглини юмшатиш учун ўзаро маслаҳат қилиб оятлар ва ғазални танлаб қўйишган экан.

Ҳазрат бағоят хафа бўлдилар ва ёронларни кўп изза қилдилар. Барча биродарлар қилмишларидан пушаймон бўлиб, тавба қилдилар. Ҳазрат лутф билан уларни авф этдилар ва ушбу дуони ўқидилар: «Аллоҳ таоло бизларни ва барча мусулмонларни ўз шумлигимиздан асрасин». Ҳамчунон, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: «Марди Худолар (яъни авлиёлар) билан беллашмоқ ва ўзида сезган баъзи ҳолатлар билан мағрурланмоқ лозим эмасдир. Истиғно ва истикбордан шумроқ нарса ва куфр йўқки, охирги ҳоли ва оқибати қийинчилик бўлгай. Аллоҳдан тавфиқ ва кўмак тилаш керакким, то иршод аҳлиниг иноятини топсинлар ва Ҳақ таоло тавфиқини азизларнинг иноятi ва муҳаббатидан деб билсинлар.

Мардларнинг (авлиёларнинг) иноятисиз ҳеч инсон хатарлардан, хатоликлардан омонликда бўлмайди. Зубдату-л- орифин Ҳазрати Чалабий буюрибдурларки, иноят тоатсиз ёрдам бериши мумкин, аммо тоат иноятсиз фойда бермагай. Агар авлиёуллоҳларнинг иноятi камолидан ҳар иккисига эга бўлсалар, нур устига нур бўлғусидур.

Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳнинг куёви Низомиддин Мавлоно Аҳмаднинг нақл қилишича, ҳижрий йилнинг 967 йилида барча қозоқ султонлари кўп лашкар билан Мовароуннаҳрни олиш мақсадида Сайрамға бостириб кирди. Бу диёрнинг жами султонлари ва амирлари ҳамда мусулмонлари жанг қилишни, уруш бўлишини хоҳламас эдилар. Улар душманнинг иттифоқи ва кўплигидан чўчиб, Мавлоно Лутфуллоҳ хизматларига арзу ихлос билан келдилар. Айни шу пайтларда мавлономиз бемор бўлиб, кўрпа-тўшак қилиб ётган эдилар. Ул зот бу мусулмонларни изтиробда қолганликларини фаҳмлаб айтдилар: «Менинг тасбеҳимни олиб беринглар, ул золимлар ва мусулмонларнинг душмани мағлубиятга учраши учун банд боғлайман». Бир неча кун ўтиб, Сайрамдан шундай хабар келдики, икки ўртада бўлиб ўтган жанг тафсилотларини таърифлашга тил ожизлик қилади. Аввал мовароуннаҳрликлар саросимага тушиб бошлари гангиб, вазиятни қўлдан бой бериб қўйибдилар Ногоҳ Аллоҳнинг қудрати билан шамол кўтарилиб душман лашкари ва лашкаргоҳини ўраб олибди ва душман чанг-тўзон ичида қолиб кетибди.

Махфий қолмасинки, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ сафари муборакларида бир жойда кўп турмас эдилар. Гоҳо Марғинон, Андижон, гоҳо Тошканд, Самарқанд ва Ҳисор, Чағониёнга сафар қилар эдилар. Охирги сафарлари Фарғонада ўтган эди. Куз фаслининг охири эди. Хўжанддан Тошкандга ўтиб, қиш фаслини Тошкандда ўтказдилар. Ул зотнинг хаёлларида мозори мутабаррик Даҳбеди шарифга бориш ва умрнинг сўнгини шу ерда ўтказиш фикри бор эди. Агар ажалим етса пиримнинг оёқлари остида ётсам, деб ният қилар эдилар. Онҳазрат Тошкандда бўлиб турганларида баданларида заифлик ҳолати кўринди. Шунга қарамай, Ҳазрати шайх мозорини зиёрат қилишга, Хўжандга бордилар, гўё Самарқандга сафар ихтиёр қилганликларини Шайх Муслиҳиддин билан маслаҳатлашгани келган эдилар. Зиёратдан сўнг мозордан ташқарига чиқиш пайтида остонада пойи муборакларри озгина тойиб кетиб, бир-икки кун оёқлари оғриб юрди. Шунда айтдиларки, бизнинг хотиримизга Самарқандга боришдан олдин Шайхнинг мозорларини зиёрат этиб, маслаҳат қилиш фикри келган эди. Кўрингки, Шайх ижозат бермадилар ва оёғимнинг синишига ишорат қилдилар. Шундай қилиб, Пискат

ва Тошкандга қайтдик. Айтар эдиларки, ҳеч қайси сафарлари бунчалик оғир кечмаган. Ҳазрати эшон уч-тўрт ой қишни беморлик ҳолатида ўтказдилар, кўп кишилар табаю инобатга сазовор бўлдилар. Заифалар, сарпўшидалар ҳам шул иноятдан, ул зотнинг кимё асар суҳбатлари, таважжуҳотларидан баҳраманд бўлдилар, жумла мусулмонлар ва мўъминлар ул зот туфайли нури илоҳийдан баҳраманд бўлдилар.

Яна нақл қилибдурларки, Мавлоно Лутфуллоҳ Тошкандни сайр қилиб юрганларида Ушко деган қишлоққа нузул қилдилар ва икки кун Қози Миракнинг уйида бўлдилар. Учинчи куни намози асрга яқин ёронларга буюрдиларки: «Отларни эгарланглар, Ақсуққа борамиз». Ёронлар айтдилар: «Эй, бузруквор, кеч бўлди-ку». Мавлоно Лутфуллоҳ унамадилар. Ёронлар унда намози асрни ўқиб, йўлга чиқишни, чунки офтоб охирлаётганини айтдилар. Ҳазрати эшон алайҳирраҳма айтдилар: «Ғам еманглар, у ҳам Аллоҳнинг яратганидир, Худо дўстларнинг манфаатига риоя қилади».

Алқисса, йўлга отландилар. Ақсуққача бир кунлик йўл эди. Ақсуққа етиб келганларида қарасаларки, пешин намозида кўрган кун ўз жойида турибдур. Аср намозини ўқидилар (276[б]-277[а]).

Нақл қилишларича, Ҳожи Ҳасан Қуводиёний замонанинг уламо ва фузалосидан бўлиб, зуҳди тақвода маъруф ва машҳур эди. Ўша даврнинг бирор бир машойихига байъат ва иродат қўлини бермаган эди.

Ул зот Каъбаи Маккаи муаззамаи мўтабаррик тавофига бордилар. Сўнг Мадинаи мунавварага — Саййид ал-мурсалин (с.а.в.) зиёратларига мушарраф бўлдилар. Ул зотнинг қабрлари энида уч кеча-кундуз нола қилиб дунёу охиратларининг хижолатидан арзи ҳол қилдилар. Учинчи куни воқеада кўрдиларки, Пайғамбар (с.а.в.) кўриниб: «Эй, Ҳожи Ҳасан, ҳакими алал итлоқ ҳикмати комиласи бирла тақдир этганким, ҳар бир шахснинг иродати ва ҳидоятини бандаларининг бирига топширгандир. Сенинг дардингга даво Фарғона вилоятида, Худо дўстларидан бирининг қўлидадирки, унинг исми Лутфуллоҳдур». Ҳожи Ҳасан айтадурки, бу воқеадан кейин атрофни мушки анбар ҳиди гўё жаҳонни муаттар қилгандек, ҳузури хурсандлик

менга ҳосил бўлди. Мен ул ердан қайтиб, Самарқандга келдим. Масжиди Работга бордим. Масжидда Махдуми Аъзам эътикофда эканлар. Ёронлардан Мавлоно Лутфуллоҳни сўрадим. Улар ул зотнинг бир иш билан икки кун олдин бир жойга юборилганини ва яқин орада келиб қолишини айтдилар. Масжиди Работда икки кун турсам-да, Ҳазрат Махдумнинг мулозаматларига бормадим. Учинчи куни Махдуми Аъзам мажлисларига бордим. Онҳазрат айтдилар: «Ҳожи, яқинроқ келинг, сизни кўрайлик». Мен бирор бир ҳожини сўраяптилар, шекилли деб эътибор қилмадим. Иккинчи марта чақирдилар. Мен яна эътибор қилмадим. Учинчи марта ҳам чақириб: «Эй, Ҳожи Ҳасан Қаводиёний, яқинроқ кел», —дедилар. Шунда яқинроқ бордим, мени ёнларига олиб, кўп навозишлар қилдилар ва дедилар: «Эй Ҳожи, бизга мулозамат қилганингдан сенга ҳеч зарар етмайдур, биз биладурмиз, Онҳазрат (с.а.в.) сени Мавлоно Лутфуллоҳга ҳавола қилдилар». Мажлисдан чиққан заҳотим Мавлоно Лутфуллоҳ келганликларини эшитдим. Йўлда кета туриб ул зотнинг муборак жамолларига кўзим тушди. Ҳушимни йўқотдим».

Шундан кейин пойи қадамларига бош урдим. Ул зот бошимни кўтариб мени қучоқладилар, қўлимдан етаклаб, Махдуми Аъзам ҳузурларига элтдилар. Ҳазрати Махдуми Аъзам Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳга илтифотлар қилиб айтдиларки: «Муборак бўлсин, Ҳазрати Фахри олам, Расули мукаррам ва Баргузидаи авлоди бани Одам (с.а.в.) сизни ёдлаб ҳузурингизга Ҳожи Ҳасанни юбориб, тарбиятини топширибдилар». Кейин менинг қўлимни олиб Мавлоно Лутфуллоҳ қўлларига топширдилар. Шу мажлисда Мавлоно Лутфуллоҳга рухсат бердилар.

Алқисса, Ҳазрати Мавлоно Ахсикентга келдилар. Ҳожи Ҳасан шундай дейди: «Уч йил ул зотнинг мулозиматларида бўлдим. Бир куни Ҳазрат ухлаётганларида, мен хизматларида ўтириб ўзимга-ўзим: «Гарчи Ҳазрат саллаллоҳ алайҳи васаллам мени бул зотга ҳавола қилган бўлсалар-да, шу пайтгача у кишининг бирор бир хавориқ одатларини мушоҳада қилмадим», деб ўйладим. Менда шул он ғайбат ҳосил бўлиб, бир эшик кўринди, икки табақали. Ичкарига кирдим, чорбоғни кўрдим, ниҳоятда зийнатланган. Тўрт ариқ жилваланиб оқмоқда. Оёқ ости мармардан экан, дарахтларининг ҳаммасида булбуллар Аллоҳни ёдлаб сайраб турибдур. Чорбоғ пешонасида қасрни

кўрдим, ниҳоят баланд. Унга ўхшаш қасрни ҳеч кўрмаганман. Унинг назиру тафсирини баёи қилишга тилим лолдур. Унга ёқутдан қулф солинган экан. Қаср бурчагига етиб бордим, бирдан эшик очилди. Кирсам унинг ичида ҳам чорбоғ. Тавсифига ожиздурман. Гўё саҳро ўртасида чорбоғдир. Узумлар ғарқ пишган ва осилиб турибди. Бир бошини узиб олдим ва боғдан чиқиб кетишга қасд қилдим. Шул ҳолатда уйқудан уйғондим. Кўрдимки, ул бир бош узум қўлимда турибдур. Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ кўзларини очиб менга нигоҳ ташладилар ва: «Эй, Ҳожи Ҳасан, бизнинг чорбоғимизни кўрдингму? Узган узумингни олиб кел, иккимиз ейдурмиз»,— дедилар. Беихтиёр фарёд тортиб юбордим ва ҳушимни йўқотиб йиқилдим. Ҳушимга келсам, айтдилар: «Эй Ҳожи, ҳар нарсани хотирга олавериш керак эмас, ниманики кўрган бўлсанг, биз хоҳлаган эдик»,—дедилар ва мен бечора ҳақига фотиҳа ўқидилар. Фақир Ҳазрати Мавлононинг оёқларига бошимни қўйиб кўзларимга сурма қилдим. Ончи файзи футуҳот талабида эдим, алҳамдулиллоҳ, кўрдим» (277а-279б).

Субҳона раббика робби-л-иззати амма ясифун ва саломун ала-л-мурсалин, ва-л-ҳамду лиллаҳи робби-л-оламин. Омин.

Бу нусха Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг марҳамати билан ноёб нусхадан рабиъ ал-аввал ойининг йигирма тўққизида кўчирилди. Сана бир минг икки юз йигирма бешинчи ҳижрийдур.

Шул вақтда роқим арз қиладурким, эътиборингизга ҳавола этилган бу китоб «Маноқиб ва мақомоти Ҳазрати зубдату-л-орифин, қудвату-с-соликин Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ *навваразлоҳу марқадаҳу*» эди[1] .

---

1 УзФА Шарқшунослик институтидаги 5785-рақамли қўлёзмада шундай келтирилган: Ушбу ҳарфлар роқими шундай дейдики, халқ ўқиганда малоллик келмаслиги учун Ҳазрат Мавлономизга нотўғри нисбат берилган шубҳали баъзи ҳикоятлар ва воқеаларни инобатга олмадим ва ушбу нусхани ишончли далиллар асосида ёздим. Алҳамдулиллоҳ, Мавлоно Мир Муҳаммад ал-муфти Тошкандийнинг қўли билан ёзилган мазкур шариф маноқиб нусхаси ҳижрий 1292 йилда тугатилди.

## МАНБАДАГИ МАНҚАБАЛАР (НАҚЛЛАР) МАЗМУНИНИНГ ФИҲРИСТИ

| | |
|---|---|
| №1. (56б-57а) | Туғилган жойи ҳақида |
| №2. (57а-59б) | Самарқанд таҳсилидан қайтиш ва кадхудолик |
| №3. (59б-60а) | Чодак васфи |
| №4. (60а-61а) | Мавлоно Лутфуллоҳ васфи |
| №5. (61а-63а) | Дастлабки таҳсил |
| №6. (63а-б) | Хуррамободга ташриф |
| №7. (63б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг ота-боболари ҳақида |
| №8. (63б-64а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг отаси ҳақида |
| №9 (64а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг болалик хотираси |
| №10. (64б) | Болалик хотираси |
| №11. (64б-65а) | Ота хотираси |
| №12. (65а) | Ота хотираси |
| №13. (65а-66б) | Болалик хотираси |
| №14. (66б) | Болалик хотираси |
| №15. (66б-67а) | Чинор дарахти таърифи |
| №16. (67а) | Бурҳониддин Марғиноний ҳақида ривоят |
| №17. (67а-68а) | Мавлоно Ҳусомиддин ҳақида |
| №18. (68а-б) | Шоҳ Ҳусайн зикри |
| №19. (68б-71б) | Шоҳ Ҳусайннинг Самарқанддаги таҳсили ва Хожа Аҳрор |
| №20. (71б-72б) | Шоҳ Ҳусайннинг Хожа Аҳрорни тушида кўриши |
| №21. (72б) | Шоҳ Ҳусайннинг авлиёлиги |
| №22. (72б-73б) | Шоҳ Ҳусайннинг ҳайитда ҳокимга қилган дағдағаси |
| №23. (73б-74б) | Қарғишга учраган ҳоким |
| №24. (74б) | Шоҳ Ҳусайн фано ҳақида |
| №25.(74б-75б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Самарқандга таҳсилга кетиши олдидан Шоҳ Ҳусайн билан хайрлашуви |
| №26. (75б) | Таҳсил даврида Чодак ва Марғилонга келиши |
| №27. (75б-76а) | Шоҳ Ҳусайннинг бузруквор эканлиги |
| №28. (76а) | Шоҳ Ҳусайннинг Мавлоно Лутфуллоҳга берган баҳоси |
| №29. (76а-б) | Шоҳ Ҳусайнннинг Мавлоно Лутфуллоҳга ўгити |
| №30. (76б-77а) | Шоҳ Ҳусайн ва Хожа Аҳрор |
| №31.(77а-б) | Муҳаммад Қози даргоҳига йўлланма ва Шоҳ Ҳусайннинг вафоти |
| №32. (77б-78а) | Муҳаммад Қози зикри |
| №33. (78а-б) | Самарқандда таҳсил олаётган даврида тариқатта қабул этишни илтимос қилиб Муҳаммад Қозига Мавлоно Турди орқали мурожаати |

| | |
|---|---|
| №34. (78б-79а) | Мавлоно Турдининг хушхабари |
| №35. (79а-80а) | Муҳаммад Қози васфи |
| №36. (80а-б) | Муҳаммад Қозининг Ахсида касал бўлиши |
| №37. (80б-81б) | Маҳдум Хожаги Аҳмаднинг Муҳаммад Қози хизматидаги бир баққол ҳақида айтганлари |
| №38. (81б-82а) | Маҳдуми Калоннинг Муҳаммад Қози ҳақидаги хотираси |
| №39. (82а-83б) | Мавлоно Шоҳ Ҳожи Муҳаммад Қозининг каромати ҳақида |
| №40. (83б-84а) | «Одоб ас-соликин» рисоласидан Муҳаммад Қозининг Жавҳария мадрасасидаги таҳсил даври ҳақида |
| №41. (84а-б) | Муҳаммад Қози Хожа Аҳрор ҳақида |
| №42.(84б-85б) | «Насиҳат ас-соликин» рисоласидан Муҳаммад Қозининг Хожа Аҳрор ҳақида айтганлари |
| №43. (85б-86а) | «Силсилат ал-орифин»дан Муҳаммад Қозининг Хожа Аҳрор мулозаматларида бўлиш даври ҳақида. |
| №44. (86а-87а) | Маҳдуми Калон Хожаги Аҳмад Косоний зикри Хожа Абу Яъқуб Ҳамадоний ҳақида нақл |
| №45. (87а-88б) | Шайхлик шарти ҳақида |
| №46. (88б-89а) | Мавлоно Шамсиддин Қуҳистоний ва Мавлоно Лутфуллоҳ суҳбати |
| №47. (89а-б) | Бир азизнинг Хожа Аҳрор билан савол-жавоби |
| №48. (89б) | Маҳдуми Калон Хожаги Аҳмаднинг кароматлари ҳақида |
| №49. (89б-90а) | Мавлоно Лутфуллоҳ Хожаги Аҳмад мулозаматида |
| №50. (90а-91а) | Мавлоно Лутфуллоҳга пирлик нисбати берилгани ҳақидаги маънавий ишора воқеаси |
| №51. (91а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ Хожаги Аҳмад даргоҳида |
| №52. (91б-92а) | Ҳазрати Пир Румийдан ўгит |
| №53. (92а-б) | Маҳдуми Калоннинг Ахсикатдан Санги қишлоғига бориши |
| №54. (92б) | Мавлоно Куҳзарий ҳикояти |
| №55. (92б-93б) | Мавлоно Шоҳ Жомий ҳикояти |
| №56. (93б-94а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Муҳаммад Қози ҳузурида олти йил бўлиб, унинг вафотидан сўнг Чодакка қайтиши. Маҳдуми Калоннинг Чодакка келиб, уни ўз ҳалқасига чорлаши. Мавлоно Лутфуллоҳнинг Қози Маҳмуд Чодакийнинг қизига уйланиши |
| №57. (94а) | Маҳдуми Калоннинг Мавлоно Лутфуллоҳга унаштирган қизининг вафоти |
| №58. (94а-96а) | Мавлоно Лутфуллоҳ Хожаги Аҳмад Косоний мулозаматида |
| №59. (96а-б) | Хожаги Аҳмаднинг Мавлоно Лутфуллоҳга суҳбат ижозати бериши ҳақида |

| | |
|---|---|
| №60. (96б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг воқеада муҳаббат уруғини сочгани ва икки жойга етмагани |
| №61. (96б-97а) | Мавлоно Лутфуллоҳга қарши мухолифларнинг Хожаги Аҳмадга таъсири ва оқибати |
| №62. (97а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир хотираси |
| №63. (97а) | Хожаги Аҳмаднинг Бухорода бўлиши |
| №64. (97а-б) | Маҳдуми Калон Хожаги Аҳмаднинг ўз равияси ҳақида |
| №65. (97б-98а) | Мавлоно Лутфуллоҳ ўз устозлари ҳақида |
| №66. (98а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ахсикатдан Хожаги Аҳмад ҳузурига бораётганида йўлда уни кузатиб борган номаълум суворий ҳақида |
| №67. (98а-98б) | Хожаги Аҳмаднинг Ахсикатдан Бухорога йўл олиши баёни |
| №68. (98б-102б) | Маҳдуми Калон мақомотидан нақл: Косонда рўй берган жазба ҳолати ҳақида |
| №69.(102б-103б) | Хожаги Аҳмаднинг Косондан Самарқандга кўчар маҳалида қирғиз босқинининг бошланиши |
| №70. (103б-104а) | Хожаги Аҳмаднинг Бухорода Султон Иброҳим Девон билан ихтилофи |
| №71. (104а-105а) | Ҳофиз Куйкий нақли: Хожаги Аҳмаднинг хон ҳузурига бориши |
| №72. (105а) | Султон Иброҳимнинг ҳалокати |
| №73. (105а) | Умдат ал-умаро Саййид Алининг Султон Иброҳим қатли ҳақидаги ҳикояти |
| №74. (105а-106а) | Бароқхон хизматидаги Дарвеш Қосимнинг Маҳдуми Калонга мункирлиги ва Дабусия қалъаси олдидаги мулоқот мазмуни |
| №75. (106а) | Абдуллатифхон ва Бароқхоннинг 200 минг лашкар билан Бухорони қуршаб олиши |
| №76. (106а-107б) | Хожаги Аҳмаднинг Мавлоно Лутфуллоҳга суҳбат ижозати ҳақида 13 марта ҳужжат бериши |
| №77. (107б-108б) | Заҳириддин Бобурнинг Маҳдуми Калон Хожаги Аҳмад ҳузурига мулозим юбориб, китоб тақдим этиши |
| №78. (108б-109а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг ёшликда кўрган воқеаларидан: болаликдаги кароматлар |
| №79. (109а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Самарқандда Амир Темурхон мадрасасидаги таҳсили даврида кўрган воқеа |
| №80. (109б-110а) | Талабалик айёмида Хожа Аҳрор қабри зиёрати: пирлик илоҳий нисбати ҳақида ўгит |
| №81. (110а-б) | Таҳсил даврида Абу Мансур Мотуридий қабри зиёрати: тафсирни ўқиш ҳақида буйруқ ва мужда |
| №82. (110б-111б) | Таҳсил даврида Хожа Аҳрор қабри зиёрати: зикр талқини |

| | |
|---|---|
| №83. (111б-112а) | Таҳсил даврида илоҳий нисбат аломатларининг кўриниши |
| №84. (112а-113б) | Самарқандга таҳсил учун жўнаш олдидан Қози Маҳмуд фотиҳаси |
| №85. (113б-114а) | Мавлоно Лутфуллоҳ ўзининг соҳибвоқеа эканлиги ҳақида |
| №86. (114а-б) | Муҳаммад Қозининг Бухорода Маҳмуд Балхий ва Маҳмуд Бухорий билан баҳси |
| №87. (114б-115а) | «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асаридан нақл |
| №88. (115а) | Ҳирот уламоларидан Абдурраҳим Кошғарийнинг Абдурраҳмон Жомий ҳақидаги хотираси |
| №89. (115а-116а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг тариқатта кирган илк даврларида Чодақдаги Шайх Осим қабрини зиёрат қилиши ва ғойибона мулоқот |
| №90. (116а-б) | Ахсикатда Момо Хотун қабрини зиёрат қилиши |
| №91. (116б-117а) | Косонда Махдуми Калон Хожаги Аҳмад томонидан Мавлоно Саъиднинг куёвликка танланиши |
| №92. (117а-118а) | Карниёнда муроқаба ҳолатида ғайбат юз бериши: унга нисбати шарифнинг берилиши |
| №93. (118а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ томонидан ўтказилган илк суҳбатлар |
| №94. (118б-119а) | Мавлоно Низомиддин Хомуш Ҳазрати Хожа Алоуддиндан олинган қувват ҳақида |
| №95. (119а) | Хожа Аҳрорнинг Хожа Абу Бакр Қаффол қабрини зиёрат қилиши |
| №96. (119а) | Махдуми Калон ўқиган оятдан Муҳаммад Қозининг таъсирлангани |
| №97. (119а-б) | Хожа Аҳрорнинг аҳли тариқатта савол қилиши ва унга Муҳаммад Қозининг жавоби |
| № 98. (119б-120а) | Мавлоно Лутфуллоҳ ўзликни унутиш ҳақида |
| №99. (120а-121а) | Шамс Табризийнинг Абулҳасан Харақонийдан ривояти |
| №100. (121а-б) | Тариқат улуғларидан ўгит |
| №101. (121б-125а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг ўгити |
| №102.(125а-138а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ахсикат Жомеъ масжидидаги эътикофи. Муҳаммад Муфти ва Мир Фозил-Али Кандибодомийга танбиҳи |
| №103. (138а-б) | «Мавлавий Румий маноқиби»дан ўгитлар |
| №104. (138б-139а) | «Кашф ал-маҳжуб»дан тасаввуф мартабалари ҳақида |
| №105. (139а-б) | Самоъ хосияти ҳақида |
| №106. (139б-140а) | Жунайд Бағдодийнинг Пайғамбарни тушда кўриши |
| №107. (140а) | Дарвешнинг самоъ мушоҳадасидан ҳайрати |
| №108. (140а-б) | Шайх ва пир ҳикояти |

| | |
|---|---|
| №109. (140б-141а) | Шайх Жунайд Бағдодий самоъ лаззати ҳақида |
| №110. (141а-б) | Ғазолий самоъ ҳақида |
| №111. (141б-142а) | Муҳаммад Қози баъзи суфий тоифаларининг самоъси ҳақида |
| №112. (412а-б) | «Хожа Баҳоуддин мақомоти»дан нақл |
| №113. (142б-143б) | «Хожа Баҳоуддин мақомоти»дан Шайх Хурд Карминагий ҳақида |
| №114. (143б-144а) | «Нафаҳот ал-унс»дан нақл |
| №115. (144а-145а) | «Рашаҳот»дан нақл |
| №116. (145а-б) | «Рашаҳот»дан Мавлоно Исмоил Фаркатий нақли |
| №117. (145б-146а) | Ҳирот шайхулисломи Сайфиддин Аҳмад ва Абдурраҳмон Жомий ҳикояси |
| №118. (146а-147а) | Абдуллоҳ Ансорийдан суфий ва канизак ҳикояси |
| №119. (147а-149б) | «Силсилат ал-орифин»дан самоъ ҳақидаги фатво |
| №120. (149б-150б) | Муҳаммад Қозидан нақл: Алоуддин Ғиждувоний ва Муҳаммад Порсо савол-жавоби |
| №121. (150б-151а) | Муҳаммад Қозининг Хожа Аҳрор вафотидан сўнг Ҳиротга бориши |
| №122. (151а-152б) | Хожа Аҳрор ўгити |
| №123.(152б-153б) | Боязид Бистомий: Кимки бизнинг зиёратимизга келса... |
| №124. (153б-154а) | «Нафаҳот ал-унс»дан: Баҳоуддин Умар одатлари ҳақида |
| №125. (154а-б) | «Равзат ас-соликин»дан: Мавлоно Алоуддиннинг Шайх Абдулкабир Яманий ҳақидаги ҳикояси |
| №126 (154б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг одоблари ҳақида |
| №127. (155а-б) | Хожа Баҳоуддин кибриё-улуғлик ҳақида |
| №128. (155б-157а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг одатлари ҳақида |
| №129. (157а-167б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг хати |
| №130. (167б-169б) | «Равзат ас-соликин»дан: Мавлоно Алоуддин номукаммал шайх ҳақида |
| №131. (170а-176а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг насиҳатномаси |
| №132. (176а-177а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг кароматлари ҳақида |
| №133. (177а-178а) | Хожа Маҳмуд Самарқандий Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир кароматии ҳақида |
| №134. (178а-179б) | Мир Фозил-Али Кандибодомий Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир каромати ҳақида |
| №135.(179б-180б) | Мавлоно Саййид Тошкандий Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир каромати ҳақида |
| №136. (180б-182б) | Мавлоно Муҳаммад-Шариф Самарқандий Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир каромати ҳақида |
| №137. (182б-186а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Чустда эътикофда ўтирган пайти юз берган воқеа |
| №138. (186а-б) | Бойсунлик дарвешларнинг Дарбанд қалъасидаги |

| | |
|---|---|
| | Мавлонога ғойибона эътиқодда бўлган мухлис-толиби илм ҳақида |
| №139. (186б-187б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Марғилонга ташрифи |
| №140. (187б-188б) | Мавлоно Лутфуллоҳга Исмоил Отойининг мункирлиги |
| №141. (188б-189а) | Мир-Саййид Ўратепагий Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ўратепага ташрифи ҳақида |
| №142. (189а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ҳисорга ташрифи |
| №143. (189б-190а) | Хуросонлик йигитнинг Мавлонога мункирлиги ва тавба қилиши |
| №144. (190а-б) | Мавлоно Турдининг Мавлоно Лутфуллоҳга мункирлиги |
| №145. (190б-191а) | Мавлоно Бобо-Ҳожининг Мавлоно Лутфуллоҳ тўнини калта қилиб бериши |
| №146. (191а) | Муҳаммад Муфтининг ғайбати |
| №147. (191а-б) | Мир-Шоҳ Ҳусайн Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир кароматн ҳақида |
| №148. (191б) | Мавлоно Мир Муҳаммад Шаҳрисафоий Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир каромати ҳақида |
| №149. (191б-192а) | Мулло Саййидий Тошкандий Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир каромати ҳақида |
| №150. (192а-193а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Самарқандда Масжиди Работда эътикоф ўтириши |
| №151. (193а-б) | Сунбул исмли ғулом ишчининг қочиб кетиши ва тутилиши |
| №152. (193б-194а) | Иброҳим Ҳалвогар Бохноний уловининг йўқолиши |
| №153. (194а-195б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Самарқандга пир сифатидаги илк ташрифи |
| №154. (195б-197б) | Абдуллатифхон вафотидан сўнг Бароқхоннинг Самарқандга юриши |
| №155. (197б-198б) | Бароқхон вафотидан сўнг Дарвешхоннинг Тошканд тахтига ўтириши. Самарқандда Бобо Султонга қарши исён |
| №156. (198б-200а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ҳисордан Бадахшонга бориши |
| №157. (200а-203а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Кобулда Хожа Аҳрорни тушида кўриши |
| №158. (203а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ вафотидан икки-уч кун олдин Мавлоно Зуннун ҳақида айтган гапи |
| №159. (203б-204а) | Мавлоно Лутфуллоҳ вафотидан икки ой олдин Оҳангаронда бўлиши |
| №160. (204а-206а) | Мавлоно Лутфуллоҳ томонидан суҳбат ижозати берилган халифалар рўйхати |
| №161. (206а-207б) | Убайд Самарқандийнинг Мулло Фатҳуллоҳдан шикояти |

| | |
|---|---|
| №162. (207б-208а) | Мавлоно Фатҳуллоҳнинг Мавлоно Лутфуллоҳ томонидан авф этилиши |
| №163. (208а-209а) | Охирги сафар — Тошканддан қайтиш |
| №164. (209а-211б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ахсикатдан Оҳангаронга ташрифи ва мухолифлар иғвоси |
| №165. (211б-213б) | Мавлоно Лутфуллоҳ Тошканддан Самарқандга жўнагандан сўнг Муҳаммад Муфтига мухолифлар томонидан отилган таъна тошлари |
| №166. (213б-214а) | Мавлоно Лутфуллоҳ Ҳисордалигида Муҳаммад Муфти ва Жумъа суфийнинг унга байъат қилганликлари тарихи |
| №167. (214а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Оҳангарондаги Новдар мавзесида аҳволи оғирлашгани |
| №168. (214а-215б) | Мингяроч қишлоғига ташриф ва Муҳаммад Муфтига танбиҳ |
| №169. (215б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Муҳаммад Муфтига насиҳати |
| №170. (216а-217б) | Муридлик одоби ҳақида |
| №171. (217б-218а) | «Исми Аъзам» ҳақида |
| №172. (218а-219а) | Замона фосидлиги ҳақида |
| №173. (219а) | Гуноҳ ҳақида |
| №174. (219а) | Тавба ҳақида |
| №175. (219а-б) | Тариқат ва шариат ҳақида |
| №176. (219б) | Яна бир бор тариқат ва шариат ҳақида |
| №177. (219б-220а) | Тавба ҳақида |
| №178. (220а) | Таважжуҳ ҳақида |
| №179. (220б) | Шайтон фириби ҳақида |
| №180. (220б) | Гуноҳкорнинг ноумид бўлмаслиги ҳақида |
| №181. (221а) | Тавба — аҳд демакдир. |
| №182. (221а-б) | Икки мўмин — икки қўл кабидир (ўзаро дўстлик ҳақида) |
| №183. (221б) | Ёмон суҳбатдан қочиш |
| №184. (221б-222б) | Тавба —ёмондан қочмоқдир. |
| №185. (222б) | Ножинс ёр ва аҳмоқ жамоат ҳақида |
| №186. (222б) | Имом Нажмиддин Умар Насафий номард инсонлар ҳақида |
| №187. (222б-223б) | Абдураҳмон Жомийдан тариқат толиблари ҳақидаги нақл |
| №188. (223б) | Мавлоно Лутфуллоҳ хуфтон намозидан кейинги ибодат ҳақида |
| №189. (223б-224б) | Мавлоно Лутфуллоҳ таҳорат ва бошқа ибодатлар ҳақида |
| №190. (224б-225б) | Мавлоно Лутфуллоҳ зикр ҳақида |
| №191. (225б-226а) | Мавлоно Лутфуллоҳ таҳажжуд намози ҳақида |

| | |
|---|---|
| №192. (226а) | Хожа Али Ромитаний таҳажжуд намози ҳақида |
| №193. (226а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ таҳажжуд намози ҳақида |
| №194. (226б) | Мавлоно Лутфуллоҳ «Оят ал-Курсий»нинг фазилатлари ҳақида |
| №195. (226б-228а) | Оятлар савобини марҳумларга бағишлаш ҳақида |
| №196. (228а-б) | Таҳажжуддан кейин тонггача бажариладиган ибодатлар ҳақида |
| №197. (228б-229а) | Таҳажжуд ҳақида улуғлар ўгити |
| №198. (229а) | Бомдод намозидан кейинги ибодат ҳақида |
| №199. (229а-б) | Намози истихора ҳақида |
| №200. (229б-230б) | Улуғлар намози истихора ҳақида |
| №201. (230б) | Намоздан кейинги тавба ва тазарруъ ҳақида |
| №202. (230б) | Худони ёдлаш ҳақида |
| №203. (230б-231а) | Ишроқ намози ҳақида |
| №204. (231а) | Намоз савобини арвоҳларга бағишлаш ҳақида |
| №205. (231а-б) | Намозда ўқиладиган суралар ҳақида |
| №206. (231б) | Таҳорат ҳақида |
| №207. (231б) | Қуръон тиловат қилиш ҳақида |
| №208. (231б-232б) | Пешин намозидан кейин нафс ҳисобини қилиш |
| №209. (232б-233а) | Ўтган умр сарҳисобини қилиб туриш ҳақида |
| №210. (233а) | Шомдан хуфтон намозигача зикр билан шуғулланмоқ ҳақида |
| №211. (233а-234а) | Ибодатларни такомиллаштирмоқ ҳақида |
| №212. (234а-235б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ҳисорга бориши Муҳаммад Муфти ва Мавлоно Валий Чодакий қиссаси |
| №213. (235б-236б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Чустда мухолифлар билан мулоқоти |
| №214. (236б-238а) | Аҳмад Косоний вафотидан сўнг Мавлоно Лутфуллоҳнинг Оҳангаронга бориши ва Мавлоно Имод қиссаси |
| №215. (238а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Кандибодомга ташрифи ва қози воқеаси |
| №216. (238б-239а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Тошкандда Бароқхон амири Мансур Мирак манзилига келиши |
| №217. (239б-240а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг шогирди Ҳўқанд қозиси Абдулазиз хотираси |
| №218. (240а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ Самарқанддан Ахсикатга келаётганда Мир Халил Хонанда айтган шеър |
| №219. (240б-241б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Марғилонга ташрифи |
| №220. (241б-243а) | Абдуллатифхон даврида Мавлоно Лутфуллоҳнинг Самарқандга ташрифи |
| №221. (243а-б) | Мавлоно Саъдиддиннинг Самарқандда туш кўриши ва Мавлоно Лутфуллоҳга тафсир совға қилиши |

| | |
|---|---|
| №222. (243б-244б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Ҳисорда султонларни яраштириши |
| №223 (244б-245а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг бир таҳсинга сазовор хулқи ҳақида |
| №224. (245а-246б) | Аббос Султоннинг ҳасса вазифасини бажарувчи шамшири ҳақида |
| №225. (246б-247а) | «Мавлавий Румий маноқиби»дан баъзи авлиёларнинг мутакаббир кўринишлари сабаби ҳақида |
| №226. (247а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Марғилонга охирги сафари |
| №227. (247б-248а) | Чустдаги Кўтарма ариғининг қазилиши баёни |
| №228. (248а-249а) | «Мавлавий Чалабий маноқиби»дан нақл |
| №229. (249а-250а) | Амир Тўхта Чустийнинг Калонтар Саъдуллоҳ устидан Мавлоно Лутфуллоҳга арз қилиши |
| №230. (250а-252а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Карниёндан Чустга кўчганда Саъдуллоҳ билан ихтилофи |
| №231. (252а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ истиғфор ҳақида |
| №232. (252б-253а) | «Мавлавий Чалабий маноқиби»дан нақл |
| №233. (253а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг витр намозидан кейинги ибодати |
| №234. (253б-254а) | Мавлоно Алоуддиннинг Абдураҳмон Жомий билан суҳбати |
| №235. (254а) | Шайх ал-машойих Абу Жаъфардан ўгит |
| №236. (254а-255а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Пискатга келиши ва Самарқанддан келган талаба бошига тушган воқеа |
| №237. (255а-б) | «Мавлавий Чалабий маноқиби»дан нақл |
| №238. (255б-256б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Хўжандга бориши |
| №239. (256б-257б) | Ҳижрий 967 йилда қазоқ султонларининг Сайрамга бостириб кириши |
| №240. (257б-258а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Хўжанд қозиси фарзанди кўзини даволагани |
| №241. (258а-259б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг охирги сафарлари баёни |
| №242. (259б-260а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Тошканд сафаридан қайтаётиб Мавлоно Иброҳим Чодакийни уйлантириши |
| №243. (260а-261а) | Қирғизларнинг Ахсикатга босқини ва Мавлоно Лутфуллоҳга қарашли қўйларни олиб кетиши |
| №244. (261а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг қўйбоқари Аржокатийнинг хиёнати ҳақида |
| №245. (261б-262б) | Мулло Бобо Аржокатийнинг тавбаси ҳақида |
| №246. (262б-265б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг ҳут ойида Самарқанддан Ахсикатга Кандибодом орқали қайтиши |
| №247. (265б) | Дарвешнинг воқеада балодан огоҳ бўлиши |
| №248. (266а-267а) | Мавлоно Юсуф-Алига Мавлоно Лутфуллоҳнинг ғойибона танбиҳи |

| | |
|---|---|
| №249. (267а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ умрининг охирги даврларида, қирқ кунга яқин Ахсикатда бўлиши |
| №250. (267б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг аёллар жамоаси билан мулоқоти хусусида |
| №251. (267б-268б) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг низолашган эр-хотинга танбиҳи |
| №252. (268б-269а) | «Қирмизини сотмоқ» истилоҳи қабиҳ маънода айтилиши ҳақида |
| №253. (269а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ эр-хотин муносабатлари ҳақида |
| №254. (269б) | Мавлоно Лутфуллоҳ хотинлар тоифаси ҳақида |
| №255. (269б-270а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Усто Бухор Гилкорга маслаҳати |
| №256. (270а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ ўғрини топишнинг осон йўли ҳақида |
| №257. (270б) | Мавлоно Лутфуллоҳ меъёр ҳақида |
| №258. (271а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ таъма ҳақида |
| №259. (271б-272а) | Дарвешхон замонида Мавлоно Лутфуллоҳнинг Тошкандга келиши |
| №260. (272а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ Чодакдан Карниёнга кўчган пайтлари рўй берган ҳодисалар |
| №261. (272б) | Муҳаммад Муфтининг укаси ҳақида |
| №262. (272б-273а) | Хожа Исҳоқ Валийнинг Мавлоно Лутфуллоҳ шогирди сифатида ошпазлик қилгани |
| №263. (273а-б) | Дарвешхон Ахси ҳокими бўлганда Мавлоно Лутфуллоҳ ёнига келиши |
| №264. (273б-274а) | Мавлоно Лутфуллоҳ ўзидан дуо талаб қилган султонлар ҳақига ўқийдиган дуоси |
| №265. (274а-275б) | Мавлоно Лутфуллоҳ китоб ўқиш билан машғул бўлгандаги ҳолати баёни |
| №266. (275б-276а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Пискатга келиши ва дастурхон атрофида ўтириш одоби ҳақида, |
| №267. (276а-б) | Мавлоно Лутфуллоҳ ўз феъли ҳақида |
| №268. (276б-277а) | Мавлоно Лутфуллоҳнинг Тошкандга йўл олиши ва Ушко қишлоғида тунаши |
| №269. (277а-278б) | Ҳожи Ҳасан Қуводиёнийнинг тушига Пайғамбар кириши ва уни Мавлоно Лутфуллоҳ тарбиясига ҳавола этиши |
| №270 (278б-279а) | Ҳожи Ҳасан Қуводиёнийнинг Мавлоно Лутфуллоҳ билан бирга Самарқанддан Ахсикатга келиши ва уч йил давомида мулозаматида бўлиши |

## ЛУҒАТ

Аҳли ҳол — важду ҳол, шавқ, ҳаяжон ва жазбага берилган кишилар, суфийлар

Ботил — нотўғри, ноҳақ

Воқеа — туш, суфийга унинг ғайбат ҳолатида бўлган пайтда кўринадиган воқеалар

Байъат — аҳдлашиш, устозга қўл бериш, шогирд тушиш.

Ботин илми (ғайб илми, ладуний илм)- валийларга Аллоҳ тарафидан илҳом орқали етказиладиган илм

Валоят — авлиёлик

Восил — Аллоҳнинг розилиги ва дийдорига етишган

Даражаур-рофиъа — юқори даражали

Жазба — соликнинг ихтиёрсиз равишда Аллоҳ томонга кучли интилиши.

Ибтидои иродат — соликнинг пирга қўл бериб, тариқатта кирган дастлабки даври

Илоҳий мавҳибат — илоҳий иноят, имтиёз

Имому-л-муттақин — тақводорлар пешвоси

Инобат —ихтиёрни топширмоқ

Иршод — тўғри йўлга бошламоқ, ҳидоят кўрсатмоқ

Итоб — таъна қилмоқ.

Кандибодом - ҳозирги Конибодом бўлса керак

Каромат — авлиёлардан содир бўладиган ғайритабиий ҳаракатлар

Кибриё — улуғворлик

Марқад — қабр

Мосуво — бегона, Аллоҳ таолодан бошқа барча нарсалар

Мубаллиғ — Аллоҳнинг диний аҳкомларини умматга етказувчи

Мубашшир —хушхабар берувчи

Муктафи — Аллоҳ амрлари билан кифояланувчи

Муроқаба — медитация, вужудий ва руҳий муносабатларни бир нуқтада жамламоқ, қалб кўзи билан илоҳий оламни кўздан кечирмоқ

Мушоҳада — кўрмоқ, кузатмоқ

Муршид —пир

Мусаддиқ — тасдиқ этувчи

Муслиҳ — ислоҳ этувчи, тузатувчи

Мутаваккил — таваккул этувчи

Мутобаат — эргашиш

Муқтафи — ҳақ йўлга эргашувчи

Носиҳ — насиҳат қилувчи

Риёзат — нафс истакларидан покланиш, тоат-ибодат орқали руҳий-маънавий камолотга эришиш.

Рижол ул-ғайб — ғойибдан келувчи одамлар, ғайб эранлари

Рофеъу-д-даражот — даражаларни кўтарувчи (Аллоҳ сифатларидан бири)

Саййид ал-мурсалин — пайғамбарлар хожаси, Муҳаммад пайғамбар

Сирож — чироғ, қуёш

Собиқ — барча шарафда олдинда борувчи

Содиқ — ростгўй, содиқ

Солиҳ — яхши ишларни қилувчи

Солики лабиб — маърифат изловчи, покдоман солик (йўлчи); зукко, ақл-заковатли, ўткир зеҳнли солик

Соҳибвоқеа — юз берадиган ҳодисаларни тушда кўрувчи

Тааллуқот — Ҳақ зикридан чалғитадиган амаллар ва нарсалар.

Таважжуҳ - суфийнинг фикрни жамлаб, бир мақсадга йўналтириш усули.

Тавба — тариқатга киришнинг биринчи шарти, ўтган гуноҳлар ва содир этилган хатолардан пушаймон бўлиш ва қайта такрорламаслик ваъдаси.

Тасарруф — суфийнинг таважжуҳ орқали суҳбатдошини ўз таъсири остига олиши

Узлат — жамиятдан ўзни тортиш, таркидунёчилик

Файз — илоҳий нур

Фано — ўзликни унутиш

Хирқа — дарвишлар киядиган либос

Хожаи жаҳон — Абдулхолиқ Ғиждувоний

Хожаи Бузург — Хожа Баҳоуддин Нақшбанд

Хожагон хонаводаси — Хожагон силсиласи, пири бузруклар

Хуруж ва самоъ — суфийларнинг зикр айтиб, рақс тушиш орқали илоҳий завққа эришиш усули

Ғайбат - ўздан кетиш, соликнинг муроқаба (медитация) пайтида рўй берадиган ҳолати

Ҳол — суфийнинг медитация пайтида ғайритабиий ҳолатларни бошидан кечириши

Ҳоди — тўғри йўлга бошловчи

Ҳудо — ҳидоят манбаи, тўғри йўл

## *МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ ҲАҚИДАГИ АДАБИЁТЛАР*


### 1. Манбалар

Муҳаммад ал-Муфти ат-Тошкандий ал-Оҳангароний, Мавлоно. Маноқиб-и Мавлоно Лутфуллоҳ. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 5785.

Ушбу асарнинг бошқа қўлёзма нусхаси чустлик Абдуллоҳхўжа Маъруфхўжа хонадонида сақланади.

Муҳаммад Раҳим, Халифа. Сирож ас-соликин. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 629.

'Убайд Аллоҳ ан-Нақшбандий ас-Самарқандий. Сирож ас-соликин ва-лато'иф ал-'орифин. А.А.Семенов фонди қўлёзмаси (номерсиз) // Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Тарих, археология ва этнография институти.

### 2. Тадқиқотлар

Бабаджанов Б.М. Политическая деятельность шайхов Накшбандийа в Мавераннахре (I пол. XVI в.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1996.

Бабаджанов Б. Лутфаллах Чусти // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1. Москва, 1998, сс. 65-66.

Babajanov B. Mawlana Lutfullah Chusti. An outline of his hagiography and political activity // Zeitschrift der Deutschen Morgenlaendischen Gesellschaft (ZDMG), Band 149 (1999), pp. 245-270.

Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан. Август-декабрь 1920 г. // Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII, Москва, 1973, сс. 378-380.

Валидов А.З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного отделения Императорского российского археологического общества (ЗВОИРАО), № 22 (1915), сс. 303-320.

DeWeese D. The Eclipse of the Kubraviyah in Central Asia // Iranian Studies, 21/1-2 (1988), pp. 45-83.

Джалилова Р.П. [Описание № 7566] // Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР, Том XI, Ташкент, 1987, сс. 363-364.

Dodhkudoeva, Larisa et Lola. Manuscrits orientaux du Tadjikistan: la collection Semenov // Cahiers d'Asie centrale, № 7 (1999), pp. 39-63.

Иномхонов М. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий // Имом ал-Бухорий сабоқлари, № 2 (2000), сс. 117-118.

Маъруфхўжа ўғли А., Жабборов Н. «Маноқиби Мавлоно Лутфуллоҳ» - ватанимиз тарихига оид муҳим манба // Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Наманган), V, Тошкент, 2001, сс. 24-31.

Семенов А.А. Уникальный памятник агиографической среднеазиатской литературы XVI в. // Известия Узбекистанского филиала Академии наук СССР, № 12 (1940), сс. 42-52; № 13 (1941), сс. 37-38.

Файзиддин ўғли Н., Муҳаммад Ҳаким, Муҳаммад Ҳофиз ўғли Ж. Чуст тарихи. Чуст, 1995.

# МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ ШАЖАРАСИ



## МУНДАРИЖА

**Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий**........................................3

**Мавлоно Лутфуллоҳ ва унинг гўзал ахлоқи васфи ҳамда аждодлари зикри**........................................18

*1-фасл. Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳ туғилган диёр зикри*........................................18

*2-фасл. Мавлоно Лутфуллоҳнинг таҳсинга сазовор васфлари ва ёқимли хулқлари зикри*........................................18

*3-фасл. Баъзи ота-боболарининг зикри*........................................21

**Мавлоно Лутфуллоҳга тарбия берган баъзи авлиёлар ва машойихлар зикри**........................................24

*1-фасл . Мавлоно Шоҳ Ҳусайн Чоркуҳий зикри*........................................24

*2-фасл. Махдуми Аъзам Мавлоно Муҳаммад Қози зикри*........................................30

*3-фасл. Махдуми Калон Ҳазрат Мавлоно Хожаги Аҳмад Косоний зикри*........................................34

**Мавлоно Лутфуллоҳ ҳолларининг ибтидоси, талаб ва сулук даврларида рўй берган воқеалар баёни**........................................47

**Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳнинг зоҳирий ва ботиний аҳволлари ва ибодатлари шарҳи**........................................55

**Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳнинг толиби илмлар ва соликларга Кобул вилоятидан юборган хати**........................................67

**Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳнинг толиби илмлар ва соликларга Кобул вилоятидан юборган насиҳатномаси**......75

**Мавлоно Лутфуллоҳнинг мақомотлари, кароматлари ва хаворику-л-одатларидан баъзиларининг баёни**........................................80

**Ҳазрат Мавлоно Лутфуллоҳнинг толиби илмлар ва соликларга айтган сўзлари баёни**........................................109

**Манбада келтирилган манқабалар (нақллар) мазмунининг қисқача фиҳристи**........................................126

**Луғат**........................................136

**Мавлоно Лутфуллоҳ ҳақидаги адабиётлар**........................................138

*Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби*

Муқованинг биринчи бетида ушбу китоб учун асос қилиб олинган қулёзмадан лавҳалар, охирги саҳифасида Мавлоно Лутфуллоҳнинг Чустдаги мақбараси берилган.

Босишга рухсат этилди: 25.12.2002. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Нашриёт босма табоғи 9. Шартли босма табоғи 10. Адади: 1000 нусха. Буюртма №157
Баҳоси — келишилган нархда.

Оригинал макет Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг компютер марказида тайёрланди.
Техник муҳаррир ва дизайнер — Е.Руденко.

Тошкент картография фабрикасида чоп этилди.
700170, Тошкент шаҳри, полковник Асом Муҳиддинов кўчаси, 6-уй.

